

24039

# ЎЗБЕК НОТАСИ

Узбекская нотация

اوز بيك نوطه سى

Uzbek notation

ОТАНАЗАР МАТЕҚУБОВ  
РУСТАМ БОЛТАЕВ  
ҲАМИДУЛЛА АМИНОВ




ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ИХТИСОСЛАШГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Шабарруж даргоҳингиздан  
олган хайрат мавқимлар учун  
миннатдорчилик ила  
Шабарруж

ОТАНАЗАР МАТЁҚУБОВ  
РУСТАМ БОЛТАЕВ  
ҲАМИДУЛЛА АМИНОВ

## ЎЗБЕК НОТАСИ

ТАДҚИҚОТ, МАТН, ТАБДИЛОТ



Тошкент  
2007



Ушбу китоб ЮНЕСКОнинг Япония Траст Жамғармаси билан ҳамкорлигидаги «Шашмақом Марказий Осиёнинг мумтоз мусиқасини сақлаш» лойиҳаси кўмагида 2007 йил нашр этилди.

Ушбу китобдаги маълумот, фикр ва мулоҳазалар учун муаллифлар масъулдир.  
Китобда баён этилган ғоялар ЮНЕСКО нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

*Нашр учун масъул:*

**Азиз ТЎРАЕВ** – А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ректори, профессор

*Илмий муҳаррирлар:*

**Мансур БЕКМУРОДОВ** – А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти проректори, профессор

**Рифатилла ҚОСИМОВ** – Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори, профессор

**Соибжон БЕГМАТОВ** – Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори, доцент

*Нота муҳаррирлари:*

**Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ** – Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти

**Раҳматжон ТУРСУНОВ** – Педагогика фанлари номзоди, профессор

*Таҳрир ҳайъати:*

**Майкл БАРРИ ЛЕЙН** – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

**Санжарбек АЛЛОЁРОВ** – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маданият ишлари бўйича координатори

**Муҳайё МАҲМУДОВА** – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маданият ишлари бўйича координатори ўринбосари



## ТАҚДИМОТ



Ўзбек халқининг маданий мероси бой ва кўҳна тарихга эга эканлиги яхши маълум. Улкамиз ўтмишида, айниқса, адабиёт ва musiқа санъати жуда юксак даражада ривожланган даврлар бўлган. Musiқа маданиятининг гуллаб-яшнаши ўз навбатида musiқашунослик илмининг ривожланишига ҳам асос бўлди. Жумладан, боболаримиз musiқий асарларни ёзувга тушириш борасида ҳайратомуз кашфиётлар қилганлар. Улардан бири бу — Хоразм танбур чизиги бўлиб, унинг мукамаллигини ҳамда қўлланиш доирасини ҳисобга олган ҳолда биз «Ўзбек нотаси» деб атадик. Хоразм мақомларининг ана шу нота ёзувидаги нодир нусхаси Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган меҳнат фаҳрийси Ҳофиз Оллоназаров қўлида сақлаб келинар эди. Ноёб манба миллий аҳамиятга эга қадрият эканини англаган Ҳофиз Оллоназаров асарни ҳақиқий эгаси — халққа қайтаришга қарор қилиб, Ўзбекистон Президентига мурожаат этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2002-йил 23-майда Ҳофиз Оллоназаровга мактуб йўллаб, ўтмишда Хоразм musiқийшунослари томонидан яратилган қўлёзма мақом китобини авайлаб сақлаб келгани учун миннатдорчилик билдирди ҳамда бу нодир манбани Ўзбекистон давлат консерваториясига тақдим этишни тавсия қилди<sup>1</sup>. Эндиликда ушбу жаҳоншумул аҳамиятга молик бу

китоб мазкур даргоҳнинг музейида сақланмоқда<sup>2</sup>.

Юртбошимиз musiқий қадриятларимизни эъзозлаш, асраб-авайлаш ва бўлғуси авлодларга етказишга доимий эътибор қаратиб келмоқда.

«Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалининг очилиш маросимида Президент И.Каримов жумладан шундай деган эдилар: «Шарқ musiқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ musiқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк»<sup>3</sup>.

Давлат раҳбарининг musiқий меросимизга бўлган ғамхўрлиги санъат аҳлининг қалб кўрида сақланиб келаётган эзгу орзу-умидларга қанот бағишлаб, муаззам мақом мулкани обод қилиш, уни миллий қадрият сифатида халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга йўналтириш йўлида янги-янги изланишларга даъват этади.

\* \* \*

XIX-асрнинг сўнгги чорагида ихтиро қилинган, жаҳонда тенги топилмайдиган, мазкур musiқий ёзув тизими фанда «Ўзбек нотаси», «Хоразм нотаси», «миллий нота ёзуви», «хоразмий табулатура»,<sup>4</sup> «танбур чизиги», «танбур чизгилари», «танбур нотаси» каби номлар билан маълум. Танбур табулатураси ҳақида ўзбек, рус ва бошқа

ҳориж мамлакатлари матбуотида кўплаб маълумотлар эълон қилинган.<sup>5</sup> 1958-йилда «Ўзбек халқ музыкаси» мажмуасининг Хоразм мақомларига бағишланган 6-жилди чоп этилиши муносабати билан «Рост» мақомининг танбур ёзувида битилган асл кўриниши ҳамда ундан европача нотага ўгирилган матнлар илк бор эълон қилинди<sup>6</sup>. Лекин, очигини айтадиган бўлсак, кўп назарий ва амалий ҳаракатларга қарамасдан мўътабар мақом санъатининг чинакам аҳамияти, илмий асослари ва қай мақсадларда яратилгани етарли даражада очилмасдан, замонавий эҳтиёжлардан четда қолиб бораётган эди.

Консерватория нусхасининг олдин муомалада юрган рўйхатлардан фарқи биринчи қарашданоқ яққол кўзга ташланади. Шунгача Илёс Акбаров фойдаланган Муҳаммад Расул, Худойберган Муҳркан ва Муҳаммад Юсуф Баёний қўлёзмаларида «сарой мақомлари» хатга туширилган<sup>7</sup>. Илмий адабиётда ҳам «Хоразм мақомлари» деганда айнан шу хос нав назарда тутиб келинаётган эди. Янги нусхада эса Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Бузрук мақомларининг ашула йўллари билан бир қаторда Зиҳий Наззора-Урганжий, Мискин, Ровий(Раҳовий), Охёр, Садри Ироқий, Чоки Гирибон каби ўзига хос номлар остида яна олти та туркум келтирилган. Булар

мумтоз мусиқанинг ўз вақтида «Танбур мақомлари»га муқобил равишда «Дутор мақомлари» деб юритилган маъмулий навларидир.

Зикр этилаётган нуханинг бекиёслиги шундаки, унда хос танбур ва маъмулий дутор мақомларининг мусиқий ва сўз матнлари тўла-тўқис ёзиб олинган. Бундан ташқари куй изми сўз жумлалари ва усул рукнларига мувофиқ ҳолда бошдан охир муфассал белгилаб чиқилган. Айнан шу сифатларига кўра, консерватория нухаси Ўзбек нотасининг энг мукамал ҳамда тадқиқ этишга ўнғай намунаси деб эътироф этилиши лозим.

Нодир қўлёмани рўёбга чиқиши мақомшуносликнинг долзарб масалаларидан тобора четда қолиб бораётган Ўзбек нотасининг аҳамиятини тиклаш ҳамда бу борада манбашунослик бўйича изчил илмий ва ижодий изланишлар олиб бориш нақадар зарур эканлигини кўрсатиб берди. Дарҳақиқат, мақомот мулкида топилган фавқулодда муҳим қўлёмна классик мусиқамизнинг илмий асослари билан боғлиқ бошқа манбалар — Кавкабий ва Дарвеш Алининг мумтоз рисоалари, XIX аср Шашмақом тарихини ёритувчи мусиқий баёзлар, XX-аср бошларида маърифатпарварлар томонидан яратилган «Хоразм мусиқий тарихчаси», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобларидаги маълумотларни амалдаги ижроларга мувофиқлаб, бир бутун тизим сифатида ўрганишда муҳим ҳужжат ва ўзига хос очқич-калит бўлиб хизмат қилади.

\* \* \*

Танбур табулатураси маъно-мазмунига кўра тадрижий ривожланиш йўлида маълум даражага етган Хоразм мақомларининг урф этила бошланган мезонларини замон ва масофа узра узатиш воситасидир. Ундан кўзланган бош мақсад амалиётда барқарор ўрнашган мусиқий ва сўз матнларини хатга тушириш йўли билан дастури амал рисоласи сифатида жорий этиш ҳамда мақом мажмуаларини расмийлаштиришдан иборат. Ҳар қандай матн шартли белгиларни маълум қоидаларга мувофиқ жойлашувини назарда тутати. Табиийки, сўз матнлари грамматика қонунларига кўра тартибланади. Шу нуқтаи назардан мақомларнинг мусиқий матнлари уларнинг парда, усул ва таснифот низомларига мувофиқ хатга туширилиши мақсадга мувофиқ. Хоразм нотаси жорий этилган пайтда классик мусиқанинг барқарор шаклга келган нави (жанри) тарихга Шашмақом номи билан муҳрланган эди. Демак, танбур табулатураси ҳам унинг мусиқий қонуниятлари асосида тартиб этилган.

Шашмақом — мақомот тизимининг ўзаги. Унинг муайян мусиқий нав сифатида шаклланганлиги илк бор XIX-аср ўрталарида, аниқроғи 1264 ҳижрий, милодий 1847-йилга мувофиқ Бухорода Амир Насруллоҳон замонида номаълум муаллиф томонидан ёзилган манбада қайд этилади<sup>8</sup>. Бу Шашмақом тарихига оид жуда муҳим ва маълум жиҳатлардан устувор ҳужжат, афсуски, тўлиқ эмас. Бошланғич варақлари сақланмаган. Қўлёмна икки нисбатан мустақил бўлимдан иборат.

Насрий қисми ўтмиш рисоаларида кўплаб қайд этиладиган «мақом доиралари фалаксиймоларга қиёс қилиб ишланган» деб қараладиган қадимий фазовий таълимотга тааллуқли фикрни баён этувчи жумланинг охири — «фалак доираларидан олдилар» — деган жойидан бошланади<sup>9</sup>. Насрий қисмининг сўнггида Мавлоно Кавкабий Бухорий «Ўз замонасининг Ҳожа Абдулқодири» деб ифтихор этилади. У зотдан илми мусиқийда кўплаб таснифотлар мерос қолганлиги баён этилиб, улар орасида бу санъат устозларини ҳайрон этган «Куллиёт» ҳам тилга олинади.

Манбанинг иккинчи қисми ўз даврида Шашмақомнинг ашула йўлларида расм қилинган сўз матнларини ўз ичига олувчи баёздан иборат. Унда Шашмақом Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Бузрук, Ироқ тартибида келтирилади. Бундан ташқари Бухоро Шашмақомига оид XIX-асрда ёзилган яна олтига баёз мавжуд<sup>10</sup>. Уларда мақом туркумлари Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Бузрук, Ироқ шаклида жойлашади.

XIX-аср Бухорода яратилган мусиқий баёзлар Шашмақом тарихи ва илмий асосларига доир ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Уларнинг умумий мундарижасига кўра Шашмақом барқарор шаклланган мусиқий мажмуа сифатида намоён бўлади. Кўпчилик баёзларда мажмуа «Мусиқий Шашмақом» - «Шашмақоми мусиқий» деб номланади. Бундаги мусиқий атамаси мажмуани илмий асосларга мансуб «академик» нав эканлигини таъкидлашга қаратилган сифатдир.

Баёзлар мундарижасига кўра Шашмақом

музикий тизим сифатида мумтоз номлар билан юритиладиган 22 та парда(лад) тузулмасидан таркиб топади<sup>11</sup>. Туркумларнинг бошида келадиганлари «мақом», ичидагилари эса «наср» (ёрдамчи) парда(лад)лар дейилади. Баёзларда бошланғич — «мақом» қисми «даромад» ёки «сарахбор» деб ҳам юритилади. Шунга кўра, «шаш даромад», «шаш сарахбор» сўз бирикмалари «шашмақом» сўзининг маънодоши ўрнида келади. «Сарахбор» атамаси барча баёзларда туркумнинг бошланғич мақоми маъносига юради. Юқорида тилга олинган № 1466 I/II рақамли манбада «шашдаромад» сўзи рисола номида учрайди<sup>12</sup>.

Музикий баёзлар мазмунидан Шашмақом мажмуасининг умумий парда тизими икки тоифадаги лад бирликларидан таркиб топади. Уларнинг биринчиси «мақом», иккинчиси «наср» деб юритилади<sup>13</sup>. Шунга кўра ҳар бир туркум бир мақом ва икки-уч насрни ўз ичига олади:

Рост, Ушшоқ, Сабо;<sup>14</sup>

Наво, Баёт, Орази Наво, Ҳусайний Наво; Дугоҳ, Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний;

Сегоҳ, Ҳижоз, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам;

Бузрук, Насруллоҳий, Уззол, Чоргоҳ-Муҳайяр;

Ироқ, Муҳайяр, Наврўзи Турк.

Эътиборли томони шундаки, Бухоро Шашмақомининг баёзларда қайд этилган парда тизимининг умумий андозаси, мажмуанинг кейинги даврларда юзага келган нав кўринишлари — Хоразм олти ярим

мақоми, XX-асрда Ўзбекистон ва Тожикистонда шаклланган миллий моделларда ҳам деярлик тўлиқ сақланган.

\* \* \*

XIX-аср бошларидан Шашмақом тизими Хоразмда ҳам жорий этилди. Бу жараённинг бошида Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) замонида яшаган Саййид Ниёзжон (халқ тилида Ниёзжон хўжа) деган аллома турган. Бухорога боришидан олдин Ниёзжон Хоразмнинг азалий Дутор мақомларининг етук устози ва музикийшунос сифатида элга танилган<sup>15</sup>. Саййид Ниёзжон Бухорода элчилик лавозимини бажариб турган пайтда Шашмақом асосларини мукаммал ўрганишга кунт қилган. Хоразмга қайтгач, шогирдлар тарбиялаб, Шашмақом илмини тарқата бошлаган. Ана шунга кўра, Шашмақом Хоразмда азалий Дутор мақомларига муқобил равишда Танбур мақомлари дейиладиган бўлган.

Ниёзжон хўжа Шашмақомнинг фақат куй ва ашулаларини эмас, балки, энг аввало, унинг илмий асосларини жорий этишга эътибор қаратганини алоҳида таъкидлаш зарур. Дарҳақиқат, Шашмақомнинг музикий нав сифатида мантикий ўзагини ташкил қилувчи парда тизими Хоразм услубида ҳам тўла сақланган. Бухоро ва Хоразм мақомларининг парда асослари бир хил. Улар асосан муайян парда тизимини ўзига хос куйлашда (талҳинлашда), яъни куй ва оҳанг билан тўлдириш-да фарқланади. Ана шу далилларни эътиборга олсак,

Шашмақом асосларини Бухородан Хоразмга кўчиришда Саййид Ниёзжон қўлида баёздастак мавжуд бўлгани шубҳа қолдирмайди.

XIX-аср бошларида илдиз отган музикий жараён Муҳаммад Раҳимхон II Феруз даврида (1864-1910) ўз тараққиётининг юқори чўққисига эришди. Хоразм музикийшуносларининг ижодий изланишлари туфайли Олти ярим мақом қиёфаси шаклланди<sup>16</sup>. Хоразм мақом мактабининг бошига Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон каби салоҳиятли музикийшунослар келди. Саййид Ниёзжондан бошланган Хоразм мақом мактабининг тарихий аҳамиятини аллома Фитрат юксак баҳолайди. Ўзбек классик муסיқаси борасида «Мана шундай (музикий) яшнашларнинг биртаси, энг баракатли биртаси сўнг замонларда Хоразмда бўлгон» - деб таъкидлайди у<sup>17</sup>.

1910-йилда Феруз вафоти ҳамда тез орада Россияда ва унинг оқибатида Хоразм хонлигида юз берган ғалаёнлар музикий тарғибот ишларига катта зиён келтирди. Узоқ йиллар давомида шаклланган муҳташам мақом мактаби ҳаёт эҳтиёжлари доирасидан аста-секин четга чиқарила бошланди. Бунинг устига миллий муסיқага нисбатан бошда бир мунча ижобий муносабат билдирган шўро ҳукумати, кўп ўтмай турли сиёсий сафсаталар ниқоби остида ўтмиш меросга тобора салбий муносабат билдира бошлади.

Ана шундай алғов-далғовлар гирдобига қарамай, ўтган асрнинг 20-йиллари охири-30-йилларнинг бошида Хоразм устозлари кашф этган нота тизими қайтадан долзарб

аҳамият касб этиб, кун тартибига қўйила бошланди. Ҳамза, Чўлпон, Фулом Зафарий ва бошқа маърифатчилар танбур нотасига катта умид боғлаб, уни мусиқий таълими тизимига жорий этиш масалаларини матбуотда кўтариб чиқдилар<sup>18</sup>. Ушбу даврда Хоразм нота илмида катта обрўга эга бўлган сгук устозлар Муҳаммад Юсуф Девонзода – Матюсуф Харротов, Муҳаммад Комил Девоний танбур ёзувини истеъмол доирасини кенгайтириб, Бухоро Шашмақоми (!), Дутор мақомлари, сурнай йўллари ва бошқа маъмулий куй ва ашулаларни мазкур тизимда хатга туширишга киришдилар.

\* \* \*

Хоразм нотаси моҳиятан маълум тарихий шароитда қарор топган хос Танбур ва маъмулий Дутор мақомлари мажмуаларининг мусиқий ва сўз матнларини ёзиб олишга қаратилган. Маълумки, ҳар қандай матн белги ва ишораларни тегишли қоидалар асосида тартиб этилишини назарда тутди. Шу жиҳатдан мақом тафаккурига вобаста нота тизими мазкур фаннинг икки бош тамойили – парда (лад) ва ийқоъ (ритм) қонуниятларидан келиб чиқади.

Мақомларнинг парда ва вазн асосларига Фарбий Европа мусиқийшунослигида «модал тизим» (modal system) ёки «модуслар назарияси» (modal theory) деб қараш расм бўлган. Бунда модал, модус тушунчаси мақом илмининг парда ва вазн қонуниятларида аниқликдан кўра

нисбийлик муносабатлари устувор аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Модус лотинчада «меъёр», «йўл-йўриқ» деган маъноларни англатади. Шунга кўра, «Рост», «Ушшоқ» ёки бошқа номлар билан юритилган мақом-модус мутлоқ аниқликдаги парда бирликлари эмас, балки уларнинг муайян муносабатларини назарда тутди.

Хоразм табулатурасида пардаларнинг паст-баландлиги ва ийқоъ давомати аниқ нота ўлчови бирликларида белгиланмайди, балки товуш чиқариладиган жой (танбурдаги пардалар ўрни) ҳамда уларнинг вазн (узун-қисқалик) муносабатларига ишора этилади, холос. Қолгани, яъни шартли белгиларни муайян куй пардаларига айлантирилиши созанданинг билим ва маҳоратига боғлиқ. Шундай бўлсада, Хоразм нотаси моҳиятан изчил ва мукаммал ёзув. У мураккаб шакллардаги мақом йўллариини забт этишнинг қулай ва ишончли воситасидир.

\* \* \*

Ўзбек миллий нотасини изчил ўрганиш ва унинг воситасида битилган мақом куй ва ашулаларини бугунги кун созандаларига тушунарли нота тизимига кўчириш қатор муаммолар билан боғлиқ. Асосий масалалардан бири мақом илмининг назарий ва амалий асослари, ижрочилик ва манбашунослик соҳасидаги ижодий кучларни бирлаштиришдан иборат. Мазкур нашр муаллифлари мусиқийшунос Отаназар Матёқубов, мақом устаси Рустам Болтаев, араб ва форс

тилларининг билимдони Ҳамидулло Аминов ижодий гуруҳга уйғунлашиб, Хоразм нотасининг тарихий ва илмий асосларига оид масалаларни ўрганишга киришди.

Аввало, Хоразм нотасининг Давлат ва шахсий кутубхоналарида сақланадиган 17та қўлёзма нусхаси қиёсий ўрганиб чиқилди. Текширишлар натижасида консерваторияда сақланадиган Комил Девоний қўлёзмаси энг мукаммал деб топилди ва мазкур нашр учун асосий манба сифатида қабул қилинди.

Кейин, Хоразм нотаси ворисийлик ришталари билан боғлиқ бошқа манбалар – тегишли рисоалар, мусиқий баёзлар, XX-аср бошларида маърифатчилар ёзган «Хоразм мусиқий тарихчаси», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китоблари бир бутун тизим сифатида таҳлил этилди. Ушбу далилий тамойилга таяниб, Шашмақомни мусиқий нав сифатида шаклланиш тарихи, унинг илмий асослари билан боғлиқ таянч манбалар – мусиқий рисола, баёз ва танбур табулатураси ҳақида шўро даврида ҳукм сурган юзаки қарашларни рад этишга ҳаракат қилинди.

Сўнгра Комил Девонийнинг аржуманд нусхасида келтирилган мусиқий ва сўз матнларини мақомшунослик илмига кенгроқ жорий этиш мақсадида Хоразм танбур мақомларидан Рост туркуми ва Дутор мақомларидан 6 туркум замонавий нота тизимига ўгирилди ва ёзувлардан фойдаланиш қулай бўлиши учун уларнинг нота матнларига мувофиқ ижролар амалиёти ўтказилди. Пировардда ана шу илмий ва амалий изланишлар самараси ўлароқ



қўлингиздаги тадқиқот, матн ва табдилот бўлимларидан иборат нашр юзага келди. Мақомот тарихи ва илмий асосларига хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган катта қизиқишни инobatга олиниб, унга рус ва инглиз тилларидаги мухтасар резюмелар ҳам киритилди.

Мазкур нашрдан кўзланаётган бош мақсад шундан иборатки, Ўзбек нотаси шунчаки бир ёзув эмас, балки ўзига хос мақом китоби ва улуғ устозлар ҳозирлаган дастурул амал қўлланмаси эканлигини таъкидлаш. Нота китобининг жаҳоншумул аҳамияти шундаки, у мақом санъатининг ўз табиатидан келиб чиққан ҳамда у пиру устозлар томонидан тарихда илк бор хатга туширилган мусиқий матнлардан иборат. Ўзбек нотаси Хоразм мақомшунослигининг назарий ва амалий жиҳатлари муштарақлигида яратилган «калит» манба. У мақом илмига оид бошқа тарихий ҳужжат ва маълумотларнинг сиру асрорларини очишда ҳамда умумий мақомот таълимотини яратиш учун муҳим ҳужжатлардан биридир.

Бобомерос мақом китобини изчил ўрганиш, ундаги билимларга таяниб, мўътабар мусиқамиз тарихини ўрганиш ҳамда унинг юксалишига ҳисса қўшиш ҳар бир мусиқашунос, созанда учун шарафли ва маъсулиятли вазифа деб ўйлаймиз.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ҳофиз Олланазаровга мактуби. Халқ сўзи газетаси. 28-май, 2002-й.

<sup>2</sup> И.Каримов. Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси. «Маънавий юксалиш йўлида». Т., 1998.

<sup>3</sup> Тўплам. 17,5x20 см. ўлчамли альбом шаклидаги дафтардан иборат. Хаттотнинг исми ва ёзилган вақти кўрсатилмаган. Дастхатлар устида олиб борилган дастлабки изланишлар натижасида китоб тахминан ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида забардаст шоир ва мусиқийшунос Муҳаммад Комил Девоний (1887-1938) томонидан яратилгани аниқланди. Қўлёманинг сўнги соҳиби Ҳофиз Олланазаровнинг айтишига қараганда, мазкур нусха узоқ йиллар давомида унинг катта бобоси ҳазораспик машҳур ҳофиз Искандар Маҳзум истеъмолида бўлган. Сўнг унинг ягона ўғли Мулла Жуманиёзга мерос қолган. Мулла Жуманиёз ўз даврининг маърифатли кишиларидан эди. У отасидан фарқли ўлароқ, созандаликка илтифот қилмаган. Кейинчалик нота ёзуви қўлёмасининг вориси Мулла Жуманиёзнинг қизи Ниёзжон момо ҳамда набираси Ҳофиз Олланазаров бўлди.

Мулла Жуманиёз қўлида савод чиқарган шарқшунослар Абдулла Аҳмедов ва Исмоил Бекжоновларнинг хотирлашича, домла ўзи ва ўзгаларга нисбатан ўта талабчан ҳамда эътиқоди бутун инсон сифатида ном чиқарган. Мулла Жуманиёз Бухоро ва Самарқандга қатнаб, китобфурушлик билан кун кўриб юрган. Шогирдларининг айтишига кўра, Мулла Жуманиёз қўлида мазкур тўпламдан ташқари яна бошқа нота китоблари ҳам бўлган...

Бизга бу ноёб маълумотларни етказган муҳтарам олимлар А.Аҳмедов ва И.Бекжоновларга миннатдорчилик билдирамыз.

Хиванинг машҳур созандалари Матёқуб Ҳаррот, унинг ўғли Матюсуф Ҳаррот, жумладан Комил Девоний ва бошқа мақомшунос хаттотлар тирикчилик юзасидан нота китобларидан нусха кўчириш ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Мазкур аънанани инobatга олсак, эндиликда консерватория нусхаси деб юритилаётган қўлёмза ҳам айнан Мулла Жуманиёз фаолияти туфайли Ҳазораспга бориб қолгани эҳтимолдан холи эмас.

<sup>4</sup> Агар нота ёзуви бирон-бир чолғу асбобининг ижро жиҳатларига қараб ишланган бўлса мусиқий истилоҳда у «табулатура» (луғ. «лавҳа», «ёзув тахтаси») дейилади. Тарихда черков асбоби «орган» (органун) ва Шарқда машҳур «уд» чолғуларининг ижро имкониятларига мувофиқ ишланган табулатуралар машҳур бўлган. Уд Европада «лютня» («ал-уд» сўзининг ўзгарган шакли) дейилади. Лютня табулатураси Европада XVII асргача, яъни беш чизиқлик нота ёзуви юзага келгунга қадар жуда кенг тарқалган.

<sup>5</sup> Танбур табулатураси борасидаги алоҳида эътиборга лойиқ изланишлар қаторида И.Акбаров, Ю.Кон ҳамда И.Ражабов тадқиқотларини кўрсатиш мумкин: Акбаров И., Кон Ю. Хоразм мақомлари; Ўзбек халқ музикаси тўпламининг 6-жилдига кириш мақоласи. Тошкент, 1958, 1-30 бетлар; Ражабов И. Мақомлар. Тошкент, 2006.

<sup>6</sup> Ўзбек халқ музикаси. 6-жилд. Хоразм мақомлари. Тошкент, 1958, Илова, 521-607 бетлар.

<sup>7</sup> Хоразм нотаси китобларини ўрганиш ишларининг бошида турган Муҳаммад Расул Мирзо ва Худойберган Муҳркан томонидан ёзилган икки нусха Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида сақланади. Инв № 342; № 343. Муҳаммад Юсуф Баёний қўлёмаси ҳозир Илём Акабаров авлодлари қўлида сақланади.

<sup>8</sup> Муаллифи номаълум мусиқий манба. ЎзРФА ШИ Инв № 1466 I/II.

<sup>9</sup> Ушбу манба, 1 «а» варақ.

<sup>10</sup> ЎзРФА ШИ №№ 4544; 1428; 5734; 7074; 8827; 3842.

<sup>11</sup> Баёзлардаги маълумотлар асосида Шашмақом таркибий қисмларининг йиғма жадвали Ҳамидулла Аминов мақоласида келтирилади: Аминов Ҳ. Мусиқий баёзлар. Шашмақом сабоқлари. 2- тўплам. Тошкент, 2005, 32-49 бетлар.

<sup>12</sup> ЎзРФА ШИ № 1466 I/II.

<sup>13</sup> XIII-XV асрларда ислом дунёсида кенг

тарқалган умумий «илми адвор» тизимида мумтоз мусиқанинг парда бирликлари ҳам икки асосий тоифага бўлиниб, бири — асл, иккинчиси — фуруъ (тармоқ) доиралар деб юритилган. Асллар тоифасига 12 парда — мақом, фуруъларга — овоз, шўъба, ранг ва мураккабот каби тармоқлар кирган. Шу жиҳатдан «илми адвор» ва «шашмақом» парда тизимлари орасида ворисийлик ришталарини кузатиш мумкин.

<sup>14</sup> Шашмақомнинг чолғу йўлларига хос Панжгоҳ ашула йўллари мундарижасига кирмай қолиши табиий.

<sup>15</sup> Саййид Ниёзжон ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзма маълумотлар жуда кам. Бу ҳолатни ўз вақтида «Хоразм мусиқий тарихчаси» муаллифлари ҳам таъкидлаб ўтган. Қаранг: Мулло Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва. 1925 (араб имлосида). Кирил

ёзувида қайта нашр этилган. Масъул муҳаррир Б.Матёкубов. Тошкент, 1998.

<sup>16</sup> Хоразмда юзага келган мақом санъатининг юксалиш жараёнини тушиниш учун ушбу даврда жорий этилган «мусиқашунос» иборасига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур давр адабиётида бу атама кўп учрайди ва уни ички маъно-моҳиятига кўра Темурийлар замонида қарор топган «соҳиби адвор» тушунчасига қиёслаш мумкин. Адвор эгаси деганда мақом илмининг барча илмий (куй ва усул-вазн доиралари) ва амалий (куй ва вазн доираларини-модусларини ижро эта билишлик) томонларини мукамал ўзлаштирган санъаткорлар назарда тутилган.

Фанни мусиқий мазкур санъатнинг муштарак илмий ва амалий жиҳатини англатади. Илмий истилоҳда фан ва санъат иборалари маънодош тушунчалар сифатида ишлатилган. Оғзаки

анъаналарга мансуб баёзларда «фанни мусиқий» атамаси қисқартилиб, «мусиқий» шаклида ишлатиш одат тарзини олган. Баёзларда «Мусиқий Шашмақом» дейилишининг сабаби ҳам шу.

Мақом алломалари «мусиқашунос» деб номланганда ушбу санъатнинг илм ва амалиётини баробар эгаллаган етук устозлар назарда тутилган. Шунга кўра «созанда» атамаси мазкур ҳунарни ўзига касб қилиб танлаган ижрочиларни билдиради. Мусиқашунос эса мақом илми ва амалиётини санъат даражасида ўзлаштирган шахсларга нисбатан ишлатилган.

<sup>17</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993, 48-б.

<sup>18</sup> Муҳаммедова Б. Миллий мусиқа муаммолари XX-аср маърифатчилари назарида. Шашмақом сабоқлари. 1-тўплам. Тошкент, 2005. 72-79-бетлар.



## ТАДҚИҚОТ



## I БОБ. МАҚОМОТ МАНБАЛАРИ

**Муסיқий рисоалар.** Муסיқа ҳақидаги фикр азалдан унинг ажралмас бўлаги бўлиб келмоқда. Куй маъносини ифодалайдиган махсус тил топилган эмас. Аммо, асрлар довомида муסיқийнинг маъно-мазмунини ва тузилишига оид кўплаб афсона, ривоят, тушунча, назария ва таълимотлар яратилган. Улар одатда, муштарак муסיқий мероснинг таркибий қисми сифатида мутаориф (яъни, амалда муътабар удум сифатида урф этилган) куй ва ашулаларнинг тартиб ва низомларини идроклашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Муסיқий рисоалар мазкур фикр ва мулоҳазаларнинг энг изчил қисми, биринчи навбатда, илмий негизларга таянувчи классик муסיқа – мақом навларига тааллуқли.

Тарихда «мақом» ва унинг кўплик сийғаси мақомот сўзлари турли маънолар касб этиб келган. Масалан, Темурийлар даврида, мақом деганда, энг аввало, муайян парда (русийзабон истилоҳда «лад», европачасига «модус») бирликлари тушинилган. XIII-XV-аср олимлари томонидан классик муסיқанинг ягона махраж нисбати 243/256, логарифмик ўлчовда тахминан 90 центга баробар «бақия» интервалидан таркиб топувчи ўн етти поғоналик товуш жадвали асосида умумий (универсал) парда тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Муסיқий рисоаларда парда (лад) тузилмалари боши охирига уланиб кетадиган

доира шаклида тасаввур этилган. Назарий тарафдан ҳосил қилиниши мумкин бўлган 91 куй доирасининг энг сара ва мукамаллари «мақомот» (мақомлар) деб алоҳида тоифага ажратилган ва ҳар бири мустақил рамзий-мажозий номлар билан юритилган. Уларнинг умумий сони ўн иккита бўлган: Ушшоқ, Наво, Бусалик, Рост, Ҳусайний, Ҳижозий, Раҳовий, Зангула, Ироқ, Исфаҳон, Зерафганд, Бузрук. Ана шунга кўра муайян парда тизими маъносидаги «мақомот» ва «ўн икки мақом» тушунчалари барқарор ўрин олган.

Темурийлар даврида муסיқийнинг яна бир асосий негизини ташкил қилувчи ийқоъ (вазн) тузилмалари ҳам худди парда бирликларига ўхшатиб доира шаклида ифодаланган. Шунга эътиборан олдинлари алоҳида илми таълиф ва илми ийқоъ номлари билан юритилган тармоқлари умумлаштирилиб илми адвор дейиладиган бўлди. Илми адворнинг туб хусусияти шундаки, у назария билан амалиётни баробарига ўз ичига олувчи муштарак таълимот сифатида юзага келди. Бу жиҳат Навоийнинг комил устоз тилидан айтилган қуйидаги байтида яққол акс эттирилган:

Илми адвору фанни муסיқий,  
Мендин ул илм аҳли таҳқиқий.

Биринчи мисрадаги илми адвор мумтоз муסיқанинг парда ва усул назариялари, фанни муסיқий эса унинг амалий ижро санъатини билдиради. Иккинчи мисрада улар умумийлаштирилиб ягона илм тарзида тилга олинади. Дарҳақиқат, адвор илмига асос солган Сафиуддин Урмавий (1216-1294) ва Темурийлар даврининг «соҳиби адвори», «саромади адвори» сифатида эътироф этилган Абдулқодир Мароғий (в. 1435) улуг назарийчи ва айни чоғда забардаст созанда санъаткорлар бўлганлар.

Бағдодда яшаб ижод этган Урмавий ҳамда умрининг кўп қисмини Самарқанд ва Ҳиротда ўтказган Мароғий ислом дунёсида Форобий (873-950) ва Ибн Сино (980-1037) лардан кейинги энг улуг муסיқийшунослар сифатида эътироф этилган. Ана шу азизларнинг илмий асарлари умумий мақом байроғи остида юритиладиган мумтоз муסיқий меросни ўрганишда таянч манба бўлиб хизмат қилади.

Илми адвор ҳукм сурган даврларда мақомлар «очиқ тизим» тарзида жорий этилган. Бошқача қилиб айтганда, мумтоз муסיқа намуналари муайян парда ва усул тизимлари доирасида хилма-хил таснифот (композиция) навларида ижод қилинган. Таснифлар ҳам парда ва усулларга ўхшатиб алоҳида номлар билан белгиланган. Яхлит бир қисмликлари кор-амал, қавл, ғазал, савт,

тиронга, пешрав, кўп қисмлиқ туркумлар навбат ва навбати мураттаб деб аталган.

Минтақамизнинг классик мусиқаси биланча Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари деб номланувчи жонли ижродаги навлар шаклида етиб келди. Мутаорифийликнинг устивор хусусиятларидан бири шундаки, янги пайдо бўлган нав услублари олдингиларини инкор этмайди. Унда аксинча, парда, усул таснифот тизимлари каби ўзак тамойиллар ижодий ўзлаштирилиб, олдинги навлардаги хос сифатлар янгиларига сингиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Шунга кўра ХХ асрнинг ўрталарида Ўзбекистон ва Тожикистонда Шашмақомнинг миллий кўринишлари қарор топиб, бугунги кунда улар умумий мақомот тизимини ташкил қилади. Бунда «мақомот» атамаси олдинлари алоҳида сарҳисоб этиб келинган парда бирликларидан фарқли равишда тарихий шаклланган мусиқий нав(жанр)ларининг муайян тизимини кўзда тутати.

Мақомот навларининг ўзагини ташкил қилувчи Шашмақом мажмуаси тарзида илк бор XIX асрда Бухорода яратилган мусиқий рисола ва баёзларда таъриф этилади. Бироқ Шашмақомнинг айрим сифатларини олдинги асрларга оид мусиқий рисолаларда қайд этилган навларда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, XVI аср бошларида Бухорода яшаган Нажмиддин Кавкабий рисоласида умумий тузилиши Шашмақомга ўхшайдиган «Куллиёт» нави тилга олинади<sup>1</sup>.

Кавкабий «илми адвор» мактабининг

вакили. Ана шу улкан мерос заминида куртак отган янги навлардан бири куллиётдир. Мусиқий тузулмага бундай ном берилишининг сабаби, у маълум мусиқий муҳитда, жумладан, Бухорода урф этилган барча куй ва усул доираларини ўз ичига олади. Бу ҳақда Кавкабийнинг ўзи шундай маълумот беради. «Куллиёт – деб ёзади у – ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба ва олти овоздан иборат нағма адворлари ҳамда жами зарб адворларидан таркиб топувчи тасниф(тузулма)дир»<sup>2</sup>. Шашмақом ҳам амалиётда барқарор шаклга келган куй, усул ва таснифлардан иборат йирик мажмуа. Шу нуқтаи назардан Кавкабий куллиётини шартли равишда Шашмақомнинг ўзига хос сарҳисоб нуқтаси деб қабул қилиш мумкин.

Куллиётнинг Шашмақомга айланиши ҳали кўп жиҳатлардан бизга маълум бўлмаган мураккаб ижодий жараён. Мазкур навларнинг узвий боғланишига оид етарли даражадаги аниқ далилларга эга эмасмиз. Бироқ, Шашмақомнинг XIX-XX асрларда тадрижий ривожланишига тааллуқли манбалардан бу жараённинг барқарор ва ўзгарувчан томонлари ҳақида таассурот пайдо қилиш имконияти мавжуд. Бунинг учун, аввало Кавкабийдан кейин тўрт аср давомида яратилган рисола, баёз, нота ёзувлари, Мулло Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода ҳамда Абдурауф Фитрат қаламига мансуб тадқиқотларни амалдаги ижролар билан қиёслаб, ягона тизим тарзида ўрганиш тақозо қилинади. Зикр этилган мақомот илми ва амалиётига оид турли услуб ва

тамойилларга асосланувчи манбаларни мувофиқлашда эса Хоразм нотаси ўзига хос таянч восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«**Нажмиддин Кавкабий.** Минтақада XVI-XVII асрларда илми мусиқийнинг тараққиёти икки буюк санъаткор Нажмиддин Кавкабий (в. 1531) ва Дарвеш Али Чангий (в. XVII асрнинг 20-йиллари) номлари билан боғлиқ. Улар Бухорода яшаб ижод этган. Бу шаҳри азим ўз замонида Темурийлар салтанатининг йирик маданий марказлари Самарқанд ва Ҳиротнинг меросхўри бўлиб майдонга чиққан эди.

Кавкабий мақомот тарихида Бухоро мактабининг салафи сифатида эътироф этилади. У шеърят, мусиқа ва бошқа илмларда шуҳрат қозониб, маърифатпарвар Убайдуллохон саройининг кўрки бўлиб танилди. Кейинги авлод санъаткорлари томонидан Мавлоно Кавкабий Бухорий мартабасида ифтихорланди. XIX аср ўрталарида Бухорода номаълум муаллиф томонидан яратилган мусиқий рисолада «У ўз даврининг Хожа Абдулқодир эди» деб қайд этилади<sup>3</sup>. Фитрат ҳам ушбу фикрни таъкидлаб, Темурийлар даврида Хожа Абдулқодир Мароғийнинг мавқеи не чоғлиқ бўлса, ўзбек хонлари замонида Нажмиддин шу мартабадаги санъаткор бўлиб шуҳрат қозонганлигини уқтиради<sup>4</sup>.

Мавлоно Кавкабий диний ва дунёвий илмлар борасида донг таратган. Мусиқий ва шеърятда беназир санъаткор даражасига эришган. Ундан «Рисолаи мусиқий» ва «Ўн икки мақом ҳақидаги рисола» мерос қолган<sup>5</sup>.

Биринчиси соф илмий-назарий йўналишдаги насрий, иккинчиси мақом, шўъба ва овозларнинг рамзий-мажозий таърифларига бағишланган назмий асар. Бу рисолалар умумийликда Кавкабийни улуг аллома Сафиуддин Урмавий ва Абдулқодир Мароғийлар қаторидаги мусиқийшунос эканлигини кўрсатади.

«Рисолаи мусиқий» маъно-моҳиятига кўра илми адвор асосларини мухтасар баёнига қаратилган. Унда афсона ва ривоятларга деярлик ўрин йўқ. Рисоланинг қисқа дебчасида оламни яратгучиси, жумладан, ушшоқ аҳлига навою санъатлар ато этган Парвардигорга ҳамду санолар, дурудлар ҳамда ушбу рисола бағишланган Убайдуллохон шаънига мақтовлар айтилган.

«Илми мусиқийнинг шарофати» деб номланувчи биринчи бобдаёқ бу санъатнинг уч устивор сифати руҳлар озукаси (ғизоси), илоҳий сир ва ҳаётий эҳтиёж эканлиги исломий мафкура нуқтаи назаридан қисқа ва қўндаланг баён этилади. Рисола «Дарҳақиқат, мусиқий инсон руҳи чинакам баҳра оладиган шариф илм ва латиф санъатдир» — деган жумла ва ушбу фикрга қаратилган рубоий билан бошланади.

Он нағмаки руҳи қолиби инсон бувад,  
Ҳамроҳ ба ў савти хуши пинҳон бувад.  
Гўяндки савт бувад ба жон ҳамроҳ,  
Ҳамроҳ ба жон нағўки, ў худи жон бувад.

Мазмуни:

Нағма — инсон қалбидаги руҳ эрур,  
Гўзал овоз унга пинҳоний ҳамроҳ эрур.  
Десалар: овоздур жонга ҳамроҳ,  
Дегил: жонга ҳамроҳ эмас, ўзи жон эрур.

Куй илоҳий туйғу эканлигини ҳам Мавлоно жуда гўзал таърифлайди. «Барча нағмалар орасида мусиқий нағмалар илоҳий сирлардан бир сирдир-ки, авлиёларнинг энг хослари ҳам ундан хабар топаолмаган» — деб, мадҳ қилади.

Рисола хотимасида яна шу мавзуга қайтиб, куйидаги ҳикмат ва дуолар хитоб этилади: — «Рисолаи мусиқий тамом бўлди. У илоҳий сирлардан бир сирдур-ки, уни Парвардигор ёрдами билан Раҳмоннинг хос бандаларигина биладурлар. Эй Парвардигоро, қиёматгача яхшиларнинг шафоатидан насиб қилгин Омин. Раббил оламин».

Ана шу илоҳий туйғуга интилиш йўлини Кавкабий Куръони Каримдан оят келтириб шаҳодатлайди. Ва аллазина жоҳаду фино ланаҳдияннаҳум субулано». (Мазмуни: Биз тарафга ҳаракат қилган кимсаларни, албатта, биз ўз йўлимизга ҳидоят қиламиз). Сўнгра, бу ҳикматни ҳаёт эҳтиёжларига боғлаб, тасаввуф пешволарининг хушмавзун садоларга бўлган муносабатини кўрсатади. «Тариқат шаҳбозлари самоъ ва зикр қанотида учиб, висол водийсига парвоз қилганлар» — деб, куйидаги рубоийни келтиради:

Овози хушат зи тан жудои бахшад,  
Бо шоҳиди руҳат ошнои бахшад.  
Гар дар илмат руйи ҳар илм, вале.  
Ин илм зи ҳар амал роҳон бахшад.

Мазмуни:

Хуш овозинг танга жудолик бергуси,  
Руҳга шоҳид бўлиб ошнолик бергуси.  
Илминг ҳар илмда намоён бўлса гар,  
Бу илм ҳар амалда йўриқ бергуси.

Рисоланинг қолган 11 боби илми адвор асосларини уч парда, ийқоъ ва таснифот кесимида муфассал ёритишга қаратилган. Мазкур назарий масалаларда у ўз салафлари Урмавий ва Мароғийларга пайравлик қилган ҳолда адвор таълимотини мухтасар ёритиб беради. Шу билан бирга 12-бобнинг охирида кўпқисмлик мусиқий шакллар хусусида сўз борганда бизнинг мақомот мавзуимиз учун ўта қизиқарли бир масала тилга олинади.

Гап шундаки, Кавкабий кўпқисмлик мусиқий тузулмаларнинг уч нави — навба, мийатайн ва куллиёт ҳақида фикр юритади. Бу номдаги мусиқий навлар Мароғийнинг «Мақосид ал-алҳон»ида ҳам учрайди. Лекин, Мароғий ва Кавкабий талқинида бирмунча фарқланувчи жиҳатлар борки, улар кейинчалик Бухоро мактабига хос томонларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Кавкабий назаридаги навба, Мароғий таърифидеги навбати мураттаб («тартиблашган навба») тушунчасига мос келади. Яъни, қавл, ғазал, тарона ва фурудошт навларидан таркиб топувчи тўртқисмлик таснифот сифатида эътироф этилади.

Кўп қисмликнинг мийатайн ва куллиёт навлари ҳам Кавкабийда навба деб юритилади. Хусусан, усул доираси 200 ниқрадан иборат кор (яъни, ишлов берилган шакл) — мийатайндир.

Навба тонфасидаги «Бошқа бир тасниф куллиёт, У ўн икки мақом, йингирма тўрт шўба ва олти овозни ўз ичига олувчи барча адвори наҳм ва жамн адвори зурублардан иборат», - дейди Кавкабий.

Кавкабийнинг ўзи яратган «Куллиёт» навбаси мулоҳазалари ҳақидаги ундан кейин юзага келган Шашмақом тамойилларини тушунишда алоҳида мазмун касб этади. Зеро, Куллиёт умумий тузилиши Шашмақомга ўхшайдиган ва Бухорода яратилган мусиқий мажмуа. Бу ҳақда Кавкабий қуйидагиларни хитоб қилади: - «Бу фақир баъзи устозлар мулозаматида бўлган чоғларимда мазкур чегаралари белгиланган тақсимни уларга айтиб бердим. Писанд қилдилар ва истехсонлар билдирдилар. Айтдиларким, сен ўзинг айтиб берган нарсаларни бошқалардан эшитмадик. Улар сенинг ихтироингдир».

Рисоланинг хотима қисми «Нағмаларнинг ҳолати», таъсири ва ижро этиш вақтига риоят қилиш» дейилади. Унда созандалар эътиборга олиши лозим бўлган мутаориф тартиб ва низомлар кўзда тутилади. Масалан, мажлис аҳли тақводор ва солиҳлар бўлса, қаввол (хонанда) панди насиҳат ва охират ишларидан айтмоғи лозим. Агар мусофирлардан бўлса ватан фироқи, ёру-дўст, ҳижрони ва умр бевафолигидан айтмоқ керак. Тонг отарда Роҳавий ва унга муносиб бўлганлардан айтиш ёки чалиш ўринли. Офтоб чиққанда Ушшоқ, ундан кейин Рост, пешинда Ироқ, сўнгра Бузрук, кейинги намоз (аср) вақтида Бусалик, шомга яқин Зангула, намози шомда Наво,

Хуфтонда Зирафканд, кейин Исфаҳон, ва ярим кечада Ҳижоз мақсадга мувофиқ. Ушшоқ, Наво ва Бусалик шижоат қувватини бахш этади. Бузрук, Раҳовий ва Зангула гамга мубталло қилади ва ҳ.к.

Бунда олдинги бобларда ҳукм сурган қатъий тушунчалар билан боғлиқ илмий-назарий қарашлардан фарқли, тавсия ва таклифлар мушоҳада қилинади. Илмий қарашларга аниқ тушунчалар ва маълум чегаралардаги атама ва иборалар хос. Бадиий тилда эса рамзий-мажозий образлар, сўзларнинг шартли маънолари кўпроқ ишлатилади. Кавкабийнинг шеърий рисоласида, юқорида зикр этилган илмий-назарий тушунчалар бадиий тил воситасида ифода этилади. Бундай шеърий рисоалардан кўзланадиган асосий мақсад илмий низомларни кенгроқ доирада тарғиб этиш ва мусиқий маърифатни оширишдан иборатдир. Дарҳақиқат, Кавкабийнинг мусиқий мавзудаги дилбар шеърларини кейинги асрларда яратилган рисола ва баёзлар, ҳаттоки амалдаги Шашмақом ижроларида кузатиш мумкин. Хусусан, ана шундай барқарор матнлардан бири Кавкабийнинг ўз куллиёти таърифида битилган байтлардир.

Зи Рост гар оҳанг мекуни ба Ҳижоз,  
Зи Исфаҳон гузару жониби Ироқ андоз.

Ба ноқай Зангула дар пардаи Раҳовий банд,  
Ба Бусалик Ҳусайний сифат барор овоз.

Машав Бузрук зи руйи ниёз Кучак бош,  
Дар он мақом ба Ушшоқ бе Наво пардоз.

Гавашту Мояу Гардония чу бар хоний,  
Навоз пардаи Наврўзи Салмаку Шаҳноз.

Ба гўши жон шинав аз Кавкабий кард адо,  
Бар чор байт даху ду мақому шаш овоз.

#### Мазмуни:

Рост йўлида оҳанг қилсанг Ҳижозга,  
Исфаҳондан ўтгил Ироқ томонга.

Тақиб Зангула ипин Раҳовий пардасина,  
Бусаликда Ҳусайний сифат овоз чиқаргина.

Ниёзмандликда Бузрук эмас Кучак бўл,  
Шу мақомда Ушшоқга Навосиз пардоз қил.

Агар кўшиб айтсанг Гавашт, Моя, Гардунийни,  
Тузгил Наврўз, Салмак, Шаҳноз пардасини.

Жону дилинг билан эшитгил Кавкабийдан, у адо этди,  
Тўрт байтда ўн икки мақом ва олти овозни битди.

Кавкабийдан мерос қолган шеърий лавҳаларни Шашмақом қаърида бизнинг замонларгача етиб келиши мақомлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, унинг тафаккур доирасининг таркибий бўлаги эканлигининг қўшимча исботидир. Мусиқий мулоҳазалар муҳлис ва шинавандалар онгига сингиб, соз санъати ҳақида кўплаб ҳикмату ҳадислар, ривоят ва афсоналар ҳаётга тадбиқ этилганлиги Кавкабийнинг муносиб ворисларидан бири аллома Дарвеш Али ижодида изчил намоён бўлади.

**Дарвеш Али Чангий.** Бухорода яшаб ижод этган бу улуг мусиқашунос, санъаткор ҳаётининг сўнгги йиллари Имомқулихон имонига тўғри келади. Унинг охириги йирик мусиқий рисоласи айнан шу Имомқулихонга бағишланган.<sup>6</sup> Маълумки, мазкур давр Мовароуннаҳр тарихида ижтимоий-сиёсий вазият ўзгариб, кўпроқ диний хурофотга юз тутилган пайт эди. Маданий-маърифий соҳада ҳам Темурийлар салтанатида олий мақомда бўлган ва буюк чўққиларга эришган нафис санъатларга эътибор камая бошлади. Шунинг учун Дарвеш Алининг мусиқий таълимоти, давр тақозосига кўра Кавкабийниқидан бошқачароқ эҳтиёжларга қаратилганлиги билан хусусиятланади.

Бундан ташқари бадиий илмлар соҳасида мукамал тарбия топган, шеърят ва мусиқий санъатларга ўта ишқивоз бўлган Убайдуллохондан фарқли равишда Имомқулихон нафис санъатларга унча илтифотли бўлмаган. Шул сабабдан, алломаи замон Дарвеш Али Чангий мусиқий борасида илмий-назарий қарашлар билан бир қаторда бу фаннинг шарофати ҳақида ҳадису ҳикматлар келтириш ва замондошлар онгига сингиб кетган ақидаларга мувофиқ ривоят ва афсоналарга таяниб фикр юритишга мажбур эди.

Қандай бўлмасин, Дарвеш Али моҳиятан Темурийлар даврида юзага келган улкан маданий-маърифий мактабнинг меросҳўри. У бадият илми, хусусан, мусиқийнинг назарий ва амалий асосларининг пухта билимдони, ҳофизи Куръон, моҳир чолғучи

ва гўянда, хослар даврасида эътибор топган устоз. Мавлоно Дарвеш Али ўз олдида турган мураккаб илмий вазифани юқори савияда адо этишга муяссар бўлди. Унинг рисоласи ўз даври ва ҳудудининг олий даражадаги мусиқий қомуси бўлиб хизмат қилади. Унинг саҳифаларидан Ўрта Осиё халқлари мусиқий маданиятининг узоқ тарихи ҳамда илдизлари олдинги ва самараси кейинги замонларда юзага келган илмий қарашларга туташиб кетган нодир маълумотларни топиш мумкин.

Дарвеш Али меросини атрофлича мутолаа қилиш алоҳида илмий мавзу. Биз ҳозирлаётган тадқиқот нуқтаи назаридан Дарвеш Али рисоласи, биринчи навбатда, мақомот илмига тааллуқли тарафлари билан эътиборлидир. Унда баён этилган мавзуга оид диний ва дунёвий мушоҳадалар, илмий-назарий қарашлар, ҳаёт тажрибасида пишиб одат тарзига айланган мутаориф билим ва тушунчалар, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ривоятлар, кўҳна дунёдан мерос қолган афсоналар мақомот асослари ҳамда унинг узоқ ва яқин тарихини идроклашда муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади.

Мусиқийнинг шарофатини далиллаш мақсадида ҳадисларга мурожаат этилиши ва мусиқийдек мураккаб, мавҳум ва айни чоғда ҳаётбахш масалада диний ва дунёвий илмларни мувофиқлашнинг ўзи Дарвеш Алини йирик мутафаккир сифатида эътироф этишга лойиқ. Бевосита мусиқийнинг илмий асослари, хусусан, парда (мақом) ва усул масалаларини ёритишда диний ва дунёвий қарашлар ила мувофиқ баён қилганлиги

Дарвеш Али рисоласини минтақа мусиқа тарихидаги шоҳ асарлардан бири деб қарашга имкон беради.

Мароғийнинг «Мақосид ал-алҳон»ида мусиқийнинг бош омили бўлмиш нағманинг тўртта асосий манбаи қайд этилади. Биринчиси, ҳисоб илми негизида ҳосил қилинган нағмалар. Яъни, паст-баландлиги сонлар нисбати билан ифодаланадиган нағма бирликлари. Иккинчиси, ҳандаса илми, яъни, чолғу асбобларидаги торларнинг узун-қисқалигини ўлчаш йўли билан юзага келтириладиган нағмалар. Учинчиси илми таъаб, яъни, инсоннинг иродаси ва ҳистуйғуларига (ҳаёжон, сокинлик, кўрқув, шижоат, ғам, шодлик ва бошқалар) мувофиқ содир бўладиган нағмалар. Тўртинчиси, мутаориф (урф этилган) илмлардан юзага келадиган нағмалар<sup>7</sup>.

Дарвеш Али рисоласида риёзий ва табиий илмлардан кўра, анъанавий йўл-йўриқлар кўпроқ ўрин олади. Унинг биринчи бобида самоъ ва дафга оид ҳадислар, иккинчи бобида илми мусиқийнинг куй(алҳон) ва вазн(ийқоъ) асослари баён этилгандан сўнг, учинчи бобида тўғридан тўғри асл мақомлар ва уларнинг тармоқлари (шўъба, овоз ва ранглар)нинг юзага келишига оид урф-одатлар баён этилади. Мазкур боб: «Билгинки, Хожа Абдулқодир ибн Абдурахмон Мароғий, Ҳожа Сафиуддин ибн Абдумўъмин ва Султон Увайс Жалойирлар таъкидлашича, аввал 7 пайғамбардан 7 мақом ва Бобо Умардан қолган яна биттаси бўлган» — деган жумла билан бошланади<sup>8</sup>. Сўнгра ҳар



бир мақомни улуғларга нисбат қилинишига оид муфассал ривоятлар келтирилади: Рост — Одам Отанинг Момо Ҳавво фироқи нидолари; Ушшоқ — Нуҳ ноласи, Наво — Довуд ҳасрати; Ҳижоз — Сулаймоннинг шодлик куйлари; Ироқ — Айюбнинг мубталолик садолари; Ҳусайний — Ёқуб фироқи; Раҳовий — Куръони Карим нозил бўлганда Муҳаммад с.а.в. тиловат қилган оҳанглар, Бусалик — Бобо Умар туя етаклаганда айтадиган куй<sup>9</sup>.

Ундан кейин яна Хожа Абдулқодирдан ривоят қилиниб, у ўзининг ботин идроки ва фаҳми зоҳири ила мазкур 8 мақомга яна тўрттасини Исфаҳон, Бузрук, Кучак ва Ҳусайнийларни қўшганлиги баён этилади. Мақомларнинг юзага келиши масаласи муносабати билан Дарвеш Али Мавлоно Кавкабий номидан илми-адвор таълимотининг муҳим ва чигал нуқталардан бирини тушунтиради. У ҳам бўлса, бутун мақомот тизимининг тадрижий ривожланишида асл парда ва шўьбаларнинг номлари, тартиби ва уларнинг маъно-мазмуни билан тўлдирилиши турлича бўлганлигини эътироф этилишидир. Бу урф-одатни инobatга олиш мақомлар тарихи ҳаёт эҳтиёжларига қараб ўзгариб борадиган жараён эканлигини идроклашда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тамойилдан мақомларнинг нафақат ном-нишонлари, балки улар атрофида юзага келадиган фикр-мулоҳазалар ҳам доимий алмашиб туради — деган хулоса келиб чиқади. Хусусан, бу мавзуда Дарвеш Али Афлотун замонларида тараққий топган

фазовий (космологик) қарашларга кўра 12 мақом фалак буржлари Рост-Ҳамал, Исфаҳон-Савр, Ироқ-Жавзо, Кучак-Саратон, Бузрук-Асад, Ҳижоз-Сумбула, Бусалик-Мезон, Ушшоқ-Ақраб, Наво-Қавс, Ҳусайний-Жадий, Зангула-Далв, Раҳовий-Хутдан таралганлиги қайд этилади.

Шу билан баробар 12 мақом Ҳазрати Мусо ҳассасини тошга урганда пайдо бўлган 12 булоқдан чиққан овозлардан иборатлиги ҳақидаги машҳур афсона ҳам тилга олинади.

Ундан кейин яна ҳаётӣй воқеаларга қайтиб, устозлар ўз билим ва маҳоратларини ишга солиб ҳар бир мақомнинг юқори ва пастки бўлагини ажратиб икки шўьба, икки мақомни қўшилишидан бир овоз ва икки овозни бирлаштириб бир ранг қилганликлари тушунтирилади.

Мутаорифий илмлар изчил тизим эканлигини исботловчи яна бир далил шундан иборатки, Дарвеш Али рисолаида барқарор одат тусини олган мақом атамалари билан бир қаторда, амалиётга татбиқ қилинмаган ғайри мутаорифий (яъни, урф этилмаган)лари ҳам мавжудлиги эътироф этилади. Фақат Ҳусайнийни-Зеркаш, Кучакни-Зерафканд, Ироқни-Қавро, Зангулани-Наҳованд, Ростни-Уммул адвор, ҳижозни-Нигорий, Бусаликни-Чаковий, Навони-Нағмаи Довудий, Ушшоқни-Тарона, Бузрукни-Авж дейилганлиги тилга олинади. Ушбу нуқтаи назардан ийқоъ масалаларига бағишланган 4-бобни «Мутаориф 17 усул баҳри ва 24 ғайри мутаориф усул маърифати ҳақида» — деб номланишининг ўзи алоҳида диққатга

савозор. Мазкур боб — «Билгинки, 12 усул қадимийдир» — деб бошланади. Бундаги «қадим» атамаси «сара», «мумтоз» маъносини англатади. Яъни, тажрибада пишиб этилган, аجدодлар томонидан эъзозланган мўътабар усуллар демакдир.

Дарвеш Али рисолаининг бошқа бир қизиқарли жиҳати мумтоз усулларнинг жонзотлар ҳаракати билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги нақллар мисол келтирилишида. Жумладан, «зарбул қадим» деб номланадиган ибтидоий усул юрак томирларининг уришидан олинганлиги тўғрисидаги мулоҳаза мусиқий аҳли орасида жуда кенг тарқалган. Дуяк усули хўроз овозидан, Фохитий-ёввойи кабутар, Сақийл-тўти, Рамал жул(товус) қуши навосидан, Гахвогий-гудак садосидан, Булужий-мисгарлар дамнининг товушидан келиб чиққанлиги тўғрисидаги чиройли гаплар ҳам мухлис ва шинавандалар орасида мароқ билан ҳангома қилинган.

Қанча ривоят ва афсоналар пеш қилинмасин урф этилган усуллар аслида илми мусиқийни ўзига яқин тутган уламолар ижодига мансублиги жиддий қайд этилади. Хусусан, Мирзо Улуғбек усул илмига баланд ҳавас қўйганлиги, Султон Ҳусайн Бойқаро яратган 17 усул ҳамда Вазир Алишер Навоий ижодига мансуб 7 усул элда маълуму машҳур бўлган, деганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Аммо мумтоз мусиқа негизидаги усуллар адвор таълимотининг пешволари томонидан ушбу фаннинг илмий-назарий тамойиллари асосида ишланганлиги ва бу соҳада Хожа

Абдулқодир «саромади адвор» мартабасини эгаллаганлиги алоҳида таъкидланади. Сарлавҳада кўрсатилган 17 мутаориф усул айнан шу Хожа Абдулқодир мероси ва қолган 24 ғайри мутаориф усуллар бошқа устозлар томонидан яратилганлигини Дарвеш Али кўрсатиб ўтади.

Ниҳоят Дарвеш Алининг мусиқий рисоласи илми назарий йўналишдаги Кавкабийникидан фарқли равишда мутаорифий илмларга қаратилганлигининг яна бир исботи шундаки, мазкур бобда олдин амалий билимлар сарҳисоб этилиб, мумтоз 17 усул мундарижаси келтирилгандан сўнг, назарий тушунча (ниқра, зарб, бўғин, баҳр)лар кўшимча ўрнида берилади. Бу бўлак фойда (яъни «кўшимча») деб номланадиган алоҳида сарлавҳа билан ажратилади.

Мусиқийнинг шакл тузилиши (таснифот)га доир 5-боб ҳам юқорида зикр этилган мутаорифий тартибдан келиб чиқади. Яъни, олдин илми мусиқийда урф этилган навларнинг таъриф-тавсифлари берилади. Кейин, уларнинг тарихи ва назарий асосларига доир масалаларга тўхталиб ўтилади. Дарвеш Али баёнидаги таснифотларнинг барчаси Мароғий ва Кавкабий асарларида мавжуд навлардан иборат бўлсада, лекин уларнинг орасида навба ва навбати мураттаб атамалари негадир учрамайди?!

Бу савол турлича мулоҳазалар уйғотади. Биз эса рисола яратилган пайтда Дарвеш Али умрининг охириги йиллари илми адвор таълимоти инқирозга учраб, навба ва навбати мураттаб навлари амалиётдан четлашиб, уларнинг ўрнини мутаорифий Куллиёт ва кейинчалик, Шашмақом мажмуалари

эгаллаганлиги эҳтимолдан холи эмас- деган ғояни олға суриш билан чекланамиз.

Таснифот масалаларида Дарвеш Али салафлари Мароғий ва Кавкабийларга пайравлик қилсада, айрим ҳолатларда жуда муҳим нуқталарни уқтириб ўтган. Ана шундай эътиборли мавзулардан бири пешрав шакли ва унинг хоналарининг ички тузилишига оид фикрларга доир. Мароғий ва Кавкабий пешравни амал навининг чолғу шакли сифатидаги кўриниши деб таърифлайди. Дарвеш Али ҳам пешравни худди шундай тушунтиради. Лекин, ички тузилишига келганда, Мароғий ва Кавкабий таърифларида учрамайдиган нарсаларни тилга оладик, улар эски таснифот таълимоти ҳамда бугунги мақом амалиётидаги куй ва ашулаларнинг тузилиш низомларини тушуниш учун ниҳоятда муҳим.


«Пешрав – деб ёзади Дарвеш Али – амал қоидаси бўйича тузилади. У уч сархонадан иборат ва бебайтий дейилади. Аввалги сархона пастда жойлашса, миёнхона ундан баландда бўлмоғи лозим. Аммо ранг (муайян парда бирлигининг ўзгарган шакли) бўлгани яхшироқ. Биринчи сархона уч қисмдан иборат. Аввалги қисм таркиб, иккинчи қисми овиза, учинчи қисм лозима дейилади. Овиза бир таркибни бошқа таркибга қўшиб беради. Лозима ҳамиша сархона ва миёнхонада бозгўйга ҳамроҳ бўлиб келади. Ҳар нарсаки сархонанинг бошланишида воқеъ бўлса, уни таркиб дейдилар. Ундан кейингиси овиза ва ундан ортиб қолгани лозима дейилади. Лозима кўп – мақом бўлгани яхши эмас».

Рисоланинг қолган боблари чолғу созлари, мусиқийга ихлосманд подшолар, уламо ва фузалолар, мукаммал билимлар соҳиби бўлган мусанниф ва муаллифлар, созандалар одоби, подшоҳу соҳибқирон мажлисларига илтифот қилинган хуш илҳон ҳофизлар, Дарвеш Алидан олдин ўтган ва унга замондош бўлган устозлар ҳаётига бағишланади. Бу масалалар мазкур тадқиқот доирасидан ташқаридаги мавзу.

## МУСИҚИЙ БАЁЗЛАР

**Номаълум муаллиф рисола-баёзи.** 1264/1847 йили Бухорода номаълум мусиқийшунос томонидан яратилган рисола ва баёз Дарвеш Алидан кейин юзага келган энг эътиборли манба бўлиб майдонга чиқади. Афсуски, қўлёзманинг бошланғич саҳифалари сақланмаган. У – «...фалаксиймолар доирасидан олдилар. Қисқаси шуки, ушбу бобда 12 мақом, 24 шўъба ва 6 овоз баён этилади. Дейдиларки, аввал 7 пайғамбардан қолган етти мақом бўлган, яна бири соҳибдан қолгандир», – деган жойдан бошланади<sup>10</sup>.

Ундан кейин Рост Одам, Ушшоқ Нух, Наво Довуд, Ҳижоз Сулаймон, Ироқ Айюб, Ҳусайний Ёқуб пайғамбар мероси эканлиги ҳақидаги афсоналар қисқа ҳикоя қилинади ва қуйидаги тартибда 12 мақом номлари келтирилади. Рост, Исфаҳон, Ушшоқ, Ҳусайний, Кучак, Бусалик, Наво, Бузруг, Ҳижоз, Раҳовий, Ироқ, Зангула. Сўнгра ҳар мақом 2 шўъбадан иборат деб, уларнинг тартиби берилади. Шўъбаларнинг



номланишида эса Бухоро шеvasига хос жиҳатлар кўпроқ учрайди: Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Наво-Баёт, Муҳайяр, Бухасбол, Мураққаъ, Найрез, Нашопурак, Наврузи Турк, Мағлуб, Рукаб, Наботий, Зобул, Авж, Наврузи Хоро, Маъмур, Аширо, Наврўзи Сабо, Ҳумоюн, Нуҳуфт, Уззол, Урён, Наврўзи Ажам<sup>11</sup>.

Манба бир-бирига бевосита уланиб кетган икки қисмдан иборат<sup>12</sup>. Биринчиси 5 саҳифани ташкил этувчи мухтасар мусиқий рисола. Иккинчиси Шашмақомнинг урф этилган шеърий матнларини ўз ичига олувчи мусиқий баёз. Рисола қисмини агар Кавкабий ва Дарвеш Али таълимотига қиёслаб оладиган бўлсак, унда муштарак илми адвор аънаналари аста-секин камайиб, мақом асослари устозлар бисотидаги амалий билимлар шаклига айланиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Бошқа тарафдан Шашмақом мажмуаси «ёпиқ тизим» тарзидаги барқарор мусиқий-шеърий матн сифатида урф этила бошлаганлигини кузатиш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан, номаълум муаллиф қўлёзмаси икки тарафлама (рисола ва баёз) вазифа бажариши эътиборга сазовордир.

Рисола қисмидаги маълумотлар орасида Кавкабий ижоди, айниқса унинг Куллиётини Шашмақомга боғланган томонлари диққатга лойиқ. Унинг унвони «Замонасининг Хожа Абдулқодири Мавлоно Кавкабий Бухорий» — деб ифтихор қилинишининг ўзида чуқур маъно бор. Муштарак илмий ва бадий ижоди билан у Бухоро мақом мактабининг пойдеворини яратди, деган хулоса чиқади. Манбада қайд этилишича, «Мавлононинг илми мусиқийда

қавл, амал, кор, рехта, сажъ, зарбул фатҳ, чаҳорзарб, савт ва нақш навларида жуда кўп таснифотлари мавжуд»<sup>13</sup>.

Ана шу муносабат билан куллиёт шоҳ асар ўрнида эътироф этилади ва рисоланинг насрий лавҳаси қуйидаги жумла билан яқунланади: - «Ҳаётида рост(тўғри) мақоми(пардалар)да куллиёт боғладики, бундан синоат устодлари ҳайратдадурлар». Сўнгра Мавлоно Куллиётининг беш байти ва «Ўн икки мақом баёни ҳақида»ги шеърий рисоласидан йигирма байт матн келтирилади. Илмий қисм: «Энди Даромади Шашмақом. Рост мақомидан бошланади» — деган сўзлар билан ниҳоясига етади. Ундан сўнг Кавкабийнинг мақом ва шўъбалар ҳақидаги шеърлари ва Шашмақомнинг урфий матнлари келтирилади.

Қўлёзма энг охирида «Олти даромад ва уларнинг барча насрлари ҳақидаги рисола тамом бўлди» деган жумла ҳамда унинг яратилиш айёми Амир Насруллохон замон ва санаси 1264/1847 дейилган сўзлар билан хотима қилинади. Бу қисқа матн Шашмақом тизимининг устувор тушунчаларини идроклашга катта ёрдам беради.

Маълумки, адвор таълимотида парда(лад) бирликлари икки тоифага ажратилиб, пойдевор вазифасида келадиганлари асл(асос) ва уларга эргашганлари фуруъ(тармоқ) деб юритилади. Асллар 12 мақом, қолганлари (шўъба, овоз ва ранглар) тармоқ навларини ташкил қилади. Шашмақом тизимидаги парда бирликлари ҳам икки тоифага бўлиниб, биринчиси асосий мақом ва иккинчиси наср (ёрдамчи)

тармоқларини ташкил қилади. Демак, икки тарихий тизим Ўн икки мақом ва Шашмақомнинг туб тамойиллари орасида мустаҳкам ворисийлик ришталари мавжуд деб хулоса қилишга далилли асос бўла олади.

Рисола саҳифаларидан маълум бўладики, Шашмақом тизимида мақом, даромад ва сарахбор атамалари маънодош иборалар бўлиб хизмат қилади. Яъни, бу сўзлар асосий, таянч парда бирликлари маъносини англатади. Етакчи пардалар олтига бўлганлиги учун бу сон мазкур атамаларга қўшиб айтилади. Натижада шаш мақом, шаш даромад, шаш сарахбор деган тенг маънолардаги иборалар юзага келади. Рисола номидаги Шашдаромад тушунчаси бунга мисол.

Наср иборасининг шаш даромадга жуфт бўлиб келиши эса, асосий (мақом) ва ёрдамчи (наср) тоифалар бир бутун парда тизимини ташкил қилишидан далолат беради. Шундай қилиб номаълум муаллиф томонидан яратилган рисолада Бухорода урф этилган Шашмақом тизими ва унинг туб хусусиятлари билан боғлиқ тамойиллар ўз аксини топади.

**Бухоро нусхалари.** Олдинги фаслда баён этилган рисола-баёз мақомот тарихида Шашмақом даври бошланиб, унинг тартибу низомлари мусиқий баёзларда ўз аксини топганлигидан дарак беради.

Бухоро Шашмақоми тараққиёти йўлида дастурул амал вазифасини шеърий баёзлар эгаллайди. Қизиги шундаки, Шашмақомга оид баёзлар, олдинги тартибларга ўхшаб, «Рисолаи мусиқий» ёки «Дар баёни

Шашмақом» деб номланади. Бу сарлавҳалар Шашмақом ўз замонаси учун Ўн икки мақом даражасидаги муътабар мусиқий тушунча эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Умуман олганда Шашмақомга тегишли ўндан зиёд шеърӣ тўпламлар мавжуд. Уларнинг энг олдингиси юқорида қайд этилган муаллифи номаълум рисола – баёз, охиригиси Ота Жалол ҳаётининг сўнгги йилларида унинг оғзидан ёзиб олинган матнларни ўз ичига олади<sup>14</sup>. Аммо эски Шашмақом услубининг матн асосларини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланадиган XIX асрга оид еттита нусха бир бутун тизимни ташкил қилувчи манбалар бўлиб гавдаланади. № 3842 ва № 8827 рақамлари остидаги баёзларнинг ёзилган вақти кўрсатилмаган. Қолган бештаси ўттиз уч йил орасида пайдо бўлган: Рисолаи Шаш даромад № 1466-1264/1847; № 4544-1271/1854; Дар баёни Шашмақом № 1428-1283/1866; Дар баёни Шашмақом № 5734-1285/1868; № 7074-1297/1880<sup>15</sup>.

Баёзларда келтирилган матнлар таркибий қисмларнинг номлари, тартиби ва уларга оид айрим изоҳлар XIX асрда урф этилган Шашмақом низомлари, ички мантиқи ҳамда мажмуанинг ижтимоий аҳамиятлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Улардан Шашмақомнинг мантиқий ва ғоявий асослари тўғрисида таассуротлар пайдо қилиш мумкин. Баёзларнинг умумий мазмуни кўрсатадики, унда келтирилган

атамалар мундарижаси Шашмақом энг аввало парда, усул ва таснифот тарафидан бир бутун қилиб ишланган мусиқий тизим сифатида намоён бўлади.

Шеърӣ тўпламларда мақомларнинг сўз матнлари, тартиби ва таркиби жузвий фарқ қилсада, уларнинг негизидаги бош мусиқий омил парда(лад) бирликлари доимий асосни ташкил этганлигини кўрсатади. Баёзлар мундарижасига кўра, бу барқарор негиз кўйидаги 6 мақом ва уларга мувофиқ 16 наср (ёрдамчи парда бирликлари)дан иборат:

Рост – Ушшоқ, Наврўзи Сабо;<sup>16</sup>  
Наво – Баёт, Орази Наво, Ҳусайний;  
Дугоҳ – Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний;  
Сегоҳ – Ҳижоз, Наврўзи Ажам, Наврўзи Хоро;  
Бузрук – Насрулоҳи, Уззол, Чоргоҳ-Муҳайяр;  
Ироқ – Муҳайяр, Наврўзи Турк.

Ана шу 6 мақом (баёзларда улар сарахбор ёки даромад деб ҳам юритилади) ва Панжгоҳ ҳамда Зебо парилар қўшилганда 18 та наср-ёрдамчи парда бирликлари Шашмақом парда тизимининг асосини ташкил қилади<sup>17</sup>. Айнан шу парда тизими – мусиқий асос-Шашмақомни нав сифатида устувор тамойили эканлиги деярлик барча баёзларда такрорланадиган шоҳ жумладан ҳам сезилади: Шашмақоми мусиқий аз устодони мотақаддам ва аз азизони мукаррам монда аст, ин аст. Таржимаси: Мусиқий Шашмақом – бу олдин ўтган азиз ва мукаррам устозлардан қолган меросдир<sup>18</sup>.

Таърифдан Шашмақомга мусиқий деб сифат берилиши уни муштарак назарӣ-амалий илмга мансуб санъат(фан)

эканлигидан далолат беради. Зеро, Шашмақомнинг тўла номи Шашмақоми мусиқий. Бунда мусиқий ибораси мазкур навни илмӣ асосларга таянган фан (санъат) эканлигини билдирувчи сифат. Демак, одатдаги фанни мусиқий атамаси қисқартирилиб, мусиқий дейилиши устозлар шеvasидан қолган нишона.

Шашмақом узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган, амалиётда пишиб этилган мутаориф мажмуа эканлиги нафақат умумий миқёсда, балки унинг ҳар бир мақомига нисбатан берилган таърифу-тавсифларда ҳам таъкидланади. Унда олти мумтоз мақомнинг ҳар қайсиси анбиёлар номи билан боғлиқ эканлиги нақл қилинади. Масалан, мазкур №8827 рақамли баёзда зикр этилган: «Наво мақоми Довуд алайҳис саломдан қолган. Нақлдурки, Довуд алайҳис салом ҳар вақт илҳон қилсалар, ҳалқумларидан чиққан ҳар овоз 70 хил лаҳн бўларди. Қушлару балиқлар эшитишга келарди. Барча мадҳуш бўлиб қоларди. Бу илҳон Наво мақомида бўлган».

Баёзнинг бошқа жойида Наво мақоми хусусида қўйидагилар хитоб қилинади: Устоду ҳақимлар зеҳни комила ва фикри болиға юзасидан мазкур мақомга шўбалар боғлаб, ажибу ғаройиб тароналарни чиройли безаб қўйдилар. Ҳар бир шўбани бир зарб муқобиласида қилдилар. Агар бирор зарбдан ўтиб кетса, уни безътибор қолдирмадилар.

Дугоҳ мақоми. У ҳам Шашмақоми мусиқийдан бириси бўлиб, унда ҳам мавзун ва матбуъ шўбалар тартиб берганлар.

...Сегоҳ мақоми, яъни Ҳижоздурки Шашмақоми мусиқийдан биридир. Ҳақимлар

камолотининг зўрлигидан, донишмандларнинг ўткирлигидан мазкур мақомга ҳўбмавзун шўъбалар тартиб берганлар.

...Рост мақоми. У ҳам Шашмақоми мусиқийдан биттасидир. Билгинки, у Одам алайҳис саломдан қолган. Одам алайҳис салом Ҳазрати Ҳавво висолдан узоқда қолганда, унинг фироқида мана бундай нола қилган эди. Ҳукамолар унга ҳам ажиб ва ғаройиб тароналар тартиб берганлар.

...Бузрук мақоми ҳам Шашмақоми мусиқийдандир.

...Ироқ мақоми. У ҳам Шашмақоми мусиқийдандир. У Айюб алайҳис саломдан қолган. У қурт балосига мубтало қилинди. 18 йил қийинчилик ва машаққатда умри ўтди. Тақдири илоҳий билан бир қурт баданларидан ерга тушди. Ризочилик учун қуртни олиб яна баданларига қўйдилар. Қурт қаттиқ тишлади. Нола қилдилар. Нолалари Ироқ мақомида эди.

Яна бир муҳим тамойил шундан иборатки, юқорида зикр этилган 6 мақом ва 18 насрдан таркиб топувчи Шашмақом парда тизимининг умумий модели XIX асрда икки нисбатан мустақил шаклда жорий этилиши урф қилинган. Яъни, Шашмақомнинг ягона парда тизими икки мувозий (параллель) навда чертим (мушкилот) ва айтим (наسر) йўллари тарзида намоён бўлади. Шашмақомнинг бу устивор хусусияти мушкилот (чолғу) ва наср (ашула) жиҳатлари алоҳида мактаблар тариқасида тадбиқ этилиши турли манбалар билан исботланади.

Чолғу ва ашула Шашмақомининг пири устозлари ҳам алоҳида фаолият кўрсатганлар.

Баёз ва танбур чизиғи нусхаларига кўра Шашмақомнинг чолғу ва ашула мактабларига ихтисослашган устозлар ижоди ва фаолияти атрофида юзага келган. Масалан, 1297/1880 йилда юзага келган баёз, машхур ҳофиз ва бастакор Шоҳимардонқул ижоди ва фаолиятига қаратилган. Унинг хотимасида – «Бу мусиқий рисола Шоҳимардонқул меҳтарнинг ёдига солиш учун юзага келди. Бу рисоланинг муҳаррири Мусо Хўжа Туркистоний бўлади»<sup>19</sup>, деб ёзилган.

Танбур чизининг чолғу ва ашула нусхалари ҳам мазкур соҳаларнинг етакчи устозлари томонидан амалга оширилган.<sup>20</sup> XX-асрда Бухоро Шашмақомини янги авлод вакилларига етказган пирлар Ота Жалол наср ва Ота Фиёс мушкилот навларига ихтисослашганлиги ҳам маълум<sup>21</sup>. Бизнинг давримизга етиб келган Шашмақом ҳам амалда чолғу ва ашула йўлларига ажратилган икки алоҳида мактаб сифатида урф этилган.

Энг муҳими чертим ва айтим йўллари Шашмақомнинг ягона парда(лад) моделининг икки нав кўринишидир. Хоразмда бу сифатларни танбур чизиғи нусхалари намоёиш этса, Бухоро Шашмақоми мушкилот ва наср бутуғларининг умумий мундарижаси ҳақидаги энг муфассал малумотларни Фитрат китобидан топиш мумкин. Унда юқорида тилга олинган асосий ва тармоқ парда (лад) бирликларининг номлари, чолғу ва ашула қисмларига хос усул атамалари билан қўшиб берилади<sup>22</sup>.

Баёзлар Шашмақом мажмуасининг қайси мақомдан бошлаш кўпроқ расм қилинганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Ҳозирликча бизга маълум бўлган баёзларнинг энг эски нусхасида мақомлар қуйидаги тартибда жойлашган: Рост, Бузрук, Ироқ, Дугоҳ, Сегоҳ, Наво<sup>23</sup>. Манбанинг рисола қисмида келтирилган мулоҳазаларда Рост биринчи ўринда кўрсатилади. Диққатга сазовор томони шундаки, XIX асрнинг бошларида Шашмақом Бухородан Хоразмга кўчирилганда ҳам айнан шу тартибга риоя қилинган. Бироқ, кейинчалик Бухорода одат ўзгарсада, Хоразмда эски дастур қатъий сақланиб қолган.

XIX-асрга оид бошқа баёзларда Наво биринчи мақом сифатида эътироф этилади. Бу ақиданинг илдиэлари узоқ тарихларга бориб тақалади. Хусусан, мусиқийда илмий қарашларни устивор тутган Кавкабий, мақомларнинг афсонавий тарихини Фисоғурс(Пифагор)га боғлаб, дастлабки 7 мақомнинг биринчиси Наво эканлигини қайд қилади. Бунинг бошқа сабаби шундаки, илми адвор соҳиблари мақомларнинг таъсири ҳақида фикр юритганда, Навони шижоатбахш ва турклар қавмига хос навлар қаторига киритганлар. Ва, ниҳоят, яна бир мулоҳаза Шашмақомни мусиқий мафкура деб эътироф этиш билан боғлиқ. Шашмақоми мусиқийни куй рамзи – Наво мақомидан бошлашда ўзига хос мантиқ бор, албатта.

Бузрукдан бошлаш тартиби эса, Шашмақомнинг сўнгги пири Ота Жалолиддин Носир ўғли (1845-1928)дан қолган одат. Бу қоидага Шашмақомнинг бизгача етиб келган барча дастурларида амал қилинади. Мақомларнинг қайси бирини олдинги ўринга қўйилиши, уларнинг

миёно-мазмунини ўзгартирмайди. Турли хил турғиблар мавжуд эканлигини кўрсатиш, Шашмақом қанчалик «ёпиқ тизим» бўлишидан қатъий назар, у қотиб қолган нарса эмас, аксинча, ҳаёт эҳтиёжларига қараб ўзгариб борадиган жараён, деган ғояни олдинга суришга асос беради.

Баёзларда Шашмақомнинг ички тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Улар саҳифаларидаги таркибий бўлакларнинг номларига оид атама ва иборалар тизимига қараб XIX аср ўрталарида Шашмақомнинг ишула бўлимининг умумий тарҳи қандай бўлганлигини кўз олдига келтириш мумкин. Шашмақомнинг баёзлар асосида тузилган умумий таркиботи Ҳамидулла Аминовнинг мақоласида келтирилган<sup>24</sup>. Ушбу мундарижани XX-асрда пайдо қилинган Шашмақом андозалари билан солиштирадиган бўлсак, улар орасида анчагина фарқ борлигининг гувоҳи бўламиз.

XX-асрнинг ўртасида Тожикистонлик устозлар Бобоқул Файзуллаев (1894-1964), Шоназар Соҳибов (1903-1972), Фазлидин Шаҳобов (1911-1974)лар томонидан ҳозирланган Шашмақомнинг нота тўпламини нашрга тайёрланиши муносабати билан муҳаррир Виктор Михайлович Беляев (1888-1968) билан ҳамкорликда мажмуанинг умумий шакли баён этилди<sup>25</sup>. Кейинчалик, бу ўзак андозани Исҳоқ Ражабов (1927-1982) муфассал таълимот тарзида ишлаб чиқди<sup>26</sup>.

Шашмақомнинг тузилиши Фитрат назарида бошқачароқ талқин этилади. Олти мақом тафаккурини кенг умумбашарий

қадриятлар нуқтаи назаридан кўриш мақсадида «ўзбек классик мусиқаси» тушунчасини илмий асослашга ҳаракат қилади. Назарий жиҳатдан мақомлар илмий негизлардан келиб чиқувчи олий нав-классик мусиқа деган ғояни олдинга суриб, мажмуанинг парда ва усул(вазн)лари малакали мусиқийшунослар, аллома созандалар томонидан пухта ишланганлигини уқтиради<sup>27</sup>.

Мазкур устивор ғояни исботлаш учун Шашмақомнинг парда ва усул бирликларининг умумий мундарижасини тузиб чиқади. Фитрат таълимотида парда(лад) деган назарий тушунча ўрнига «асос куйлар» атамаси ишлатилади. Умумий миқёсида 20 та (6 мақом ва 14 та тармоқ) асос куй қайд этилади ва шунга мувофиқ бутун мажмуа икки қатламга ажратилиб, биринчисига Шашмақом (яъни том маънодаги «асл Шашмақом»), иккинчисига «шўъбачалар» номи берилади. Шашмақом ва шўъбачалар умумий мажмуанинг икки нисбатан мустақил нав кўринишлари экани назарий асосланиб, амалдаги мисолларда кўрсатилиб берилади<sup>28</sup>.

Шўъбача атамасидаги «ча» кўшимчасида классик мусиқанинг мазкур қатламининг бирданига икки муҳим сифати акс эттирилган. «Ча» бир тарафдан бирон нарсанинг кичрайтирилган шаклини англатади. Шўъбача асл Шашмақомга нисбатан унинг оддийроқ кўриниши. Иккинчи томондан «ча» муайян услуб ва йўналишни билдиради. Масалан, Хоразмча, Бухорча, Қўқонча. Шўъбачалар бу ўрнида

хос Шашмақомга қараганда халқчилроқ, оддийроқ нав услубини билдиради.

Баёзларда Шашмақомнинг умумий тузилиши Фитратникига қараганда бошқачароқ намоён бўлади. Биринчидан, баёзларда мажмуа шунчаки олти мақом эмас, балки айтиб ўтилганидек, «Шашмақоми мусиқий» деб таъкидланади. Яъни, Шашмақом илмий асослардан келиб чиқувчи мусиқий тизим эканлиги бош омил сифатида сарлавҳага чиқарилади.

Қизиғи шундаки, мақом туркумлари таркибидаги бошланғич сараҳбор ва насрлар барча манбаларда, жумладан, баёз ҳамда Фитрат ва Ражабов таълимотларида Шашмақомнинг барқарор қисми сифатида эътироф этилади. Уларнинг умумий миқдори ва тартиби икки асрдан зиёд тарихий муддат ичида деярлик ўзгарган эмас. Сараҳбор ва насрларга эргашган тармоқ шаҳобчаларида эса қатъият қонунларига муқобил равишдаги ижодий эркинлик низомлари ҳукм суришининг гувоҳи бўламиз. Шу тариқа мақом тафаккурининг муштарак икки қаноти - қатъийят ва ижодий эркинлик ҳаёт эҳтиёжларига қараб бири-бирига мувофиқлашиб келган.

Мусиқийшуносликда «Мусиқий шаклларнинг ибтидоси ижро шаклларида бошланади» деган ҳикмат бор. Мақом таснифотлари ҳам ижро жараёнида туғилиб, амалиётда пишиб этилади, шунга кўра узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган, муайян нав шакллариини ўрганиш учун, олдин уларнинг ижро этилиш шароити ва йўл-йўриқларини кузатиш лозим.

Шашмақомнинг XIX-аср охири — XX-аср бошларида жорий этилган ижро дастурлари тўғрисида Фитрат куйидагиларни баён қилади:

— «Булар нағмани биринчи куйнинг парда ва усулидан иккинчи куйнинг парда ва усулига ўтказишга хизмат қиладилар. Ҳофиз биринчи куйни битиргач, тароналарни бутун ҳофизлар қўшулишуб айтадилар. Биринчи куйнинг тароналари битгач, иккинчи куйни бошлайдилар. Ёлғиз ўзи ўқуйдилар. Бунинг тароналарига келгач, яна ҳофизлар қўшулушуб айтадилар. Мана шундай қилиб, «наsr» бутоғини ҳам битирадилар-да, сўнгра ўйун (танс) куйлари (уфарлар) бошланадилар. Ўйунни ёлғиз чолғу билан-да, чолғу, қўшуқ билан-да давом эттириш мумкиндир. Шуниси бор-ким, уфарда қўшуқ бўлганда ҳам усулни икки-уч чирманда барабар сақлайдилар.»<sup>29</sup>

Бунда сўз бир-бирини тўлдирувчи яккахонлик ва ҳамнафасликдан иборат «савол-жавоб» ижро тартиби ҳақида бораяпти. Кейинчалик, XX аср ўрталарида Ўзбекистон ва Тожикистон ансамбль ижроларини кенг қўлланилиши Шашмақом таснифотларига ўзгаришлар киритди. Шашмақомнинг янги нав услублари ҳаётга тадбиқ этилди ва у радио тўлқинлари воситасида миллионлаб мақом мухлисларига ҳавола қилинди. Аммо, тарихий жиҳатдан, Фитрат қайд этган Шашмақом ижрочилигининг эски дастурлари ва улар негизидаги таснифот шакллари кенгроқ тасаввур этишда баёзлар атрофлича маълумотлар беради.

Баёзлардаги Шашмақом таснифотини Фитрат моделига қиёслайдиган бўлсак, энг

аввало, икки хусусият алоҳида кўзга ташланади: биринчиси — сарахбор ва насрларга эргашган шўъбаларнинг кейинги тартибларга ўхшамайдиган шакл кўринишларида намоён бўлиши: иккинчиси — Шашмақомни ўзига хос «музикий ибодат» тарзида жорий қилиниши.

«Қарама-қаршиликдан таркиб топган уйғунлик гўзаллик ва мутаносиблик гарови» — деган қадимий ҳикмат мавжуд. Мумтоз музиқанинг ёрқин намунаси бўлмиш мақомларда таркибий бўлақлар ва бир бутунлик доим бир-бирига уйғун ва мутаносиб бўлишлиги тақозо қилинади. Шунинг учун мақом тафаккурининг устувор музикий асосларини ташкил қилувчи парда, усул ва таснифот тамойиллари ўзаро тўлдирувчи ва уйғунликда бир бутун мақом шаклининг гўзаллик ва мутаносиблигини таъминловчи омиллар бўлиб хизмат қилади.

Шашмақом тафаккурида парда тизими-бирлаштирувчи, усул — бўлақларга ажратувчи омил. Шунга кўра, бирлик нуқтаи назардан қараганда Шашмақом — бу муайян парда тизими демакдир, таркибий бўлақлар жиҳатидан эса, Шашмақом усуллар тизимидан иборат. Бу қонуният мажмуа таркибидаги нисбатан мустақил қисмларнинг номланишида яққол ўз аксини топади. Улар бошдан-охир изчил равишда парда ва усул кесимида белгиланади: Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Насри Ушшоқ, Насри Баёт ва ҳ.к.

Сарахбор ва насрларга эргашган шўъба қисмларига келганда, бўлиниш янада давом этиб, фақат усул жиҳатлари билан

чегараланмасдан, бошқа омиллар, нав кўриниши, ижро суръати ва сўз матни ҳисобига ҳам амалга оширила бошлайди. Шунга эътиборан Шашмақомнинг бу тоифага оид қисмлари баёзларда шўъба, тарона, амалот, савт, талқин, чапандоз, соқийнома, уфар, даромад, фурувард, суворий, қўшсуворий, таъбия, мухаммас, гардун ва бошқа номлар билан белгиланади. Уларнинг орасида «шўъба» эргашган қисмларнинг умумий навига тегишли атама бўлиб келади.

Баёзларда қайд этилишича, уларнинг номида кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай шўъба маълум усулга асосланган бўлиши шарт. «Усулдан ташқарида шўъба бўлиши мумкин эмас» — деган фикр бир қанча баёзларда такрорланади. Масалан, тарона, таъбия, даромад ёки фурувард — булар усул номлари эмас. Лекин, мазкур номлар билан юритилдиган қисмлар албатта, бирон-бир усулга асосланган бўлади.

Бошқа бир эътиборли нарса шундан иборатки, бир ном остида икки-уч, баъзан эса ундан ҳам кўп қисмлар изма-из келиши мумкин. Бу тартиб сўнги Шашмақом моделларида асосан тарона ва уфар қисмларида сақланиб қолган. Яъни, ягона усул доирасидаги уфарлар ичида яна бир қанча тармоқчаларга бўлиниб кетади. Эски Бухоро услубида бу ички тармоқлар «оғир уфар» («уфари вазмин») ва «тез уфарлар» («уфари тез») дейилган. Фитрат рўйхатида Савти Чоргоҳ ҳам ана шундай жуфтланган иккита алоҳида қисм сифатида берилган.

Баёзларда эса, бундай ягона усул негизда кетма-кет келадиган қисмлар жуда кўп учрайди. Баъзи ҳолларда эса 4-5 амалот, суворий ёки бошқа номдаги шўбалар измани тизилиб кетади.

Баёзларда келтирилган шўбаларни Шашмақомнинг кейинги моделларда учрамайдиган сифатларидан яна бири, уларнинг ҳажми хилма-хил шаклларда намоён бўлиши. Айрим шўбаларнинг сўз матни бир банд, ҳаттоки бир мисрадан иборат бўлса, баъзилари ўн беш-йигирма байтни ташкил қилади. № 5734 рақами остидаги баёзда Сарахбори Бузрук ўн бешта тарона билан берилган. Шулардан фақат биттаси – 13-си «Амалоти дигар» («Бошқа амалот») деб номланган. Уларнинг ичида ҳазрати Имло, Гиёсий, Машраб ва бошқа шоирларнинг 7-8 байтлик ғазаллари билан айтилганлари ҳам бор. 2-таронада эса сўз матни сифатида Алишер Навоийнинг 46 байтлик – Сано Ҳаққо ким қошифи ҳол роз эрур. Хирад мушкilotиға ҳаллол эрур – деб бошланадиган Соқийномаси келтирилган. Шундай қилиб, Шашмақомнинг турли даврларда ҳаётга тадбиқ этилган андозаларида бошланғич мақом ва наср қисмларининг мусиқий асослари барқарор сақланиб, улардан келиб чиқадиган тармоқ қисмларининг шакли-шамойиллари мунтазам ўзгариб борганлигини яна бир қарра эътироф этиш мумкин.

Энди Шашмақомни «мусиқий ибодат» тарзида жорий этилганлиги хусусида. Бу сифат Шашмақомнинг эски ижро услублари ва мутаориф сўз матнларида ўз аксини топади. Фитрат китобида қайд этилган

яккаҳонлик ва ҳамнафасликдаги савол-жавоб шакли жаҳрий зикрларга хос ижро таркибини эслатади. Баёзларда келтирилган тартибга кўра яхлит мақом туркуми зикр маросимига ўхшатиб «савол-жавоб» тартибида тузилган. Савол қисми ҳофизлар сардори, етакчи устоз томонидан ижро этилган. Мусиқий истилоҳда мақомчилар раҳбари меҳтар (луғатда «каттакон», «раҳбар») деб аталган. № 7074 рақами остидаги мусиқий рисола – баёз атоқли меҳтар Шоҳимардонқули шашмақом матнларини ёдга солиши учун тузилган (Ин мақомотро аз баройи ёдовари Шоҳимардонқули тахрир намуда шуд)<sup>30</sup>. XX аср бошларига келиб Шашмақом пирларига нисбатан меҳтар ўрнига унинг «ота», «бобо» каби маънодошлари ишлатилиб, Ота Жалол, Ота Гиёс дейишлик одат тусини олган.

Шоҳимардонқули меҳтарга атаб ёзилган баёзда Шашмақомнинг тармоқ шўбаларига нисбатан «жавоб» сўзи ишлатилади. Бир жойда Савти Ҳусайнийга эргашган шўба жавоби Суворийи Ҳусайний, иккинчи марта Насри Ушшоқдан кейинги шўба Жавоби Ушшоқ дейилади. Бу эса, ўз навбатида яккаҳонлик изидан ҳамнафасликда айтиладиган нарса устозлар томонидан «жавоб» сифатида идрокланиши, «савол-жавоб» услуби урф этилган одат бўлган дейишга асос беради.

Шашмақом моҳиятан сифиниш, ибодат эканлиги унинг заминидаги сўз матнларида ёрқин намоён бўлади. Сўз нуқтаи назаридан сифиниш шаклини икки асосий турга ажратиш шартли равишда умумлаштириб

ғазал ва тарона деб номлаш мумкин. Шашмақомнинг умумий мантиқида ғазал ва тарона муносабатлари, мусиқий яккаҳонлик-ҳамнафаслик, бирлик (мақом, наср) ва бўлиниш(шўба) жуфтликларига мувозанат ҳосил қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний ғазалга шундай таъриф беради: - «Ғазал луғатда хотунлар била суҳбат қурмоқни севмактур, истилоҳда маъшуқ жамолининг зикри ва ишқу муҳаббат аҳволининг зикридур»<sup>31</sup>. Тарона – тараннум этиш, қалбдаги ишқу-ҳавасни ташқарига чиқариш, ишқ-муҳаббат изҳор қилиш. Уларнинг фарқи суратида: ғазал-сокин, пинҳоний, тарона эса шиддатли, очиқ-ошқора шаклда ишқу муҳаббат изҳор этиш.

Шашмақом тафаккурида ғазал ва таронанинг зикр сифатлари муштарак жараёнда ўз ифодасини топади. Мақомларнинг бошланғич қисмлари оташин суфиёна ғазаллар билан айтилади. Аллоҳнинг зикри юрак қўридан таралаётгандек туюлади. Уларга эргашган шўбаларда – тароналарда ишқ завқи аста-секин авж ола бошлайди.

Мутахассислар зикр жараёнини уч босқичга бўлиб, уларни ҳол, важд ва муқошифот деб атайдилар. Ҳол – муайян руҳий ҳолатга кириш, важд – ўзлигини тарк этиш, муқошифот – Аллоҳнинг жамолини кашф этиш. Аллоҳнинг висолига авлиёу-анбиёлар ҳам етолмаган. Ҳол билан важд эса бандалар ихтиёрига ҳавола қилинган. Шунга кўра зикру самоъга мойил кишилар «аҳли ҳол» дейилган. Ҳол аҳлининг зикру самоъ эҳтиёжлари Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб»ида ажойиб баён этилган. –



«Шодликни оширувчи муғанний, ғамни кетказувчи мутрибдир. Уларнинг ҳар иккаласига ҳол ва дард аҳли жон фидо қилурлар. Соз чалиниб, ёқимли хониш қилинганда, эшитувчининг ҳаёти, нақди унга фидо бўлса не ғам. Кўнгул қуввати яхши чолғучидан, руҳ озиғи хуш овоздандир. Хушхон мутрибдан дард аҳлининг ўти тез бўлур, агар гўзал бўлса, ҳол аҳли ўртасида қиёмат кўчар. Ҳар бир созанданинг сози дарддиқроқ бўларкан, унинг чертиши ярали юракка таъсирлиқроқ тегади. Порлоқ юзли мутриб ҳалқумидан ёқимли кўшиқ таратиб, ҳол аҳлининг куйган бағридан тутун чиқаради. Хушфеъл мутриб, агар фаҳм-фаросатли эрса, одам кўнгли тошдан бўлса ҳам эрийди, унга тобеъ бўлади, хусусан, ҳам айтса ва ҳам чалса, кўнгил мулкига қандай кўзғолонлар солади»<sup>32</sup>.

Шашмақомни ибодат деб қарашлик, мусиқийнинг ўзи муқаддас руҳ — Ваҳдати Вужуд тимсоли деган ғояни олдинга суришдан бошланади. Зикр маросимларида Аллоҳнинг сифатлари мадҳ этилгани каби Шашмақом ижросида мусиқий ва унинг хилма-хил рамзлари (куй, оҳанг, мақом, парда, тарона, чолғучи, муғанний, мутриб, хониш, фарёд ва бошқалар) тараннум этилади. Эски Шашмақом ижроларида урф қилинган сўз матнларининг деярлик барчаси мусиқий рамзлар мавзуи билан тўлдирилган.

Баёзларнинг № 5734 рақами остидаги энг чиройли ва тўлақон нусхаларидан бири «Бисмиллоҳи хайрил асмоъи» (Аллоҳнинг чиройли исмлари ила) деган зикр билан

бошланиб, кетидан мусиқийни улугловчи ғазал келтирилади. Муаллифи номаълум бу шеър Шашмақом мадҳига қаратилган. У мақом устозлари томонидан яратилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Муғанний кунун вақт жуши садо аст,  
Ки бунёди ҳасти ба гўши наво аст.

Роҳи шавқу важду тараб соз кун,  
Дари бар дилам аз садо боз кун.

Навои роҳи бенавой аст соз,  
Ки дар парда ошно аст соз.

Чаро нола аз най бигирад асо,  
Сурур ба гулшан ба нола чаро?

Магар нағма дар пардаи чанг нест,  
Ки минойи у қулқули оҳанг нест.

Дар ойнадорро таҳайюр чаро аст,  
Варойи тараб аз чи руйи (бе) садо аст?!

Бувад гуши танбур то кай гарон?!  
Гиреҳ то ба-кай торро бар забон<sup>33</sup>.

Шу баёздаги Сарахбори Сегоҳда айтилган Шамсуддин Табризийнинг мусиқий рамзлар билан тўлдирилган ғазали ҳам диққатга сазовор.

Эй, Чанг, пардахойи Сифоҳонам орзу аст,  
Вай нолаи хуш сўзонам орзу аст.

Аз пардаи Ироқ ба Ушшоқ туҳфа бар,  
К-он Росту Бусалик хуш илҳонон орзу аст.

Оғоз кун Ҳусайний, зероки, Моя гуфт,  
К-он аз бар хирад зи Гардонам орзу аст.

Ин илми мусиқийи ман хуш шаҳодат аст,  
Ман мўъминам, шаҳодати иймонам орзу аст.

Эй ёр, бар кушой ниқоб аз жамоли хеш,  
К-он чеҳраи машъашаъи тобонам орзу аст.

Дар нури ёр пардаи хубои ҳаме намуд,  
Дийдори ёр дийдани эшонам орзу аст.

Он моҳемки бар сари хушки ҳаме топам,  
Дарёи соф бе сару сомонам орзу аст.

Бинмой рўйи муфаххир офоқи Шамсуддин,  
Ман худҳудам ҳузури Сулаймонам орзу аст<sup>34</sup>.

Шуни таъкидлаш зарурки, мусиқий баёзларда ўзбек ва форс-тожик тилидаги абётлар баробарига кенг истеъмол қилинади. Классик мусиқа руҳиятига мос ҳамду-сано, дуруд навида битилган ажойиб Соқийномалардан бири Алишер Навоий қаламига мансуб\*:

Сано Ҳаққаким кошифи розу ҳол эрур,  
Хирад мушкилотига ҳаллол эрур.

Алимики, йўқтур ҳидоят анга,  
Азимики, йўқтур ниҳоят анга.

Ҳазар ичра бечоралар ёвари,  
Сафар ичра авворалар раҳбари.

Не соликка ким дашт этиб жилвагоҳ,  
Таваккулни авлаб анга зоди роҳ...

Анинг ҳамдидин сўнгра юз минг дуруд,  
Бори фараҳ оини ҳумоюн дуруд.

Набий равзасиға алайҳиссалом,  
Ҳам олу, ҳам асҳобиға бардавом.

Адо бўлди чун ҳамду наъту сано,  
Бу авворадин юз туман, минг дуо...

Бир улким, чу сўздиндур инсон шариф,  
Чу ҳайвонға сўз йўқдур улдур касиф.

Кўнгил дуржи ичра гуҳар сўз дурур,  
Башар гулшанида самар сўз дурур.

Эрур сўз фалак жисмини неку жони ҳам,  
Бу зулумотнинг обу ҳайвони ҳам.

Агар жон эмас бас недурким масеҳ,  
Ўлук тиргузур деб каломи фасеҳ...

Ки, бу ур-ки офаринишдин ашраф дурур,  
Анинг доғи мавзуни алтаф дурур.

Савти Ажам шўъбасида айтиладиган  
сўзларда инсон ўзини таронага қиёс қилади.

Манам хамин тарона  
Нахурам гами замона  
Накунам зи ишқ тавба  
Хунари дигар надорам.

Мазмуни: Менман ушбу тарона. Замона  
гамини ейишдан ва ишқ йўлида тавба  
қилишдан бошқа хунарим йўқ.

Таронанинг хусусиятли томонларидан  
бири шундаки, кўпчилик ҳолларда ўзбекча  
ва форсча, шоирлар ва халқ ижодига мансуб  
мисралар ҳамда дуосифат хонишлар ва ҳаяжон  
ҳайқириқлари бир-бирига уйқашиб аста-  
секин важд жараёнига айланиб кетади. Бунга

Сарахбори Ироқдан кейин биринчи  
таронанинг сўз матни мисол бўлиши  
мумкин.

Эй туро ёрай  
Қиблам вай туро ёрай  
Эй рухи фитна вай  
Ялола-ялола ёрай.

Қиблам, гул анор очилди вай  
Лолазор вай, чаман вай бўлди яна  
Эй вай, ба-чобук бар жом эй вай  
Дамодам эй вай навбаҳор бўлди яна.

Ёрай, эй нола созам дар Ироқ,  
Эй вай дилрабои иштиёқ.

Эй ёрай, куйдиринг мани, ёрай  
Сан агар яхши-ёмонни танимасанг  
Эй соқий, май келтургум  
Эй чобуки вай, яхши-ёмонни саралар  
Эй вай ёрай, ўлдурдинг мани, ёрай  
Эй кечалар бўлса, кўзум ёши тегирмон юругур  
Юрагим чарх уриб, каби оху ҳам ўшалар, ёрай  
Бу на савдодурки сурмай ҳоли зорим, ёрай  
Эй золим ёрай, эй ўлдурдинг мани  
Эй вай дўст куйдирдинг мани.

Бошқа бир пайтларда «Ё Аллоҳ», «Ла  
илаҳа илла Аллоҳ» каби зикр хонишлари  
шеърӣ мисраларга пайваста нақоратларга  
айланиб кетади.

Масалан:

Шоҳики, зи маъний шуда огоҳ якист,  
Ёлло яллалӣ дўст  
Моҳики, ба гардун зада харгоҳ якист

Ёлло яллалӣ дўст  
Саргашта машав суйи Худо роҳ якист  
Ёлло яллалӣ дўст  
Хуршид яки, моҳ яки, шоҳ якист  
Ёлло яллалӣ дўст.

Бундаги Ёлло («Ё Аллоҳ») ва яллолий  
(«Ла илаҳа илла Аллоҳ») калималарининг  
мақом айтимларига қўшиб зикр зарбларига  
туширилган шаклидир.

Хоним ялла лалло ёло яллалӣ дўст  
Шоҳим ялла лалло ёло яллалӣ дўст  
Ҳаст ноз ёло ялла лалло  
Чаро соз ёло ялла лалло.

Баёзларга битилган сўз матнлари XIX-аср  
Бухорода шаклланган Шашмақом  
санъатининг маъно-мазмуни ва ички  
тузилиши хусусида жуда муҳим маълумотлар  
беради. Шашмақом баёзлари ўзидан олдин  
пайдо бўлган мусиқий рисоалар ва  
кейинчалик юзага келган Хоразм нотаси  
нусхалари билан биргаликда мақомот  
тизимининг тадрижий ривожланиш  
жараёнини ўрганишда таянч манбалардан  
бири бўлиб хизмат қилади.

**Хоразм нусхаси.** Баёзлар ҳақида сўз борар  
экан, мумтоз мусиқанинг ривожланишидаги  
бу изчил омил бошқа мақом марказларида  
ҳам жорий этилганлигини айтиш лозим.  
Хусусан, 1906 йилда Хоразмда бевосита Хон  
Феруз кўрсатмасига биноан ўз даврининг  
иккита нуфузли ҳофизи Худойберган маҳзум  
ва Муҳаммад Ёқуб фозачи дастуридаги сўз  
матнларини ўз ичига олувчи шеърӣ тўплам

яратилган<sup>36</sup>. Бу қўлёзма турли жиҳатлардан эътиборга сазовор. Биринчидан унга «Мақомларда айтиладиган сўзлар» - деб сарлавҳа берилган. Нусха икки қисмга ажратилиб, биринчиси «Худойберган махзумнинг ёд билган баёзи», иккинчиси «Муҳаммад Ёқуб фозачининг ёд билган баёзи» - дея белгиланган. Бу сарлавҳадаги «айтилган», «ёд билган» сўзлари хатга туширилган шеърлар Хоразмда мутаориф мақом матнлари эканлигидан далолат беради.

Иккинчидан, мақом амалиётида нота ёзувлари билан бир қаторда шеърий баёзларга ҳам эҳтиёж бўлган. Гап шундаки, мақомларнинг тадрижий тараққиёти учун лозим бўлган бу икки хил маълумот манбалари бир-бирини инкор этмасдан умумий эҳтиёжларга хизмат қилади. Нота ёзувлари мақом мажмуаларининг муштарак куй ва усул асосларини сақлаш воситаси бўлса, сўз матнлари мазкур санъатнинг ҳаёт талабларига қараб ўзгариши мумкин бўлган эркинлик тарафлари билан боғлиқ. Бу мақомларнинг ашула ижрочилиги соҳасининг ўзида турли мактаблар мавжуд бўлганлигини далиллайди. Дарҳақиқат Худойберган махзум ва Муҳаммад Ёқуб фозачилар турли мактаб намоёндалари. Уларнинг ижро услублари бошқача бўлганлиги билан бир қаторда, дастуридаги сўз матнлари ҳам фарқланганлигини баёз мазмуни кўрсатиб беради.

**Тошкент нусхаси.** Тошкентлик машҳур Мулла Тўйчи ҳофиз дастуридаги мақом йўларининг сўз матнларини ўз ичига олувчи «Армуғони хислат» деб номланган баёз ҳам,

мақомот тарихи ва унинг тармоқ услубларини ўрганишда катта аҳамиятга эга<sup>37</sup>. Ўрта Осиёнинг қадимий марказларидан бири Тошкентда мақом санъати ўз ҳолича ривожланиб турган бир пайтда, улуг ҳофиз дастуридаги сўз матнларини ёзиб олиниши тарихий ва илмий нуқтаи назардан ўта муҳим ҳужжатдир. Ҳолбуки, кейинги ўн йилликлар давомида Тошкент мақомларининг ички тузилиши ва сўз матнларида кескин ўзгаришлар пайдо бўлди. Натижада ўзининг алоҳида услубига эга бўлган Тошкент мақомларининг шакли-шамойили ҳам замон талабларига мувофиқ ўзгариб кетди.

Манбаларнинг далолат беришича, XIX-асрнинг иккинчи ярми ва XX-асрнинг бошларида Тошкент музофотида мақомлар Бухорода расм қилинган мусиқий Шашмақом қоидаларидан фарқли равишда ҳофизлар дастуридаги мумтоз куйлар мажмуаси тарзида жорий этилган. «Армуғони Хислат»да Тошкент мақомларининг мана шу асл ҳолати ўз аксини топганлигини кўрамыз. 1927-йилда В.А.Успенскийнинг «Ўзбекларнинг классик мусиқаси» деб номланган мусиқий-этнографик тадқиқотида мақомлар учта асосий навга бўлиниб Бухоро, Хоразм ва Туркистон мақомларига ажратилади<sup>38</sup>. Успенский таъбирида Туркистон мақомлари бугун биз Фарғона-Тошкент мақомлари дейдиган навнинг ўзидир. Тадқиқотчи мазкур мақомларнинг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда уларни баъзан «зикр мақомлари» деб ҳам юритади.

«Армуғони хислат» ва Успенский тўплаган маълумотлардан Тошкент

мақомлари аслида ана шу зикр маросимлари таркибидаги куй ва ашулалардан иборат мақом йўлларининг мажмуаси эканлиги аён бўлади.

Мулла Тўйчи дастуридан олинган сўз матнлари ва уларга оид атама, ибора ва мақом тартиби буни исботлаб беради. Дуруд, наът, яккахонлик каби атамаларни сарлавҳага чиқарилиши ҳам мазкур мақом йўлларини зикр хонишларининг таркибий бўлаги сифатида ишлатилганлигини кўрсатади.

Баёздан жой олган сўз матнлари ҳам бошдан охир Аллоҳни мадҳ этиш ва Пайғамбаримиз шаънига айтилган дуруд ва саловатлардан иборат. Мулла Тўйчи дастуридан ёзиб олинган сўз матнларининг таҳлилига батафсил тўхталиб ўтирмасдан, шоир Шавкат ва Мухлислар ижодига мансуб мухаммаслардан қисқа лавҳалар келтириш билан кифояланамиз.

Гиря куйига айтилган мухаммасдан бир банд.

Тараҳхум, Худовандо, бадин ҳоли табоҳи ман,  
Бажурму моҳият як даст доим солу моҳи ман,  
Зикр дорам ба гардун бар шавад ҳар лаҳза оҳи ман,  
Туйи дар ҳар дуо олам банда парвар подшоҳи ман,  
Ба жуз зоти ту набувад меҳрибон тар узри хоҳи ман.

Хўқандча хониш йўлида айтилган мухаммасдан бир банд. Айтиш лозимки, кейинги даврларда Хўқандча нолиш йўли «Фигон» номи билан юритиладиган бўлди.

Ман бенаво ё ҳаёт ан-набий,  
Сабоҳу масо ё ҳаёт ан-набий,

Дегум доимо ё ҳаёт ан-набий,  
Сизга ман фидо ё ҳаёт ан-набий,  
Қилай ман дуо ё ҳаёт ан-набий!

Яккахонлик номи билан машҳур бўлган  
қуй йўлида айtilган Мухлис мухаммасидан  
бир банд.

Зиҳи ҳўблар сароси шамси рухсорингга салламно,  
«Алам нашроҳ» юраклик қалби анворингга  
салламно,  
Нигоҳинг маҳзи раҳмат чашми хуморингга  
салламно,  
Қадрингдан Хаққа бўлсун сарви рафторингга  
салламно,  
Қаю бирни дейин бошдин аёғ борингга салламно!

Шундай қилиб Бухоро, Хоразм ва Тошкентда бунёд этилган баёзлар, мазкур воҳаларда жорий қилинган мақомот навларининг асл ҳолатларидан дарак топишда ишончли манбалар бўлиб хизмат қилади. Умумий негизлардан келиб чиқувчи Шашмақом, Хоразм мақомлари, ҳамда Фарғона-Тошкент йўлларининг мусиқий асослари кўплаб ришталар билан чўлғангани ва турли тарихий шароитларда ҳаёт эҳтиёжларига қараб шакл ва қиёфа пайдо қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Демак, мақом илми қотиб қолган қоида эмас, балки билим ва маҳорат йўлида камол топган мусиқийшунос ва созандаларнинг санъати билан обод қилинадиган барҳаёт ижод майдонидир.

**Рисола-баёз-нота ёзуви.** Шашмақомнинг бир бутун мусиқий мажмуа сифатида

Хоразмда жорий этилиши мақомот тарихида алоҳида ўринда турувчи беқиёс воқелик. Бу ҳодиса мақомот тафакқурини идроклаш ва унинг заминидаги илмий ва амалий тамойилларни мувофиқлашуви нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқ. Маълумки, XIX аср бошларида Бухорода шаклланган мусиқий Шашмақом бир бутун тизим сифатида Хоразм муҳитида ўзлаштирила бошланди. Маҳаллий мусиқийшунос ва созандаларнинг ижодий интилишлари туфайли Шашмақомнинг янги нав кўриниши — Хоразм мақомлари юзага келди.

Лекин икки аср давомида баробарига ривожланиб келаётган Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, бу улкан мажмуаларнинг ички тузилиши, тушунча ва иборалар тизими, мусиқий ва сўз матнлари орасидаги умумий тамойилларнинг барқарор сақланиб келиши таажжубли ҳолдир. Дарҳақиқат асл Шашмақом ва Хоразм Олти ярим мақоми эгизак мусиқий навлар сифатида намоён бўлади. Уларнинг негизидаги парда (мақом — лад) бирликларининг исми-жисми, таркиби ва тартиби айнан бир хил. Рост, Ушшоқ, Наво ва бошқа мақомлар иккала мажмуада ҳам яхлит маъно-мазмун касб этади. Шашмақом ва Хоразм мақомларининг усуллар мундарижасида ўзига хос томонлар кўп бўлсада, уларнинг ибтидоси умумий тамойиллардан келиб чиқади.

Бундай ўхшашликларнинг сабаби нимада деган саволга жавоб ахтарадиган бўлсак, Шашмақомни Бухородан Хоразмга кириб келиши қай тарзда амалга оширилган деган

масалага равшанлик киритиш лозим бўлади. Юқорида қайд этилган баёзлар, Хоразм нотасининг нусхалари ҳамда жонли ижро дастурларининг далолат беришича, Бухородан Хоразмга шунчаки қуй ва ашулалар йиғиндиси эмас, балки энг аввало бу мусиқий тизимнинг илмий асослари олиб келингандир.

Жараённинг бошида турган Ниёзжон Хўжа ўз даврининг етук алломаларидан бири бўлган. У Бухорода энг аввало Шашмақом илмини ўзлаштирган. Яъни, унинг негизини ташкил қилувчи парда ва усул тамойилларининг назарий асосларини пухта ўрганиб, етук Шашмақом устози даражасини эгаллаган. Хоразмга келгач, у ўз мақом мактабини жорий эта бошлаган. Ниёзжон Хўжанинг дастлабки шогирдлари Муҳаммаджон сандиқчи ва Абдусаттор маҳрамлар, мақом илмининг соҳиблари ва етук устозлар сифатида элда эътироф этила бошлади. Улар ўз навбатида созанда ва мусиқашуносларнинг янги наслларини тарбиялаб, мақом илмини янада кенгроқ тарқалиши ва тадрижий тараққиётига замин ҳозирладилар.

XIX асрнинг ўрталарида Бухорода ёзилган мусиқий баёзлар ҳамда улардан кейин яратилган Хоразм нотаси нусхаларини солиштирганимизда, Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомларида урф этилган мусиқий ва сўз матнлари бир-бирига жуда ҳам яқин эканлиги маълум бўлади. Бундан хулоса чиқадики, Ниёзжон Хўжа Бухородан Шашмақом матнлари ёзилган баёз ҳам олиб келган. Чунки ўнлаган мақом қисмларида айтиладиган юзлаган байтларни ёзув воситасисиз хотирада сақлаш амри маҳол.

Хоразм мусиқашунослари қўлида илми мусиқийга оид асарлар, хусусан Дарвеш Алининг рисоласи ҳам истеъмолда бўлганлигини тасдиқловчи ёзма манбалар мавжуд. Ана шундай рисоаларнинг ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Ҳасанмурод Лаффасий томонидан кўчирилган нусхалари сақланган<sup>39</sup>. Демак, Ниёзжон Хўжа асос солган Хоразм Шашмақом мактаби ўз фаолиятида амалий билимлар билан бир қаторда ёзма манбаларга ҳам таянганлиги шубҳасиздир.

Ниёзжон Хўжа бошлаб берган жараён Хоразм Олти ярим мақом шаклида ўз ифодасини топди. Олти ярим мақом 200 га яқин куй ва ашулаларни ўз ичига олувчи улкан мусиқий мажмуа. У қатъий илмий асосларда тартиб этилган. Олти ярим мақом таркибидаги парда ва усул тизимларида йўл қўйилган жузвий камчиликка доимо ғализлик аломати деб қаралган. Мумтоз мусиқанинг адо этилиши ана шундай нуқсонлардан холи юксак бадиий даражада бўлишлиги тақозо қилинади. Устозлар бисотида сақланадиган Олти ярим мақомни муштарак илмий ва амалий асосларини замон ва масофага узатиш учун бирон-бир ёзма восита бўлмоғи лозим. Ана шундай эҳтиёжларни идроклаган Муҳаммад Раҳимхон Феруз мамлакатнинг бош мусиқийшуноси Паҳлавонниёз мирзабоши — Комил Хоразмийга Олти ярим мақомни забт қилиш тадбирини топишни буюрди. Устоз Паҳлавонниёз ўз идроки билан Хоразм танбур чизиги деган махсус мақом нотасини ихтиро қилди.

Комил Хоразмий ишлаган мақом ёзувини

янги тоифадаги манба дейиш мумкин. Унда маълум жиҳатдан рисола, баёз ва нотанавислик сифатлари мужассамланган. Юқорида бир тарафдан Кавкабий ва Дарвеш Али илмий асарлари, иккинчи томондан мусиқий баёзлар ўртасида вужудга келган муаллифи номаълум манбани шартли равишда рисола-баёз деган эдик. Энди, ана шу икки тамойилга яна бир мусиқий жиҳат қўшилиб, ўзига хос мақом манбаси тадбиқ этилди. Зикр этилган рисола-баёз ўз даврининг талаб-эҳтиёжларидан юзага келган ҳужжат. Уч сифатлик мақом ёзуви эса Хоразм муҳитида жорий этилган мақом навларининг қонун-қоидаларини барқарорлаштириш ҳамда уларни бўлғуси авлод созанда ва мусиқашунослари эътиборига ҳавола этиш учун кашф этилган нодир ҳужжат.

Гарчанд Хоразмда яратилган Ўзбек миллий нотасида мустақил илмий рисола янглиғ муттасил баёнотлар бўлмаса-да, Хоразм мақомларининг парда, усул, таснифот ва таркиботига оид атама ва иборалар тизими мавжудки, улардан мақом мажмуаларининг асосларига тегишли зарур маълумотлар топиш мумкин. Энг муҳими шундаки, танбур ёзувидаги тушунчалар билан юқорида зикр этилган илмий рисоаларнинг мазмуни орасида мустаҳкам ворисийлик аънаналари яққол назарга ташланиб туради.

Хоразм нотасининг баёзлик сифатлари аён. Бу жиҳатдан Танбур ва Дутор мақомларида урф этилган сўз матнлари юқорида тилга олинган баёзлар мазмуни билан қўшилиб, ягона тизимни ташкил

қилади. Нота ёзувидаги сўз матнларининг ўзига хос томони эса улар бевосита мутаориф куй ва усул низомларига манзума қилинган ҳолда келтирилганлигидадир.

Шундай қилиб, сўнгги беш аср давомида юзага келган мумтоз мусиқий баёзлар ва уларнинг давр тақозосига кўра шаклланган рисола-баёз намуналари ҳамда янги муҳит ва шароитларда зарур деб топилган рисола-баёз-нота ёзуви кўринишидаги ҳужжатли далиллар минтақа мақомот тизимининг умумий манбалар пойдеворини ташкил қилади.

<sup>1</sup> Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. ЎзРФА ШИ Инв № 456/11.

<sup>2</sup> Н.Кавкабий. Рисоли мусиқий. ЎзРФА ШИ Инв № 456.

<sup>3</sup> Рисолаи Шаш даромад маъа тамоми насрҳояш (Олти даромад ва барча насрлари рисоласи) Қўлёзма 1264/1847. ЎзРФА ШИ Инв №1466. в.4а.

<sup>4</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993. 45-6.

<sup>5</sup> Кавкабий рисоалари Тожикистонда кирилл алифбосида нашр қилинган: Кавкабий Нажмиддин. Рисолаи мусиқий. Рисола дар баёни Дувоздаҳмақом. Душанбе, 1985.

Биз Кавкабий рисоаларининг Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзма нусхасидан фойдаландик. ЎзРФА ШИ Инв. № 468.

<sup>6</sup> Дарвеш Али рисоласининг А.А.Семёнов амалга оширган рус тилидаги мухтасар баёни чоп этилган. Каранг: Дарвеш Али Чанги. Среднеазиатский трактат о музыке. Пер. с персидского проф. Н.А.Семёнова. Ташкент, 1946. Унинг тўла таржимаси Д.Рашидова томонидан амалга оширилган. Унинг қўлёзмаси БА Санъатшунослик институтида № 879 тартиб рақами билан сақланади.

Биз ЎзФА ШИ кутубхонасидаги қўлёзма нусхадан фойдаландик. Инв № 449.

<sup>7</sup> Мароғий Абдулқодир. Мақосид ал-алҳон. Техрон, 1344/1966, 11-б.

<sup>8</sup> Дарвеш Али Чангий. Рисолаи мусикий. ЎзРФА ШИ Инв № 449.

<sup>9</sup> Ўша асар.

<sup>10</sup> ЎзРФА ШИ Инв № 1466 1 а, в.

<sup>11</sup> Ушбу манба. 1 а, в.

<sup>12</sup> Ушбу манбани шарқшунос олим А.Семёнов тўдиқ қилиб, Шашмақом Кавкабийнинг «Куллиёт»идан бошланган, деган хулосага келади. Лекин, ушбу манбани И.Ражабов ҳам кўздан кечириб унинг хулосаси ногўрилигини исботлайди. Қаранг: И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент 1963. 125-бет; Мақомлар. Тошкент-2006. 149-бет. Биз эса улардан фарқли ўлароқ, Кавкабий иратган «Куллиёти» асосида ва бевосита таъсирида Шашмақом яратилган дея оламиз.

<sup>13</sup> Ушбу қўлёзма. 4 а.

<sup>14</sup> Ота Жалол баёзи. ЎзР БА Санъатшунослик институти, №135

<sup>15</sup> Еттита баёз ҳам кўрсатилган тартиб рақамлари остида Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Шуни таъкидлаш зарурки, шарқшунос ва мусиқашунос олим, устоз Исҳоқ Ражабовнинг вафотидан кейин нашр қилинган «Мақомлар» (Тошкент-2006) монографиясида бундан бошқа тартиб рақамдаги баёзлар ҳам кўрсатилган. Шунингдек, биз юқорида Бухоро Шашмақомига оид мусиқий баёзлар деб кўрсатганларимизнинг айримларини, жумладан

№5734; 1428; 7074 тартиб рақамдаги қўлёзмаларни Хоразм мақомларига оид сўз матнлари деб баён қилинади. Бундай баёнот далил билан исботланмагани учун унга қўшилиш қийин, албатта.

<sup>16</sup> Баёзлар Шашмақомнинг ашула йўлларига алоқадор бўлганлиги туфайли чолғу йўлларида келадиган Панжгоҳ унга кирмаган.

<sup>17</sup> Амалдаги парда бирликларидан «Зебо пари» авжи хусусида ҳам баёзларда маълумот учрамади.

<sup>18</sup> Муаллифи ва ёзилган йили номаълум № 8827 рақамли баёз.

<sup>19</sup> Рисолаи мусиқий. Қўлёзма № 7074.

<sup>20</sup> Аминов Ҳ. Танбур чизиғи нусхалари. Шашмақом сабоқлари (мақола ва маърузаларнинг биринчи тўплами). Тошкент, 2005. 119-129 бетлар.

<sup>21</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993. 53-б.

<sup>22</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1927. 18-29 бетлар.

<sup>23</sup> Қўлёзма № 1466 I/II.

<sup>24</sup> Аминов Ҳ. Мусиқий баёзлар. Шашмақом сабоқлари (мақола ва маърузаларнинг иккинчи тўплами). Тошкент, 2005, 38-б.

<sup>25</sup> Шашмақом. В 5-томах. Сост. Б.Файзуллаев, Ш.Соҳибов, Ф.Шаҳобов. Москва, 1950-1967; Азизова Ф. Шихоби мусиқи. Мажмуаи мақолаҳо бахшида ба устод Ф.Шаҳобов. Душанбе, 2006.

<sup>26</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963; Мақомлар, 2006.

<sup>27</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993, 12-б.

<sup>28</sup> Ушбу асар. 22-б.

<sup>29</sup> А.Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент. 1993.

<sup>30</sup> Рисолаи мусиқий. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ №7074.

<sup>31</sup> Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент, 1981, 271-б.

<sup>32</sup> Навоий Алишер. Маҳбуб-ул-қулуб. Ленинград, 1948. 193-б.

<sup>33</sup> Дар баёни Шашмақом. Қўлёзма. ЎзРФА ШИ № 5734. Ушбу «Муғанний» ғазали мусиқий ғазалларнинг қарийб барчасида мақомларнинг асосий куйлари бошланмасдан аввал берилади. Демак, уни муҳташам Шашмақомга муқаддима дейиш мумкин.

<sup>34</sup> Ўша қўлёзма. Мазкур шеър мусиқий Шашмақомнинг мадҳи сифатида бошқа баёзларда ҳам қайд этилади. Жумладан № 8827, № 1428, №3842.

\*Ушбу Соқийнома аслида 48 байтдан иборат. Биз унинг ҳамду сано, дуруд ҳамда сўз васфига оид байтларини келтирдик. Аслига қаранг: ЎзРФА ШИ Инв № 5734/II. 24<sup>а-б</sup> — 26<sup>а-б</sup>.

<sup>35</sup> Расолаи Шаш даромад маъа тамоми насрҳояш (Олти даромад ва уларнинг барча насрлари ҳақида рисола) Қўлёзма. ЎзРФА ШИ № 1466.

<sup>36</sup> ЎзРФА ШИ. Қўлёзма. № 6977.

<sup>37</sup> Хислат Саййид Ҳайбатуллоҳ ҳўжа. Армуғони Хислат, «Ғулумий» матбаси, 1912 й.

<sup>38</sup> Успенский В.А. Классическая музыка узбеков. Ташкент 1927 /сборник «Советский Узбекистан». Стр 305-315.

<sup>39</sup> Ҳамид Сулаймонов қўлёзмалар фонди. №272.

## II БОБ. МИЛЛИЙ НОТА ЁЗУВИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

**Тарихдан.** Шарқ нота ёзувларининг ўқ илдизлари ислом ёдуси оламга шуъла соча бошлаган даврларга бориб тақалади. Бобокалон созанда ва мусиқийшунослар ўз фикр ва қарашларини маълум тартиб ва низомларга келтириш мақсадида боши бутун мумтоз куй ва ашулаларнинг парда асослари ҳамда вазн ийқоларини белгилаш йўл-йўриқларини ахтарганлар. Аббосий халифалар саройида хизмат қилган Исҳоқ Мавсулий, Ибн Сурайж каби билимдон созандалар ўз дастуридаги ашулаларни тартиб этишда сўз матнларини ёзиш билан бир қаторда куй пардаларини ҳам алоҳида нишонлар билан белгилаганлар. Сўз матнлари ҳарфлар воситасида хатга туширилса, куй нағмалари чолғу асбобларининг торлари ва дастадаги бармоқлар ўрнига ишора этувчи пардабандлар ёки уларнинг шартли жойларини белгилаш ёрдамида ёзилган. Ушбу тамойилга кўра бу тартиб «асобиъ», яъни «бармоқлар» ёзуви номи билан тарихга кирган. Форобий (873-952), Хоразмий (X аср (ваф.997)), Ибн Сино (980-1037) каби алломалар мусиқийнинг илмий ва амалий асосларини тушунтириш учун чолғу торлари ва бармоқ номлари, шунингдек, абжад ҳисобига асосланган нағма жадвалларини ишлаб чиққанлар<sup>1</sup>. Мазкур жадваллардаги товушқаторлар мусиқий ёзувларнинг илк

кўринишларидир. Ана шу ибтидоий содда ёзувлар заминида кейинчалик улардан мукамалроқ уд ва танбур табулатуралари жорий этилган<sup>2</sup>. Хоразм нотаси эса ушбу жараённинг тараққиёт чўққиси сифатида юзага келган омилдир.

**Маданий-маърифий уйғониш.** Танбур ёзувларининг яқин тарихи XVIII аср охири ва XX аср бошларида янги Қўнғирот сулосасининг давлат тепасига келиши муносабати билан Хоразмда юз берган маданий-маърифий тараққиёт ва унинг самараси ўлароқ пайдо бўлган мақом тафаккуридан илдиз олади. Мазкур фаслдан мақсад Хоразм нота ёзувининг ана шу яқин тарихидан дараклар топишдан иборат. Мақом тафаккурининг изчил ривожланиши ва унинг юксалиш нуқталарида талаб этилган нота ёзувларини яратиш жараёнининг ибтидоси XVII-XVIII асрларда Хоразмда содир бўлган сиёсий, иқтисодий ва маърифий тушқинликлардан сўнг, XVIII-аср охири – XIX асрда рўй берган аржуманд миллий тикланишга бориб тақалади.

Жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшиб келган Хоразм маданияти ушбу даврга келиб навбатдаги тараққиёт босқичига юз тутди. Бу жараёни муваффақиятли ривожланиб, турли соҳаларда сезиларли самаралар бериши эътиқод ва маърифати

кучли уламоларнинг давлат тепасига келиши, қолаверса, ўзлигини англаб, миллий руҳда таълим-тарбия топган зиёлиларнинг ҳукумат ишларига кенг жалб этилиши билан боғлиқ.

Муҳаммад Амин ўғли Авазбий иноқ (1790-1804), унинг ўғли Элтузар (1804-1806), Элтузарнинг иниси Муҳаммад Раҳим I (1806-1825) ва унинг тўнғич ўғли Оллоқулихон (1825-1844)лар Хоразм заминида давлатчилик, савдо-сотик ҳамда ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, турмуш фаровонлигини ошириш ва маданий-маърифий тараққиётни таъминлаш борасидаги сайъ-ҳаракатларга раҳнамолик қилдилар. Илму ирфон равнақи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлана бошлади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIX-XX аср бошларида Хоразм тахтида ўтирганларнинг деярлик барчаси салоҳиятли илм-маърифат арбоблари бўлганлар. Бу ўринда узоқ муддат давлатни бошқарган Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон, Муҳаммад Аминхон, Саййид Муҳаммадхон (1855-1864) ва айниқса, 47 йилдан зиёд (1864-1910) тахтда ўтирган Муҳаммад Раҳимхон II Феруз фаолияти алоҳида диққатга сазовор.

Муҳаммад Раҳим I замонида Хоразм бошқарув жиҳатидан анча мустақамланди. Олий кенгаш таъсис этилиб, янги солиқ ислоҳоти ўтказилди, божхона ҳамда

ирбхона ташкил қилинди ва натижада ширкат даромади кўпайди. Майда бекликлар, Орол атрофидаги қабилалар Хоразм хонлиги таркибига қўшиб олинди. Бу даврда хонлик мустақамланди, мамлакатнинг ички ҳаёли анча яхшиланди. Хива, Янги Урганч, ҳазорасп, Хўжайли, Тошҳовуз, Гурлан, Хонқа ва бошқа шаҳарларда улкан қурилишлар бўлди, ҳунармандчилик ривожланди. Бу шаҳарлар тез орада савдо марказларига айланди. Қўшни мамлакатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар мунтазам равишда амалга оширилиб турди<sup>3</sup>.

**Мадраса таълими.** Диний ва дунёвий илмларнинг закий билимдони Оллоқулихон мадраса аҳлига, маърифатли зиёлиларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатди. Уларнинг қизғин баҳс ва мунозараларини шахсан кузатиб, пешқадам истеъдодларга умид ва ишонч билдириб, олий мадрасаларга мударрисликка ҳамда давлат ишларига жалб қилганлигини алломаи даврон Муҳаммад Ризо Огаҳий юксак баҳолайди. «Риёз уд-давла»да Оллоқулихоннинг уламоларга қилган илтифоти куйидагича таърифланади:

— «Чун ул ҳазратнинг туғма табиати ва одати ул эрдиким, ҳамма уламо ва фузалони қутлуғ давлатхонасига ундаб хилма-хил зиёфатлар бериб, уларнинг жаннатмисол мажлисларидан баҳра олиб, ҳаловат ҳосил қилур эрди. 1243/1828 тўнғиз йили, ёз палласининг сўнгиларида ул ҳазрат уламою фузалоларни, жами мадрасалар мударрисларию илмга чанқоқ талабаларни кўнгилларини шод қилмоқ мақсадида

Тошҳовуз мавзесидаги янги ҳосилга кирган боғ ва работига таклиф қилди.

Зиёфатдан сўнг Оллоқулихон жамоани тўрт гуруҳга бўлиб, уламнинг энг сараси бўлмиш, тўрт азиз — Хожа Муҳаммад Содиқ эшон қози, Хожа Шамсиддин қози, Амир Вайис эшон ва Хожа Низомиддин Манқийларни ҳар бир гуруҳга бошлиқ этиб тайинлади ва «Мишкот», «Тавзиҳ», «Мутаввал» ва «Ҳидоя» номли китобларни мутолаасига амр этди<sup>4</sup>. Мазкур китоблар асарлар давомида олий мадрасаларда устувор дарслик вазифасини бажарувчи диний ва дунёвий илмларнинг асосларини баён этувчи асарлардир. Ҳадис илмидан «Мишкот», қонуншунослик асосларидан (усули фикҳ) «Тавзиҳ», адабиёт ва бадият масалаларидан «Мутаввал» ҳамда фикҳ соҳасидан «Ҳидоя» ўқитилган, таълим берилган.

**Нафис мажлислар.** Маълумки, мажлислар диний ва дунёвий мафқурани узвий боғлашга қаратилган одоб, илму маърифат ўчоқлари бўлиб хизмат қилган. Хоразмда азалдан турли табақа ва соҳа вакиллари ўз маънавий эҳтиёжларига қараб зиёфатлар тузиб келганлар. Бундай ўтиришларнинг ички дастур ва низомлари шаклланган. Зиёфатларнинг тартиб этилган урф-одатларию, маънавий салоҳияти эл-юрт орасида доим катта эътиборда бўлган. Баҳс ва мунозараларнинг умумий йўналиши ва чигал масалаларнинг ечимини топишда давлат арбобларининг ўзлари фаол иштирок этиб, фазлу заковатда пешвоз чиққан толибларга саховат кўрсатганлар. Жумладан, Оллоқулихон мажлисларининг самараси

хусусида Огаҳий яна шундай ёзади: — «Замона уламо ва фузалолари давлат арбоблари билан мажлис тузиб, китобхонлик ва илмий мунозара ва баҳсу жадал ва дарсу бадал русумини аввалгидан зиёдроқ кўринишга етказдилар. Чун берилган оқилона саволлар ва тўла қониқарли жавоблар мақбул тушиб, ул ҳазрат ҳар кимни олган илмига яраша тақдирлашни муносиб кўриб, бир нечасини дарс таълими учун олий мадрасаларга мударрис ва бир нечасини шарият ҳукмини ижроси учун ён-атрофдаги вилоят, шаҳар ва элларга қози ва раис этиб тайинлади»<sup>5</sup>.

Мазкур даврда Хоразмда рўй берган маданий юксалиш ҳақида сўз борар экан, нуфузли мажлис, базм ва зиёфатларнинг нафақат илму ирфон аҳли, балки кенгроқ ижтимоий аҳамиятга молик адабиёт ва мусиқа санъатларининг ривожланиши учун муҳим омил бўлганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Ушбу муносабат билан 1841 йилнинг муҳаррам ойида Оллоқулихоннинг набираси Муҳаммад Али туғилиши шарафига ёзилган тўй дастурхони қўшни мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюрган ибратли жамоа йиғини тарзида кечганлигини эслаш лозим: — «Ҳазрат подшоҳ набира кўрганлигидан беҳад шодланиб давлат азми шукронаси учун мазкур ойнинг сўнгида, душанба куни Тошҳовлида зиёфати шоҳона ва ҳисравона базм муҳайё қилдириб, жамъи уламо, умаро ва аркони давлатни ундаб, турли ноз-неъмат ва қандолатларни сероб қилиб сочиб ташлади.

Шу тўй кечаси баҳор таърифи ва ушбу воқеага бағишлаб Огаҳий бир қасида ёзган



ва ул ҳазрат мулозаматида айтиб ўқиган. Хон ҳазратлари ниҳоятда таъсирланиб таҳсин айтиб, совға-саломлар билан ўттиз беш тилло марҳамат қилган. Ва яна илтифот қилиб, шеърни куйга солишга ундаб, тарғиб қилган»<sup>6</sup>.

**Маърифат маҳсули.** Кенг қанот ёзган таълим-тарбия асосида Хоразм эли маданий-маърифий тарақиётга юз тута бошлайди. Бу жараённинг таянчи сифатида аллома Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) тимсоли намоён бўлади. Маърифат бобида у улкан мактабнинг тамал тошини қўйди. Бу мактабдан Оллоқулихон (1794-1844) каби заковатли давлат арбоби, Муҳаммад Ризо Огаҳийдек (1809-1874) ҳассос адиблар етишиб чиқди. Аҳли Хоразм қадимий маданият вориси эканлигини англаб етиш, билим ва маърифат асосида турмуш фаровонлигини ошириш, маънавий баркамолликка интилишда ибрат ва намуна қўрсатиш зиёлиларнинг муқаддас бурчига айланди. Тарих, таржимонлик, адабиёт ва санъатни ривожлантириш умумий тараққиёт йўлининг устувор йўналишлари қилиб белгиланди. Ушбу соҳаларнинг ҳар бирида йирик намояндалар пайдо бўлди. Тарихшунослик, адабиётшунослик, мусиқийшунослик ва таржимонлик шарафли фазилат сифатида эътироф этилди.

Тарих ва таржимонлик соҳаларининг равнақ топиб пешлаб кетиши, умумий маданий-маърифий тикланишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди. Тарихий изланишлардан кўзланаётган бош мақсад,

энг аввало, ўзликни англаш, жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган улуг аждодлар маънавиятидан баҳраманд бўлиш эди. Қолаверса, аҳли Хоразм яқин ўтмишда бошидан кечирганларни идроклаш, тарих сабоқларидан ибрат олиш, бўлаётган воқеаларни холис баҳолаб, авлодларга муносиб мерос қолдиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний (1859-1923) асарлари нафақат Хоразм, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг тарихнавислигида янги босқич бўлиб майдонга чиқди. Улар қаламига мансуб «Фирдавс ул-иқбол» («Жаннат иқболи»), «Риёз уд-давла» («Бахт-саодат боғлари»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), «Шоҳиди иқбол» («Бахт-саодат гувоҳи»), «Шажараи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи» китоблари далилий маълумотларнинг изчиллиги, муаллифларнинг ўзлари бошдан кечирган воқеаларнинг ҳаққоний ва равшан баён этилганлиги билан ажралиб туради<sup>7</sup>.

Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий изланишларида мустаҳкам ворисийлик ришталари мавжуд. Уларнинг асарлари бири иккинчисининг давоми ва бир бутун манбалар тизими сифатида мазкур давр ижтимоий ҳаётини муфассал ёритиб беради. Бу ҳужжатларнинг биз учун аҳамиятли томони шундаки, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари қаторида бадиий ижод, жумладан, соз санъатининг расм-русумлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Улуг сулоланинг сўнги вакили

Баёний эса ўз даврининг кўзга кўринган ва нота ёзуви устида ишлаган мусиқий-шунослардан бири бўлгани ҳам диққатга сазовор<sup>8</sup>.

Таржимонлик ҳам мазкур давр учун ижтимоий ривожланиш ва умуминсоний қадриятларни миллий тараққиёт манфаатлари билан уйғунлаштириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Ислом тамаддунининг шоҳ намуналарини ўзбек тилига ўгириш аслзода ва зиёлиларнинг савоб ишларидан бирига айланди. Таржимонликни мумтоз санъат даражасига етказган алломалардан бири Огаҳийдир. У Низомий, Хисрав, Саъдий, Жомий ва Ҳилолий ашъорларининг ўзбек тилидаги мумтоз намуналарини яратди. Аллома томонидан таржима қилинган ўндан зиёд улуг асарлар қаторида мусиқий мавзуларни ҳам ўз ичига олувчи манбалар, жумладан, «Насихатномаи Кайковус» (Қобуснома), «Ахлоқи Муҳсиний» каби нодир китоблар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур<sup>9</sup>. Огаҳийни ўзига пиру устод тутиб, адабиёт ва мусиқий илмларда унга пайравлик қилган хон Феруз илтифотига биноан мазкур соҳада ибратли асарлардан бири бўлган созлар мунозарасига бағишланган Фузулийнинг форс тилидаги «Ҳафт жом» соқийномасини замонасининг энг моҳир таржимонлари Муҳаммад Расул Мирзо ҳамда Аҳмаджон Табибий алоҳида-алоҳида ўзбек тилига таржима қиладилар. Бу икки таржима ҳам Хива тошбосмасида нашр этилган. Алишер Навоий даври адабиёти ва мусиқасининг қўшма маҳсули бўлмиш

созлар мунозарасига бағишланган ажиб йўналиш адабиёт ва мусиқанинг иловбардори бўлиб майдонга чиққан Феруз даврида ҳам юзага келганлиги аҳамиятга молик ишдир. Зеро, Табибийнинг таржимаси кўпроқ Фузулий асаридан кўра ҳажми ва мавзусининг кенг қамрови билан мустақил китобга менгзаб кетади.

Хоразм маданий тикланиш жараёнининг назарга ташланадиган томонларидан яна бири адабиёт ва мусиқийнинг кенг ижтимоий аҳамият касб этганлигидир. Адабиёт ва, айниқса, мусиқа соҳаси олдингига қараганда кескин равишда илғорлаб кетди. Шеърят ва соз санъати билан шуғулланиш маънавий камолот гарови, олийжаноблик фазилати сифатида эътибор топа бошлади. Нуфузли маънолардаги «шеършунос» ва «мусиқашунос» тушунчалари кенг истеъмолга кирди. Аллома Огаҳий давлат раҳбари Оллоқулихонни «шеършунос» сифатида таърифлайди. «Риёз уд-давлада» — «Ул ҳазрат яратганнинг чексиз марҳамати ва ҳидояти билан йигитлик чоғига етиб олам офтобидек чароғон бўлди. Илм файз чўққисига сайъ ва шито кўргузиб, оз фурсатда улуми ақлий ва нақлийга маҳорати тамом ҳосил қилди. Хусусан, тавориххонлиг (тарихнавислик) ва шеършунослиг ва латифагўйлик (гўзал нутқ санъати, риторика — таъкид бизники) уқувининг ҳайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонга ҳайрат бармоғун тишлатур эрди» — дейилади<sup>10</sup>.

Тазкираларда аксарият ҳолларда олийман-

саб зотларга, жумладан, хон (Феруз), қози (Муҳаммаджон) ва вазир (Паҳлавонниёз мирзабоши)ларга «мусиқашунос» нисбати берилади. Умуман олганда, шеърят ва мусиқийда шунослик — билимдонлик жиҳатларини пешвоз этилиши мазкур санъатларнинг равнақ топишида илмий асослар устувор аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашга қаратилганлигини назарга олиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, мусиқийнинг илмий ва амалий асосларини чуқур ўзлаштирган «хусусий мутахассис мусиқашунослар»<sup>11</sup> назарда тутилади.

Оллоқулихон шоирликка даъво қилмаган бўлса ҳам, шеърят илмига жуда ҳавасли бўлган. Унинг шеършуносликка илтифоти Огаҳий сўзларидан яққол сезилиб турибди. Феруз ҳам созандаликни касб этмаган. Лекин, соз илмига ўта ишқибоз бўлган. Мўътабар урф-одатлар йўлида куйлар ижод этиб, Хоразм мақомларига киритишга журъат қилган. Бу асарлар ҳанузгача мумтоз мақомларнинг таркибий қисмлари сифатида сақланиб келмоқда. Биргина мана шу далилнинг ўзи Ферузнинг катта мусиқийшунослик ва бастакорлик салоҳиятидан дарак беради.

**Хоразм мусиқасининг умумий манзараси.** Мазкур даврда Хоразм мусиқасининг мутаориф (урф этилган) удумлари бешта асосий йўналишда — маъмулий (амалдаги) куй ва ашулалар, аёлларнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ халфалар ижоди, дoston йўллари, илоҳий мавзудаги суворий айтимлари ҳамда мумтоз мақомлар кесимида ривожланиб борди.

Маъмулий куй ва ашулалар. Эл созандалари урф этган маъмулий мусиқа оммавий- тўй-маъракалар, базм ва зиёфатларда хизмат кўрсатадиган созандалар ижодига мансуб куй ва ашула навларини назарда тутати. Улар шарт-шароитга қараб икки тоифадаги созанда кўшлари томонидан жорий этилиб келган. Биринчиси — тўй ва сайл давралари ҳамда хонаки базмларда хизмат қиладиган ашулачи, чолғучи ҳамда раққослардан иборат гуруҳлар. Иккинчиси — очик майдон ҳамда тўй юришларида фаолият кўрсатадиган сурнайчи, ногорачи ва қайроқчи раққослардан тузилган дасталар бўлган. Созанда кўшларининг ижро дастурлари мақом, дoston, суворий йўлларида тортиб маъмулий куй ва кўшиқлар, лапар ва термалар ҳамда халқ оғзаки ижодига мансуб ном-нишонсиз кичик ҳажмдаги «реза» (бўлик, бурда) чертим ва айтимларни ўз ичига олади<sup>12</sup>.

**Халфа йўллари.** Аёл созандалар — халфалар ижоди ўзига хос санъат. Уларнинг куй ва кўшиқларидаги оҳанг ва усулларда Хоразм воҳасининг қадимий ва бетакрор садолари эшитилиб туради. Халфалар ҳам созанда кўшларига ўхшаб ашулачи, чолғучи ва раққосалардан иборат гуруҳларга уюшиб элга хизмат қилган. Халфалар жўрнавозликда асосан зарбли чолғулар дойра, қайроқ, занг ва ликобчалардан фойдаланиб келганлар. XIX аср охирлари — XX аср бошларидан халфалар гармон чолғусини ишлата бошлаганлар. Аёл созандачилиги Хоразмда ўзининг ички ва ташқи хусусиятлари билан ажралиб турувчи алоҳида бир мактаб сифатида эътироф этилади.

**Достон йўллари.** Халқ достонлари маълум сюжет асосида бир бутун достон ҳамда улардан ажратиб олинган, воқеъликдан ташқаридаги терма қўшиқлар шаклидаги намуналаридан иборат. Хоразм достончилиги икки асосий йўлда ривожланиб келмоқда. Ўз шеvasида улар «ширвоний» ва «илғорий» услубдаги бахшилар дейилади. «Илғорий» бахшилар «жиров»лар деб ҳам юритилади. Ширвоний бахшилар ўз достон ва термаларини дутор, буламон (ёки гижжак) ҳамда дойра жўрлигида айтишга одатланганлар. Жировларда якка қўбиз жўрлигида ижро этиш расм қилинган.

Бахши йўлларининг бошқа навлардан фарқланувчи барқарор куй ва усуллар тизими мавжуд. Уларнинг барчаси ҳам мақом куйларига ўшаб махсус мусиқий номлар билан юритилмасада, оҳанг хусусиятлари билан ўзга навларниқидан ажралиб туради. Достончилик Хоразм мусиқа меросида алоҳида бир оқим. Бу воҳанинг бахши йўллари ўзининг ёрқин шеvasи ва ижро услублари билан ўзбек достончилигининг бошқа мактабларидан ҳам айнан шу мусиқий йўналиши билан ажралиб туради<sup>13</sup>.

**Суворийлар.** «Суворийлар» номи билан юритиладиган илоҳий айтимлар Хоразм соз санъатининг яна бир қадимий ва мўътабар нави. Суворийхон ҳофизлар «гўянда» ҳам дейилган. Ўтмишда улар якка дутор ёки дутор ва дойра жўрлигида руҳонийларнинг хос давраларида хониш қилиб келганлар. Суворийхонлар дастурида мумтоз шоирларнинг наът, дуруд, муножот ва ҳамдлари кенг ўрин олган. Кекса

устозларнинг ҳикоя қилишига кўра илоҳий айтимлар қаторида «Бобо Равшан», «Саъди Ваққос» каби диний достонлар ва «Кийикнома», «Жухуд ўғлон»дек йирик назмий ҳикоятлар ҳам куйга солиб айтилган.

Суворий йўллари одатда барқарор туркумлар сифатида жорий этилган. Туркумларнинг асосий таянч қисмлари «Сувора» («Она сувора», «Катта сувора», «Тожиқ сувора» ҳам дейилган), «Чапандози сувора», «Кажҳанг сувора», «Як парда сувора», «Хуш парда сувора» каби махсус номлар билан белгиланган. Бошқа тармоқ бўлаклари «савти сувора», «мустаҳзоди сувора» ва «уфори сувора» деб юритилган<sup>14</sup>.

Суворийларнинг асосий қисмларида 20-30, баъзан эса ундан ҳам ортиқ бандлик мухаммаслар ўқилган. Илоҳий айтимларнинг хусусиятли томонларидан бири шундаки, уларнинг барча асосий ва тармоқ қисмлари баланд авж пардаларида янграйди. Шунинг учун гўяндачилик том маънодаги овоз санъатининг юксак кўринишларидан бири.

Илоҳий мавзудаги суворийлар адабий-мусиқий мафкураининг ўзига хос тури. Гўяндачилик тарбия қилинган, ёқимли ва бақувват овоз ҳамда тегишли билим ва малакаларни тақозо қилади. Ўтмишда суворий ашулалари муқаддас жойларни зиёратига тўпланган ислом аҳлининг сайл ва томошалари, шунингдек, маънавий эҳтиёжларга ташна мухлисларнинг хос давраларида жорий этиб келинган. Хива қалъасининг ичидан ўтган Полвонёб ариқининг бўйидаги Қаландархона суворийхонликнинг энг гавжум маконларидан бири бўлган.

Хиванинг машҳур Саййид Моҳи рўйи жаҳон қадамгоҳидаги қаландархоналаридан бири ҳақида ўз замонасининг эътиборли шоири Абдураззоқ Фақирий (ваф. 1924) 1903 йилда ёзган мухаммасидан қуйидаги бандни келтирамыз:

Қишда ҳам хуш, бас, топар шухрат, хусусан, бўлса ёз,  
Жамъ бўлиб гўянда аҳли бир-биридин хушовоз,  
Гоҳ бўлур талқингўйлик, гоҳ тўлур ҳар турли соз,  
Ҳар суфада дилраболар ўйнар, айлаб жилваноз,  
Бил на армон кимки топса жой қаландархонада<sup>15</sup>.

Феруз замонида Хивада Полвонназир тузчи деган (халқ орасида «Полли дузчи» номи билан машҳур) атоқли гўянда ўтган. Кекса санъаткорларнинг ҳикоя қилишича, у илоҳий мавзудаги юзлаган шеърларни, жумладан, Машраб девонини куллиёттий, яъни тўла-тўкис ёд билган. Ривоятларга кўра, Полли дузчи тинимсиз бир неча кун хониш қилса ҳам бир шеърни икки марта такрорламаганмиш. Эшитувчиларни ажиб «важд» (экстаз) аҳволига солиб, илоҳий туйғуларга чулғаб ташлар экан. Гўянданинг мухлислари айнан шундай ошуфта ҳолликдан маст бўлишни орзиқиб кутишни одат этган эканлар.

Маълумки, қадимда илоҳий айтимлар асосан ибодатхоналарда жорий этилган. Қатъий парда, усул ва ижрочилик қонун-қоидаларига риоя этиладиган ибодатхона айтимлари эса мумтоз мусиқа меросининг энг қадимий қатламларига мансуб нав. Айтишларича, диний-фалсафий оқим

ишқиллари томонидан яратилган «Ихвону-с-сафо» тўпламидаги мусиқий рисолаларда, кейинчалик «парда», «мақом» номлари остида юргизилган олий нав куй ва ишулаларнинг ўқ илдизлари ана шу ибодатхона айтимларидан бошланиши ҳам эътироф этилади<sup>16</sup>.

Овоз санъатининг нодир намуналаридан бўлган илоҳий айтимлар кўҳна мусиқий қитламлардан бизгача етиб келган муқаддас меросдир. Санъаткорлар орасида «Ашулачиликнинг отаси ҳам, онаси ҳам овоз» - деган нақл мавжуд. Хоразм суворийлари ана шу ҳикматнинг ўзига хос ҳаётий исботи. Бу воҳада олдин ҳам, кейин ҳам катта овоз билан айтиладиган ишулачиларгина ҳурмат-эътибор қозониб келган. Унда суворийларни меъёрига етказиб айтаолмайдиган ҳофиз ҳозир ҳам етук санъаткор деб қабул қилинмайди<sup>17</sup>.

**Мақом йўллари.** Мақом мусиқий тафаккурнинг олий кўриниши. У — мусиқа, рақс ва шеърият уйғунлигидан ҳосил бўладиган муштарак санъат. Шу билан бирга мақом бутун бошли ҳамда таг-тублик мусиқий тизим. Мақом тоифасидаги асарнинг ҳар бири парда ва усул (вазн) тарафидан қатъий белгиланган таснифотларни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бир бутун мақом парда тизими байроғи остида (Рост, Наво, Бузрук, Ироқ ва ҳ.к.) ва уларнинг таркибий қисмлари эса муайян парда ва усул номлари билан қўшилиб юритилади. Масалан, Мухаммаси Рост, Сақили Наво, Сараҳбори Бузрук, Талқини Ироқ каби қўшалок отларнинг бири парда,

иккинчиси усул жиҳатларини англатади. Ном-нишонсиз мақом ёки унинг тармоғининг ўзи йўқ. Мақом таснифотининг катта-кичик унсури бошдан охир белгилаб чиқилган. «Бутун бошли» дейилишининг сабаби ҳам шу. «Таг-тублик» демақдан мақсад, мақом тафаккурининг икки асосий тамойили ҳам — парда ва усул — назарий жиҳатдан пухта ишланган тизимларни ташкил қилади. Одатда парда тизимининг бир бутуни (мақом) ва унинг тармоқларидан тортиб — энг кичик унсури нағмагача риёзий услубларда сарҳисоб этилган бўлади. Мақом санъатида ушбу мувозанат, мутаносибликнинг бузилиши — гализликка баробардир. Мақомларнинг усул тизими негизидаги вазн ийқоъларининг мувофиқлиги ҳам худди шундай нисбатларга асосланади.

Арузда ёзилган шеърият мумтоз деб эътироф этилади. Парда ва вазн қонуниятларининг уйғунлигидан юзага келадиган мақом санъатини эса, янада имтиёзлироқ дейишимизга далил мавжуд. Хуллас, мақом нафақат нафис ҳис-туйғу, малака ва тажриба, балки ақл-идрок йўли билан ҳам тартиб этилган ўта хос санъатдир.

Хоразм элида барқарор удумлар сифатида шаклланган мусиқий навларнинг умумий ва қисқа тафсилотини келтирар эканмиз, муҳим бир масалани алоҳида уқтириб ўтиш зарур. Гап шундаки, созандачилик ва халфачилик ёки дoston, суворий, мақом йўллариининг ўзига хос хусусиятлари, улар орасидаги ўтиб бўлмайдиган чегара тўсиғини англатмайди. Аксинча, мусиқанинг турли

навлари асрлар давомида бир-бирига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Суворийлар мақом йўлларига, мақомлар дostonчиликка, дoston йўллари маъмулий куй ва ашулаларга, улар халфалар ижодига кўплаб ришталар билан уланиб кетган. Қолаверса, куй ёки қўшиқнинг мавқеъи унинг катта-кичиклиги, оддий-мураккаблиги билан ўлчанмайди. Аксинча, Хоразм соз санъати дейдиган гулшанда ҳар бир гул ва чечакнинг ўзига хос таровати ҳамда нафосати бор. Турли ижтимоий гуруҳ вакиллари ўз маънавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу навга мойиллик пайдо қилаверади. Шу нуқтаи назардан илм ва маърифат муҳитида тарбият топган аслзода ҳамда зиёлиларнинг мақом санъатига талпиниши табиий ҳолдир.

**Ниязжон Хўжа.** Адабиёт ва мусиқа гуллаб яшнаган замонларда, одатда, бу санъатларнинг илмий асосларига алоҳида эътибор берилган. Маълумки, Темурийлар даврида бадият илмининг назарий асосларига оид рисолаларга катта эҳтиёж бўлган. Хусусан, Алишер Навоий ҳомийлигида Атоуллоҳ Хусайнийнинг шеърият илмига оид «Бадоеъ ус-саноеъ» ва Абдурахмон Жомий, Зайнулобиддин Хусайний, Камолиддин Биноийларнинг мусиқа илмига доир қатор рисолалари яратилган. Хуллас, эгизак санъаткорларнинг муштарак жиҳатларини идроклаш етуклик ишонаси сифатида эътироф этилган. Хоразм заминида Мунис ва Оғаҳий каби аллома шоирларни

етишганлиги ана шундай илмий асосларга таянган бадий салохият самарасидир.

Мазкур давр Хоразм мусиқий санъатида Ниёзжон хўжа тимсоли пешвоз чиқади. «Саййид» ва «хўжа» нисбалари бу зотни олий табақага мансублигидан далолат беради. Ушбу пайтларга оид солномаларида Саййид Ниёзжон Бухорода элчи вазифасини бажарганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди<sup>18</sup>. Ёзма манбалардаги Саййид Ниёзжон озаки тарзда Ниёзжон хўжага айланиб кетганлигини ҳали қўшимча далиллар билан исботлаш лозим бўлади<sup>19</sup>.

Ниёзжон Хўжанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир далилли маълумотлар оз бўлса ҳам, унинг номи аҳли санъат хотирасида мусиқашунослар салафи сифатида мустаҳкам ўрнашган. Хоразмда расм қилинган Рост мақомининг таркибида «Сақили Ниёзжон хўжа» деган улғувор куй мавжуд. Бу асар Ниёзжон хўжанинг бастакорлик ижодидан қолган нишона. Бошқа бир ҳужжат — Муҳаммад Раҳимхон (1805-1825) даврининг нуфузли шоири Роқим Хоразмий томонидан Саййид Ниёзжон номига Бухорога йўлланган маснавий мактубидир:

Салом, эй биродар, вайси жонимиз,  
Демай жон, гирди жонга дармонимиз.  
Салом, эй жигаргўшаи аржуманд,  
Ҳақ этгай халойиқ аро сарбаланд.  
Салом, эй ўлук жисмимга жон киби,  
Эмас жон эрур оби ҳайвон киби.  
Неча вақт эдинг бу ўлук танга ёр,  
Қолиб эмди танҳо ман хокисор.  
Не кундузда бор сабру тоқат манга,

Не бор кечалар хоби роҳат манга.  
Юборган уйга жонфизо номингиз,  
Ки ҳар номада турлук ҳангомингиз.  
Етишгач бу мискин бечорага,  
Фироқ ичра қолгон бу авворага.  
Саводидин эмди кўзимизга нур,  
Баёзидин ўлди кўнгулға сурур.  
Агар келмаса номангиз ногаҳон,  
Фироқ ичра ўлгай эрдим бегумон.  
Бухорода ёлғуз бизни ташлабон,  
Кетар элга Хивақ йўлин бошлабон.  
Бу ён келганимга мани нотавон,  
Чекиб чарх авжига ўтлуғ фиғон.  
Бўлиб қолганимга пушаймон баса,  
Оқиб кўздин ашк ўрнига қон баса.  
Тута олмайин мунда сансиз қарор,  
Борурни яна айладим ихтиёр.  
Омон сақласа Холиқи инсу жон,  
Бухорога чиқса яна карвон.  
Бўлуб ул жамоат била ҳамсафар,  
Қошинга ман зор етсам агар.  
Жанобингдин ўлгунча айрилмайин,  
Роқими ҳамдамнинг ўзга иш қилмайин<sup>20</sup>.

Хоразм мақомларини янги авлод намояндаларига топширган сўнгги мумтоз мактаб вакили Матпано ота Худойберганов умрининг охирида мазкур санъат тарихига оид нақлларни тўплаб, ёзган кичик рисолада<sup>21</sup> бу мўътабар санъатнинг ўқ илдизларини Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёра»сидаги Дилором Чангий воқеасига боғлаб баён этганлиги диққатга сазовордир. Навоий достонида Дилоромга мусиқий сабоқ берган устоз Улуғ Хожа Хоразм санъаткорларининг пешвози сифатида таърифланади. Ана шу қадимий афсонани Матпано ота Хоразмнинг яқин тарихида ўтган мўътабар устоз Ниёзжон хўжага

боғлаб ҳаётий тус беради. Қизиқарли томони шундаки, афсонавий ва ҳаётий устозларнинг номлари бир хил эканлигидан жуда унумли ва бадий маҳорат билан қўлланилган. Хива яқинидаги Гандимиён (Гандумкон) мавзесининг Қорақумга уланиб кетадиган жойида Саёт (Сайёд) қишлоғи мавжуд. Бу баҳаво истироҳат маконида халқ тилида «Хўжа боғи» номи билан машҳур соз масканининг таровати ҳанузгача тилларда дoston.

XX-асрнинг машҳур халфа шоираси Онабиби қорий қўшиқларидан бирида «Хўжанинг боғига борганим-борган» мисраси нақорат қилиб олинган. Кекса устозлар ҳозир ҳам Хўжа боғини муқаддас соз даргоҳи сифатида эъзозлайдилар. Манбаларда бу боғнинг барпо этилиши Хоразм мақомларининг пири устози Ниёзжон хўжа (Саййид Ниёзжон) номи билан боғлиқ эканлигига ишора қилинади.

Ниёзжон хўжа мусиқа тарихида икки иши билан чуқур из қолдирган. Биринчиси, Бухорода шашмақом илмини, яъни бу муҳташам санъатнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиб, Хоразмда жорий этган<sup>22</sup>. Иккинчиси, Хоразм мақомларининг янги нави Танбур мақомлари — Олти ярим мақом мажмуасининг асосчиси. Бу ҳақда «Хоразм мусиқа тарихчаси»да шундай ёзилади: — «Муҳаммад Раҳимхон I (1805-1825) замонида машҳур мусиқашунос Хивали Ниёзжон Хўжа деган Бухоро ўлкасина бориб бурундан маълум бўлган шашмақом нағмаларини танбур билан ўрганиб Хивага қайтгандур. Бу одамни Хивага галгани бирла создаги иқтидор ва маҳорати Хоразм

музиқийшуносларини назари ва диққатларини жалб қилгандур.

Шул Ниёзжон хўжадан Маҳсумжон қози, Усто Муҳаммаджон сандиқчи деганлар шашмақом деган нағмаларни тавмом ўрганадурлар. Мазкурлар ўрганган нағмаларни ҳаваскор шогирдларина таълим қилмоққа бошлаб, ҳийлигина танбурчи шогирдлар етуштирдилар. Оларнинг етуштирган шогирдларининг ҳар бирини тафсилоти била ёзмоқни анчали ўхшар кўрмаганимиз учун ёлғизгина энг аҳамиятлиларидан баъзиларини айтмоқ билан кифояланамиз. Ниёзжон хўжанинг шогирди Муҳаммаджон сандиқчидан Абдусаттор маҳрам Хўжаш маҳрам ўғли таълим оладур. Бу одам халқ ва ҳукумат ичида соҳиб нуфуз, одиққан бир киши бўлғони бирла шашмақом нағмаси етган сайин ривожланмоққа бошлагандур»<sup>23</sup>.

**Шашмақом ва Олти ярим мақом зуҳури.** XVI асрнинг бошида Темурийлар салтанати учун парчаланиб Ўрта Осиёда Шайбонийлар, Эронда Сафавийлар, Ҳиндистонда Бобурийлар давлати юзага келди. Ушбу жараёнда Шайбонийлар давлатининг пойтахти Бухоро Темурийлар империясининг марказлари бўлган Самарқанд ва Ҳирот маданиятининг бевосита меросхўри бўлиб майдонга чиқди. Ҳиротдан Бухорога келган уламолар орасида машҳур музиқийшунослар ҳам бор эди. Ана шулардан бири ўз даврининг беназир созанда ва музиқий олими Нажмиддин Кавкабийдир (в. 1531 й.).

Айни чоғда у бутун минтақада мақом тафаккурида бурилиш ясашга муяссар бўлган улуғ санъаткор.

Темурийлар даврида мумтоз музиқанинг шоҳ нави бўлмиш мақомлар «очиқ тизим» тарзида жорий этиб келинган эди. Яъни, мақом ибораси, энг аввало, ана шу музиқий асарнинг куй, оҳанг негизини ташкил этувчи парда (лад) тузилмасини англатган. Улар 12 мақом, 6 овоз ва 24 шўъбадан иборат умумий мақомот парда тизимини ташкил қилган. Мақомот таркибидаги ҳар бир доира (яъни, парда бирлиги – лад) махсус рамзий-мажозий номлар билан юритилган. У вақтда ҳали мақом деганда ҳозирги маънодаги муайян музиқа нави ёки асари тушунилмаган. Аксинча у ёки бу мақом номи тилга олинганда, хилма-хил куй шакллари – таснифотлар яратилиши учун лозим бўлган парда асоси (лад тузилмаси) назарда тутилган<sup>24</sup>.

«Очиқ тизим» дейилишининг маъноси шуки, мақом асарининг фақат парда асосига ишора этиб, унинг усул вазни ва таснифот кўриниши (шакли) белгиланмайди. У пайтда усул ва таснифотлар ҳам парда (лад) бирликларига ўхшаб алоҳида номлар билан юритилган. Бухоро музиқийшунослари Нажмиддин Кавкабий ва Дарвеш Алиларнинг рисоаларида мумтоз музиқада расм этилган 17 та усул ҳамда «кор», «амал», «пешрав», «нақш», «савт», «тарона» каби яхлит ва «навба», «мийатайн», «куллиёт» дейиладиган кўп қисмлик таснифотлар қайд этилади. Ана шу парда ва усул асослари ҳамда шакл тамойилларини уйғунлаштириш

йўли билан мусаннифлар (куй яратувчилар, ҳозирги ибора билан бастакорлар) хилма-хил музиқий асарлар ижод этганлар.

Мақом тафаккурида Кавкабий бунёд этган бурилишнинг моҳияти шундан иборатки, у кўп қисмлик таснифотларнинг янги бир навини жорий этди: амалдаги барча парда тузилмалари (12 мақом, 6 овоз, 24 шўъба) ҳамда усул доираларини жамлаб муҳташам таснифот тузди ва унга «куллиёт» деб ном берди. Бу тўғрида Кавкабийнинг ўзи, унга пайравлик қилган Дарвеш Али ва бошқа манба муаллифлари маълумот берадилар.

Кавкабийнинг ёзишича, «Куллиёт» шундай таснифотки, у 12 мақом, 24 шўъба ва 6 овозни ўз ичига олувчи жами адвори нағам (нағмалар) ва барча адвори зурублар (зарблар)дан иборат. «Сўнгра, – деб таъкидлайди у, – мен замонамизнинг энг пешқадам устозлари хизматида бўлган чоғимда, ушбу тузулмани (яъни «Куллиёт»ни – таъкид бизники) улуғлар диққатига ҳавола қилдим. Улар писанд этдилар. Таҳсинлар айтдилар. Дедиларким, сен кўрсатган нарсаларни бошқалардан эшитмадик, ушбу сенинг ихтироингдир».

Умумий маъно ва мантиқга кўра, Кавкабий ижод этган «куллиёт» кейинчалик устоз созандалар орасида «Шашмақом» номи билан юритила бошлаганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда музиқий баёзлар таърифида ва жонли анъана тарзида бизгача етиб келган Бухоро Шашмақоми умумий тузилишига кўра Кавкабий Куллиётига ўхшаш бутун мажмуани ташкил қилади.

Кавкабий куллиёти ва Шашмақом ўртасидаги ворисийлик ришталарини ўрганиш мустақил илмий муаммо. Бизнинг мавзу нуқтаи назаридан, Шашмақомни амалда барқарор шаклга келган таснифот, яъни «ёпиқ тизим» сифатида эътироф этилиши муҳимдир. Дарҳақиқат, XIX-XX аср манбаларида Шашмақом, тартиб ва низомлари қатъий белгиланган мусиқий мажмуа нави сифатида намоён бўлади<sup>25</sup>. Шашмақомнинг умумий тузилиши, парда ва усул асослари ҳозирги кунгача деярлик ўзгармасдан барқарор сақланиб келмоқда. Бутун мажмуани, бошдан охир аниқ белгиланган «ёпиқ тизим» дейилишининг боиси ҳам шу.

Ниёзжон хўжа кавшиши билан Бухородан Хоразмга кўчирилган «ёпиқ тизимдаги» Шашмақомнинг умумий тарҳи бир хил. Шунга эътиборан жараённинг дастлабки босқичларида шаклланган яхлит мусиқий мажмуа авваллари Хоразмда ҳам Шашмақом номи билан юритилган. Ўнлаган куй ва ашулаларни ўз ичига олувчи бутун бошли улкан мусиқий иншоотни бир манзилдан иккинчисига кўчириш мураккаб ижодий жараён, албатта. Бунинг учун, энг аввало, заковатли мусиқийшунослар мазкур мажмуанинг умумий қонун-қоидалари, куй ва ашулаларнинг парда ва усул асослари, шунингдек, таркиб топиш тамойилларини идроклаб, онгли равишда ўзлаштириб олмоғи зарур. Ана шундагина улар қарамоғидаги созандалар билим ва маҳоратларини ишга солиб, бадийий гўзалликлар билан суғорилган жонли

ижролар яратиши мумкин. Шунинг учун бир хил парда ва усулдан иборат ҳамда айни номлар билан юритиладиган куй йўллари Бухоро ва Хоразмда ўзгача янграйди.

Муҳташам мусиқий жараённи ўз-ўзидан табиий, яъни тадрижий ривожланиб бориши учун мустаҳкам пойдевор, яъни қонун-қоида ва низомлар уйғунлашган барқарор мактаб зарур. Шашмақом мактаби деганда, мазкур мусиқий мажмуанинг юқорида айтиб ўтилган илмий ва амалий асосларини изчил ўзлаштиришга қаратилган, анъанавий устоз-шогирд таълими назарда тутилади. Жонли мусиқий жараён – ворисийлик ришталари билан обод. Шашмақомнинг тўла таълимини шогирд устоздан амалий ижро этиб ўрганади. Ниёзжон хўжадан бошланган Шашмақомнинг мўътабар урф одатлари Паҳлавонниёз мирзабоши даврига келиб «Хоразм олти ярим мақом» шаклида камол топди.

**Паҳлавонниёз мирзабоши Комил Хоразмий (1825-1899).** Паҳлавонниёз мирзабоши тимсоли XIX аср Хоразм мусиқа тарихида Ниёзжон хўжадан кейинги иккинчи буюк шахс бўлиб гавдаланади. Паҳлавон мирзабоши «Комил» тахаллусида шеърлар ёзган. Шунга эътиборан адабиёт аҳли орасида у кўпроқ Комил Хоразмий номи билан юритилган.

Давр тақозосига кўра Комил Хоразмий янги авлодга кўпроқ шоир сифатида танилиб келди. Унинг мусиқа борасидаги хизматлари ҳам кўп тилга олинса-да, алломанинг бу соҳадаги жаҳоншумул ишлари ҳали етарли даражада илмий тадқиқ этилган эмас.

Ваҳоланки, замондошлари Паҳлавонниёз мирзабошини, энг аввало, мусиқийшунос тарзида эъзозлаганлар. Комил Хоразмийнинг кичик замондоши Ҳасанмурод Лаффасий ўзининг «Тазкираи шуаро»сида унга бағишланган маснавийсини шундай мисралар билан бошлайди:

Комилийким мусиқийшунос,  
Жаҳонда йўқ монанду қиёс.  
Ки абётидин эрур хуш адиб,  
Ки шеърларидур ажаб бир шариф<sup>26</sup>.

Бунда «мусиқийшунос» ва «қиёс» нафақат қофия, балки чуқур маъно ва ҳаётий ҳақиқат билан тўлдирилган сўзлардир. Дарҳақиқат, Комил Хоразмийнинг соз санъатидаги ўрни ўз кўлами ва моҳиятига кўра Хўжа Абдулқодир Мароғий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али, Ниёзжон хўжа каби мусиқа соҳасидаги улуг мавлоноларни эслатади.

Паҳлавонниёз ёшлигидан мукаммал мусиқий таълим олган ва бу фаннинг илмий ва амалий соҳаларида юксак чўққиларга эришган. У дастлабки мусиқий машғулот-ларни ўз тоғаси Абдусаттор маҳрам ва унинг шогирди Худойберган этикчидан ўргана бошлаган. Маълумки, эски устоз-шогирд удумларига кўра, мусиқий машғулотлар дойра чалиб ашула айтишни ўрганишдан бошланган. Куйнинг усул асосларини ҳис эта билишлик мусиқий иқтидор гарови деб билинган. Овоз эса, инсон вужудидаги табиий гўзал ва мусиқий муомала учун ўнғай «асбоб» ҳисобланган. Шогирдлар аввало сўз матнларини ёдлаб, улар ёрдамида куй йўллари қалбга жойлашга ҳаракат

қилинганлар. Ана шу аснода машқлар қилиниб, овоз пайлари чиниқтирилган, равон нафас олинн йўл-йўриқлари ўзлаштирилган. Агар шоғирднинг табиий овозида мақом шуулаларига мойиллик ва салоҳият сезилса, устозлар унга ҳофизлик йўлидан тарбият беришни давом эттирганлар. Бордию, овоз имкониятлари ўрта-миёна даражада бўлса, саводи таълимни чолғу ижрочилигига қўйганлар.

Устоз-шоғирд таълимидан мақсад мусиқийнинг парда ва усул асосларини бевосита «жонли китоб» — устоз бисотидан ўрганиб, мумтоз мақом куй йўлларини дилга жойлашдан иборат. Чолғу созлар, жумладан, энг мукамал асбоб — инсон овози эса, қалбга жо қилинган куй судурини (сийғасини) ботиндан зоҳирга чиқариш омили<sup>27</sup>. Бошқача айтганда, куй тоясини ижро этиш воситаси.

Паҳлавонниёз ҳофизлик таълимини олган ва хушовоз хонанда сифатида элда эътибор қозонган. Юқорида айтганимиздек, закий санъаткор ҳақида сўз борганда, унинг бу фазилати писанд қилинмасдан, замонасозлар томонидан деярлик тилга олинмай келинади. Ваҳоланки, ҳофизлик мумтоз мақом санъатининг энг маъмулий ва устувор тарафи. Хонандалик билан баробар Паҳлавонниёз танбур, гижжак, чанг созларида ҳам маҳорат соҳиби сифатида донг таратган.

Мусиқийнинг амалий жиҳати ижрочиликнинг олий кўриниши — ижодкорлик даражаси билан белгиланади. Наслдан-наслга ўтиб узлуксиз давом этадиган, жонли мусиқий удумларда «ижро»

билан «ижод» ўртасидаги чегарани топиш амри маҳол. Ижро маҳорати етуклик мезонига етганда, у ижод палласига уланиб кетади. Шунинг учун мақом санъатида ўзидан қўшмайдиган ижрочи кам эътиборли бўлади. Ижрога илтифотсиз бўлиб, ижодкорликка (бастакорликка) даъво қиладиган ҳолатлар эса деярлик учрамайди.

Мусиқий ихтисоснинг энг олий босқичи — ижро этаётган куй ва ашулаларнинг маъно-моҳиятини идроклаш, уларни қаъридаги тартиб ва низомлардан огоҳ бўлишдир. Амалдаги мусиқий навларга онгли равишда ёндашиш эса мусиқийшунослик деб эътироф этилади.

Мақомларнинг яна бир туб хусусияти мумтоз шеърият билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир эътиборли ҳофиз ва созанда шеъриятдан хабардор бўлишлиги тақозо қилинади. Айрим ҳофизлар шеършунос даражасига етиб, ўзлари ғазал ва мухаммаслар ижод қилган пайтлари ҳам кам эмас. Лекин, Комил Хоразмий каби мусиқий ва шеърият илмларини баробарига мукамал эгаллаган ижодкорлар санокли. Замондошлари унинг шоирлик салоҳиятига ҳам жуда юқори баҳо берадилар. Жумладан, Комил Хоразмийнинг ихлосманди замондош шоирлардан бири Рожийнинг шундай байти мавжуд.

Сўз камолидин Рожий огоҳ эрса тонг йўқим,  
Бор аниси дамсози Огаҳий била Комил<sup>28</sup>.

Хуллас, Комил Хоразмий ижодида сўз ва соз санъатларининг уйғунлиги уни ҳақиқатдан ҳам беқиёс мусиқийшунос дейишга асос


беради. Ана шундай етук мусиқий алломаларгина соз ва сўз муштарақлигида тараққиёт топадиган мақомларни янги уфқларга чорлашга қодир эди.

Комил Хоразмийнинг элда катта обрў қозониб давлат раҳбарининг назарига тушиши, унинг нуфузини янада оширди ва мақом алломаси даражасига кўтарди. Шу тариқа Паҳлавонниёзнинг серқирра истеъдоди камол топиб, у етук мусиқийшунос ва забардаст шоир сифатида шуҳрат қозонди. Замонасининг мақом илмига ҳавас қўйган аслзода ва зиёлилари ундан таълим олишга интилдилар. Нуфузли устоз Комил Хоразмий мактабида етишган мусиқийшунос, хонанда ва чолғучилар Хоразм мақомларининг изчил тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг кўпчилиги атоқли намояндалар бўлиб етишдилар. Паҳлавон мирзабоши асос солган мақом шажарасининг умумий тарҳини куйидагича ифодалаш мумкин.

**Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1844-1910).** XIX-аср Хоразм тарихида мусиқага ихлос қўйган хонлар кўп бўлган. Хусусан, — «1844-1853 йиллар тахтда ўтирган Муҳаммад Аминхон мусиқийга шу даражада ҳавасли бўлиб, юқорида отлари ёзилган мусиқашунослардан мураккаб мажлислар ясатур эди. Бунинг замонида Абдусаттор маҳрамдан Усто Худойберган этикчи, Усто Худойберган этикчидан Паҳлавонниёз мирзабоши Абдулло Муфти ўғли мутахаллис бил - Комиллар Шашмақом нағмаларини бутунилан таълим оладурлар»<sup>29</sup>.



ПАХЛАВОННИЁЗ МИРЗАБОШИ (1825-1899)



Хива яқинидаги Гулланбоғ (Гулбинбоғ) қишлоғида соз базмлари учун ҳозирланган бино – халқ тилида «Хон кўшки» дейиладиган муҳташам кошона қолдиқлари ҳанузгача сақланган. Гўзал соз иншооти Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих»ида шундай таърифланади: – «Мухаммад Аминхоннинг базми махсуси учун ғоят тақаллуф била бино қилғайлар. Анинг иморатиға лойиқ мавзуй фикр ва ҳаёл қилиб, ўзининг мулки махсуси ва хутгаи тасарруфидаги боғи дилкушосини... тайин этди»<sup>30</sup>.

Мухаммад Аминхоннинг ўғли Абдуллахон ва невараси Қутлимуродлар ҳам мусиқий машғулотларга катта эътибор берганлар. Абдуллахоннинг ўзи ғижжак ва танбур чертмоққа ошно бўлган.

«...Саййид Мухаммад 1855 йили Қутлимуродхон ўрнига хонликка гечиб томон тўққиз йил муддат хонлик қилади. Муниг замонида Хоразм ўлкаси бироз тикланмоққа бошлайдур. Муниг натижасида халқ ва хонда мусиқийга яқинлашмоққа бошлаганликлари кўринадур. Бу хонни ўзи ҳам дугор, ғижжак созларини чертмакка ошно эрди. Тез-тез

юқоридаги мусиқийшунослардан базм мажлислари кўрдирар эрди»<sup>31</sup>.

Саййид Мухаммаднинг ҳам Хива яқинида кўнгил очар боғлари бўлиб, у ерларда нуфузли соз базмлари ташкил этилган. «Тарихи хижрий 1273/1856-57 йилларда ҳазратнинг... ўзининг икки ердаги мулки мавруси ва мазрааи махсусидаким, бири Хива шаҳрининг жанубий томонида Ангариқ мавзёида ва бири шарқий тарафида Гандумкун қариясида воқеъдур» - дейилади Огаҳийнинг «Гулшани давлат»ида<sup>32</sup>. Ана шу боғлар Саидмухаммадхоннинг шоҳона айш ва нишот базмини тузиб, мулкона тараб ва истироҳат оладиган масканлари бўлган<sup>33</sup>.

Саййид Мухаммаднинг ўғли Мухаммад Раҳимхон II адабий таҳаллуси Феруз нафақат Хоразм, балки барча ўзбек хонлари орасида, ўзининг изчил мусиқий фаолияти билан алоҳида ўрин тутди. Унинг созпарварлик ишлари «Хоразм мусиқий тарихчаси»да қуйидагича баҳоланади:

– «1864 (1281 хижрий) йили Саййид Мухаммадхон ўрнига галган Мухаммад Раҳимхон соний мусиқий илмина чўн даражада ҳавасли бўлиб, мусиқий ишлари муниг замонасида бутун-бутунича бошқа бир ҳол касб этадур. Бурундан халқ орасида озроқ истанилган мусиқий ишлар ортиқмоч бир суратда тарқаладур ва миллий нағмаларни вужудга чиқмоқина имконият яратадур. Хусусий мутахассис мусиқий-шунослар дураб (яралиб) шашмақом нағмаларининг мушкilot, тасниф қисмлари айрича аҳамият касб этиб, мушкilot била тасниф қисмларина таълуқли шашмақом нағмалари бурунги ҳолидан ҳийлича ўзгариб, неча қўшимчалар қўшилиб, ямаладур»<sup>34</sup>.

Адабиёт соҳасида Ферузнинг пиру устози улуғ Огаҳий бўлди. Саз илмида унга замонасининг биринчи мусиқашуноси ва мақомдони Комил Хоразмий раҳномолик қилди. Комил Хоразмийнинг мусиқий салоҳияти Мухаммад Раҳимга катта таъсир кўрсатди. У хон мартабасида бўлишига қарамасдан мусиқийнинг илмий ва амалий асосларини пухта ўзлаштиришга журъат этди. Натижада унинг асосларини чуқур тушунадиган мусиқийшунос, мумтоз мақом услубига мос куйлар ишлашга қодир бастакор, мақом йўлларини меъёрига етказиб ижро эта оладиган санъаткор бўлиб етишди. Ферузнинг бевосита мусиқий муаллими Комил Хоразмийнинг ўғли Мухаммад Расул Мирзо бўлганлиги манбаларда қайд этилади.

Зикр этилганидек, Хоразмнинг яқин тарихида мусиқийга кўнгил қўйган хонлар кўп бўлган. Уларнинг ҳаваси қанчалик баланд бўлмасин, хонлик завқу шавқ даражасидан ташқарига чиқмаган. Ферузнинг созиштилишлари эса кўнгил орзусидан анча устун турувчи ва эзгу мақсадларга қаратилган бодний эҳтиёж эканлиги назарга ташланади.

Қадимий Хоразмнинг созишхурати оламга тинилганлиги кўпчиликка маълум. Кўҳна Урганч маъмури обод пайтларда унда минг киши дутор яшаш билан кун кўрганлиги ва Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр»идаги созишпарвар диёр Хоразм ва унинг бош созишдаси «устозлар устози» бўлганлиги ҳақидаги афсоналар эл оғзидан тушмасдан авлоддан-авлодга узлуксиз ўтиб келаётганлиги ҳам Муҳаммад Раҳимхон Ферузга маълум бўлган, албатта<sup>35</sup>.

Хоразмнинг мусиқий мавқеъини тиклаш, машойихлар руҳий озуқа ва маънавий камолот манбаи деб эътироф этган созиш санъатини равнақ топтириш каби эзгу мақсадлар кўзланганлиги давлат раҳбарининг сайъ-ҳаракатларидан сезилиб туради. Феруз 18 ёшида тахтга ўтирган пайтидан бошлаб, то умрининг охиригача нуфузли созиш базмлари ташкил қилиб, мусиқийшунос, ҳофиз ва чолғучиликка шарафли касбу хунар деб қараб, нафис санъат аҳлига илтифотлар кўрсатди.

Бу эса эл орасида билим ва малакаларга эга созишдаларга бўлган талабларни янада ошириб юборди. Хон, тўра ва бошқа эътиборли зотларнинг созишда ва гуяндаси бўлиш ўзига хос маргаба ҳисобланиб, уларнинг моддий ва маънавий

рағбатланишига сабаб бўлди. Улуғ зотлар ҳомийлигида моддий таъминланишдан ташқари ихтисосли созишдаларга доимий равишда малака ошириш ҳамда тинимсиз ижодий изланишда бўлиш имкониятларини яратди.

Шоҳона созиш базмлари ўтказишга мўлжалланган махсус «Қибла Тозабоғ» кошонаси қурилди. Бу анжуманларнинг ўзига хос тартиб ва низомлари жорий этилди. Хон Ферузнинг мусиқий анжуманларидан ибрат олиб, бутун Хоразм бўйлаб созишпарварлик авж олиб кетди.

Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон замонларида тартиб этилган илмий мажлислар элга билим маърифат тарқатувчи масканлар бўлиб хизмат қилса, Феруз амал қилган созиш базмлари мусиқий дастурларнинг салоҳиятини кўтариб руҳий эҳтиёжларни қондиришга, замон аҳлининг олийжаноблик фазилатларини оширишга қаратилди.

Феруз иқтидорли созишда, хонанда ва мусиқийшуносларни ўз атрофига тўплашга интилди. Хоннинг хусусий созишдаси бўлишлик шарафли ва айни чоғда жуда масъулиятли. Ихтисосли созишда доим тобида бўлишлиги тақозо этилади. Улар бир-биридан илҳом олишга, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилиши санъат тараққиёти учун табиий ҳол. Созишда ва мусиқийшуносларни бир ерга тўпланишидан, мумтоз мусиқа ривожланиши учун зарур бўлган ижод жараёни юзага келади.

Шундай қилиб, деярлик ярим аср давом этган муттасил созишпарварлик ҳаракати улкан самаралар берди. Комил Хоразмий ва Феруз ижодий ҳамкорлиги ва раҳнамолигида

мўътабар мусиқий меросни сақлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган жаҳоншумул ишларнинг икки жиҳатини алоҳида қайд этиш лозим:

Биринчиси — Ниёзжон хўжа жорий эта бошлаган Бухоро Шашмақоми мажмуасини Хоразм мусиқийшунос ва созишдалари томонидан ижодий ўзлаштириб, янги қиёфадаги Олти ярим мақом шаклига келтирилиши;

Иккинчиси — ана шу униб этилган Олти ярим мақомнинг мусиқий асослари, сўз матнлари ҳамда тартиб ва низомларини муҳофаза этиш мақсадида танбурга мосланган махсус нота ёзуви ихтиро қилиниб, Хоразм классик мусиқасининг илмий ва амалий асосларини китобат тарзида хатга туширилишидир. Хоразм Олти ярим мақоми тараққиёт чўққисига эриша бошлаган пайтда уларнинг тўла мажмуасини нотага ёзиб олиш ишларига раҳнамолик ва ҳомийлик қилиши Ферузни энг созишпарвар давлат раҳбарлари қаторига қўйишга асос беради.

Дарҳақиқат, Хоразм нотаси воситасида мақомларни тўла-тўқис ёзиб олиниши улкан воқеа. Мақом ўтмишида унга қиёс йўқ. Амалда урф этилган мақом мажмуасининг куй ва сўз матнларини тарихда биринчи марта замон ва макон жиҳатидан узоқ масофаларга узатиш, бўлғуси авлод созишдалари ихтиёрига ҳавола этиш амали жорий қилинди. Нота китобларига битилган мусиқий ва сўз матнлари атама ва иборалар, ушбу давр мақом ижодиёти, шунингдек, мусиқийшунослик илмидан дарак берувчи ишончли манбалардир.

<sup>1</sup> Бу қадимий нота тизими бармоқ (ар. «асобиъ» — бармоқлар, бирлиги «исбаъ» бармоқ) ёзуви дейилган.

<sup>2</sup> Нота ёзувининг бирон-бир чолғуга мосланган тури табулатура деб аталади: уд табулатураси; танбур табулатураси ва бошқалар.

<sup>3</sup> Омонуллоҳ Муталов. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент 2005. 14-б.

<sup>4</sup> Омонуллоҳ Муталов. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент 2005. 72-б.

<sup>5</sup> «Риёз уд-давладан келтирилган иқтибослар Омонуллоҳ Муталовнинг «Хива хонлиги Оллоқулихон даврида» китобидан олинган. Тошкент 2005. 73-б.

<sup>6</sup> Омонуллоҳ Муталов. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. 67-б.

<sup>7</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент 1994 й.; Қувомиддин Муниров. Хоразмда тарихнавислик. Тошкент 2002 й.

<sup>8</sup> Баёнийнинг мусиқашунослик фаолиятига пастроғда тўхталиб ўтилади.

<sup>9</sup> «Қобуснома»ни ўзбек китобхонлари ҳанузгача Оғаҳий таржимасида ўқиб келмоқда.

<sup>10</sup> Омонуллоҳ Муталов. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент 2005 й. 18-б.

<sup>11</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқа тарихчаси. Тошкент 1998, 1-б.

<sup>12</sup> «Реза» — бўлак, парча куйлар. Боши бутун мақом йўлларида муқобил тушунча сифатида гавдаланади. Ўтмиш мусиқий рисолаларида резанинг «шўъба» ва «бурда» шаклидаги маънодоши ҳам ишлатилган. Реза куйлар атамаси XX асрнинг 30-йилларигача истеъмолда бўлган. Бу ибора айниқса Фулом Зафарий (1899-1944), Абдулло Қодирий (1894 - 1938), Абдулҳамид Чўлпон (1898 - 1938) асарларида кўп учрайди.

<sup>13</sup> Матёқубов Б. Хоразм дoston ижрочилигининг зарҳат саҳифалари: Хоразм нашриёти, 1999. 12-13-бетлар.

<sup>14</sup> Иброҳимов О. Саҳиҳ суворийлар. Тошкент. 2004.

<sup>15</sup> ЎзФА ШИ Инв № 7684. 24 а- варақ.

<sup>16</sup> Музыкальная эстетика стран Востока. Москва. 1967.

<sup>17</sup> Илоҳий айтимларнинг мусиқий ва шеърый асосларига оид устоз мақомчи ва суворийдон Икромхўжа (Озод) Иброҳимов «Саҳиҳ суворийлар» китобида муфассал маълумотлар келтирилган. Озод Иброҳимов. Саҳиҳ суворийлар. Тошкент, 2004.

<sup>18</sup> Омонуллоҳ Муталов. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Т., 2005. 47-б.

<sup>19</sup> Фақат биз биламизки, Хоразмда азалдан саййидзодаларни, яъни пайғамбар авлодларини хўжалар сифатида эҳтиром қилинган.

<sup>20</sup> Бу ғазал Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида №272 тартиб рақамли қўлэмза ичида 98а-саҳифасидадир. Ғазал «Қойилаи Саййид Ниёзжон хўжа» деб аталган бўлиб, XIX аср бошларида яшаб ижод қилиб ўтган етук шоир Роқим Хоразмийга тегишли.

<sup>21</sup> Мазкур рисоланинг асл нусхаси қўлимизда бўлмаса ҳам 1975-йилда уни мусиқашунос Аҳмаджон Маликов таниқли устоз Нурмуҳаммад Болтаев оғзидан ўқиб берилганини магнит тасмасига ёзиб олган. Ушбу нусха ИИТМ да сақланади.

<sup>22</sup> XIX аср баёзларида «Шашмақоми мусиқий» дейилади. Бундан ташқари ҳар бир мумтоз мақомни фанни мусиқийга мансублигининг таъкидланиши уларнинг барқарор илмий асослари мавжудлигига ишоради.

<sup>23</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 9-б.

<sup>24</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Матёқубов О. Мақомот. Тошкент 2004 й.; Шашмақом мақомот сатҳида. // Шашмақом сабоқлари, Мақола ва маърузаларнинг биринчи тўплами. Тошкент, 2005 й., 15-26-бетлар.

<sup>25</sup> Шашмақомга оид баёз ва Хоразм нота ёзуви қўлэмалари ҳақида яна қаранг: Ражабов И. «Мақомлар масаласига доир». Тошкент, 1963-й.; Ражабов И. «Мақомлар», Тошкент, 2006 й.; Матёқубов О. «Мақомот».

Тошкент, 2004 й.; «Шашмақом сабоқлари» тўпламларидаги О.Матёқубов, А.Жумаев, Ҳ.Аминов ва бошқа муаллифларнинг ушбу мавзуга доир мақолалари. «Шашмақом сабоқлари» тўпламлари. Тошкент 2005 й.

<sup>26</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч. 1992. 19-б.

<sup>27</sup> Форобийнинг «Мусиқа ҳақидаги катта китоб»ида куйнинг икки «сийға» ва «адо» шакли ҳақида мулоҳаза юритилади: Форобий Абу Наср. Китоб ал мусиқа ал кабир. Қоҳира. 1967. 49-62-бетлар. Сийға ва адо тушунчаларини маълум даражада замонавий лингвистика фанидаги «ички шакл» ва «ташқи шакл» атамаларига қиёс қилиш мумкин.

<sup>28</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. Тошкент 1967 й. 82-б.

<sup>29</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 10 б.

<sup>30</sup> Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. Тошкент 2002 й., 114-б.

<sup>31</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 11-б.

<sup>32</sup> Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. Тошкент. 2002. 116-б.

<sup>33</sup> Ушбу асар. 116-б.

<sup>34</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 11-б.

<sup>35</sup> Кўҳна Урганч маърифатига оид афсоналар эл орасида ниҳоятда кенг тарқалган. Кўҳна Урганч ҳақидаги узоқ замонлардан келаётган ривоятлар халқ орасида «Хоразмнома» китоби шаклида маълум. Минг киши дуторга ҳаррак яшаш билан кун кўрганлиги ҳақидаги фикр «Хоразм мусиқий тарихчаси»да ҳам таъкидлаб кўрсатилган. Хоразм мусиқий тарихчаси. 11-б. Хоразмнома. Бунинг бошқача номи «Хоразм таърифи» ҳам дейилади. Хоразмлик буюк шайх Нажмиддин Кубро ҳақидаги халқ ривоятларида Хоразмга берилган таъриф-тавсифлар мажмуаси шундай аталади. Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд қирқ ривоят. Урганч, 2006. 30-бет. //Бошқа нусхада «Минг беш юз уйлук дуторга ҳаррак йўнуб, овқат (вақт) қилур эрди» - дейилади. Қаранг: ЎзРФА ШИ қўлэмза, Инв. № 1170. 151а-варақ.

### Ш БОБ. ЎЗБЕК НОТА ЁЗУВИНИНГ ТАРТИБ ВА НИЗОМЛАРИ

**Асосий тамойиллари.** Хоразм нота ёзувининг туб хусусияти унда мусиқа илмининг хожа ва мавлонолари тафаккурига хос Сафиуддин Урмавий табулатурасидан фарқли ўлароқ, оғзаки анъаналарга мойил устозлар мафкурасига қаратилганлигидадир. Унда куй ва усул доираларининг таркибини ифодалаш учун мураккаб риёзий (математик) бирикмалар, каср сонлар ишлатилмайди. Аксинча, улкан мақом куй ва ашулаларининг изми танбур пардаларига мувофиқ содда ҳамда қулай услубда кўрсатиб берилади. Шу тариқа танбур ёзуви, назарий қарашларни исботловчи мисол ёки намуна эмас, балки мақом илмининг бутун бошли куй ва ашула мажмуаларининг асослари битилган китоб — дастурул амал рисоласи вазифасини бажаради.

Танбур табулатурасида Хоразм Танбур ва Дутор мақомларининг беш асосий тамойили хатга туширилган.

1. Мақом ва унинг таркибий бўлак ва қисмлари, усул, таснифот ва таркиботининг номлари;

2. Мақом йўлларининг тўла-тўкис куй изми-нотаси;

3. Дойра усулларининг тарҳи;

4. Мақом куйларининг таркибий бўлакларининг сарҳадларини белгиловчи ишоралар;

5. Мақом йўлларига манзума этилган сўз матнлари.

**Исмланиш.** Мақом ичидаги бўлим ва қисмларнинг номлари ҳар бирининг бошланишида сарлавҳа сифатида белгиланади. Танбур ва Дутор мақомлари мажмуаларининг рамзий-мажозий номлар тизимини изчил ўрганиш, уларнинг негизидаги фалсафий ҳамда мантиқий асосларни идроклашда муҳим аҳамият касб этади.

Мақом мажмуалари ва уларнинг ичидаги ҳар бир туркум, бўлим ва қисмлар муайян низомлар асосида малакали созандалар томонидан тасниф этилган тузулмалардир. Уларга берилган рамзий-мажозий номларни тушуниш, маълум даражада мақом фалсафаси ҳамда ички мантиқига онгли равишда ёндашишга имкон беради. Масалан, Танбур мақомларини Ростдан бошланиб — Ироқда тамом бўлиши. Бузрук ва Наво дейилиши. Ёки уларга вобаста равишда Дугоҳ ва Сегоҳ тушунчаларининг устувор келиши. Асос куйларни «мақом» ҳамда «наsr» (ёрдамчи, эргашувчи) тоифаларга ажратилиши... Булар ҳаммаси узоқ тараққиёт жараёнида муқаддас урф-одатлар даражасида эътироф этилганлигини кузатиш мумкин. Дутор мақомларида ҳам мазкур мутаориф йўсинда барқарор тартибга айланган қонун-

қоидалар юзага келганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу соҳада ҳали очилмаган ёки аниқ далиллар билан исботланмаган нуқталар мавжуд. Ана шу чигал масалаларни баргараф этишда мазкур нота ёзувида келтирилган маълумотлар катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

**Куй изми.** Парда (лад) тизими мақом тафаккурининг бош тамойили. Мақом илмида бу устувор тушунча икки асосий маъно касб этади. Назарий жиҳатдан парда тизими муайян нағма жадвали ва уларнинг ички муносабатларини англатади. Амалий тарафдан парда тизими деганда ушбу нағма жадвалини ижродаги талҳинлашуви (оҳангга солиниши) ҳамда куй садолари сифатида намоён бўлиши назарда тутилади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муайян парда тизими — мақом (лад) асосида турли шаклларда хилма-хил куй измидаги асарлар ишланиши (ижод этилиши) мумкин. Масалан, танбур чизгиларида Рост мақомининг чолғу ва ашула йўлларидаги кўринишларининг номлари бир — «Рост мақоми». Уларнинг дастлабки лад бирликлари ҳам айнан ўхшаш — беш поғоналик жинс. Лекин оҳангланиши ва куй ҳаракатлари сезиларли фарқ қилади.

# مقامی راست

اصولی: گل تق

اولغی خانه

1		1
2	اصولی: گل تق	2
3	اولغی خانه	3
4		4
5		5
6		6
7		7
8		8
9		9
10		10
11		11
12		12
13		13
14		14
15		15
16		16
17		17
18		18



Handwritten musical score for 'Rost Makomining Cholg'u'. The score is written on 18 staves. It features two sections: '1-SONA' (first section) and '3-SONA' (third section). The notation includes various rhythmic values and melodic lines.

Handwritten musical score for 'Makom Rast'. The score is written on 18 staves. It features a section titled '1-SONA' (first section) and another section titled '2-SONA' (second section). The notation includes various rhythmic values and melodic lines. The title 'ماقام راست' (Makom Rast) is written in Arabic script at the top.

Рост мақомининг чолғу йўли. «Ўзбек халқ муסיқаси» 6-жилд. 1958.

يا و اجاب الوجود لك الحمد والشان ابره و دوريك يوق نوم فنا  
 مقام رابست  
 معمار صنعك بلاد ايرك جهان اومين  
 اولو خانه بارگوي  
 ايرك لاجر خانه  
 آب گل نى بغاط جردين با  
 اولو خانه  
 بارگوي  
 به قيله نيا تو گل سايغ اوله ايتنك زار انه ورتيم بود شوق صدف انا  
 بارگوي  
 ايرك لاجر خانه  
 ايرك لاجر خانه  
 بارگوي  
 ايرك لاجر خانه

Рост мақомининг ашула йўли. Консерватория нусхасидан.

Танбур ёзуви нусхаларининг афзаллиги шундаки, унда мавҳум назарий муводиллар эмас, балки амалдаги жонли ижролардаги мақомларнинг муфассал куй изми хатга туширилган. Бадий ижодда яшаб турган ушбу куй судури (сийғаси), танбур ёзуви сатҳи (контексти)да муайян парда тизими (лад), товуш жадвали каби китобий ибораларга яқин тушунча вазифасини бажаради.

Хоразм нота ёзувида мақомларнинг товуш жадвалларини ҳосил қилувчи нағмалар танбур пардаларига қараб белгиланади. Шунга кўра танбурнинг ўн саккиз бўғинига мувофиқ ўн саккизта ётиқ (уфқий, горизонталь) чизиқ чизилади ва уларнинг ости-устига нуқталар қўйилади. Чизиқларни чалкаштирмаслик мақсадида ёнбош томонида уларнинг тартиб рақамлари ёзилади. Танбур нотаси араб ёзуви каби ўнгдан чапга ўқилади. Ўқишда кўз адашмаслик учун нуқталарни бошқа пардага ўтган жойида тик (умудий, вертикаль) чизиқ билан кўрсатилади.

Чизиқнинг остидаги нуқта симга пастдан, устидаги нуқта юқоридан нохун урилишини англатади. Нуқталар қайси шаклда жойлашувидан қатъи назар, улар ийқоъ (ритм) бирликларини эмас, фақат нохун зарбларининг миқдорини билдиради. Зарбларнинг чўзилиш давомати (ийқоъси - ритми) ижрочи томонидан дойра усули андозаси ҳамда куй мантиқиға қараб таваққуф этилади<sup>1</sup>.

Танбур мақомлар парда тизимининг инъикоси деган гап бор. Ўн саккиз пардалик (шулардан ўн тўрттаси дастага боғланган

белбоғ, тўрттаси косанинг устига ўрнаштирилган чўб тўсиқ) танбур Шашмақом маҳсули. Шунинг учун уни «Бухоро танбури» ҳам дейдилар. Олдинлари бизда танбур уч торлик бўлган. Шунга кўра номи «сетор» ҳам дейилган. Эндиликда тўрт торлиги ҳам расм қилинмоқда. Қандай бўлишидан қатъи назар, куй пастги биринчи торда чалинади. Қолганлари садоланувчи (резонатор) симлар вазифасини бажаради. Уч торлик танбурнинг ўрта 2-сими, тўрт торликнинг танбурнинг куй ижро этиладиганидан 3-сими ҳар бир мақомнинг махсус созига қараб тузилади. Барқарор тартибга кўра у тор Рост мақомида квинта («до» - «соль»), Наво секунда («фа» - «соль»), қолган мақомлар кварта («ре» - «соль») интервалига тузилади. Танбурнинг созланишига мувофиқ ҳар бир мақомнинг урф этилган бошланғич ва тугатилиш пардаси бўлади: Рост 3-, Наво 6-, Бузкур ва Сегоҳ 4-, Дугоҳ 8-, Ироқ 1- пардадан бошланиб, шунга келиб тамом бўлади.

Куй ижро этиладиган очиқ тор кичик октава «соль» товушини беради. Энг юқори ўн саккизинчи парда эса, учинчи октава «ре» товушига тенг. Шунга кўра маъмулий мақом парда тизимида куй чалинадиган энг пастги товуш «соль» ҳисобланади. Зикр этилганидек, Хоразм нота ёзуви танбурнинг шу биринчи пардасидан сарҳисоб этилади. Амалдаги мақом товушқаторларининг энг пастки пардаси эса кичик октава «ля»га яъни танбур дастасидаги биринчи буғинга тўғри келади. Икки ярим октавага тенг бўлган биринчи ва ўн саккизинчи парда оралиғи

мақом ижроси учун мувофиқ товуш майдони ҳисобланади. Айни чоғда амалда шу икки ярим октавали масофа инсон овозининг энг табиий ва ёқимли қисми деб тан олинган.

Шуни айтиш зарурки, танбур ёзувида ҳамма вақт ҳам ўн саккиз чизиқнинг барчаси чизилиб ўтирмасдан, аксарият ҳолларда фақат мазкур куй бўлагига лойиқларигина олинади. Масалан, куй лавҳаси учинчидан саккизинчи пардагача жойлашган бўлса, тегишли чизиқлар олиниб ёнбош томондан 3, 4, 5, 6, 7, 8 рақамлари билан белгиланади (Қаранг: 46-бет, юқори қатор). Хуллас, танбур чизигидаги куй измлари ўқимишли бўлишлиги учун мусиқашунос хаттотлар кўплаб унғай ва кўринимли шакллар ўйлаб топганлар.

**Усул.** Усул мақом тафаккурининг яна бир устувор тамойили. Муайян мақомнинг парда (лад) асосидаги барча тармоқ куйлари айнан шу усул хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Масалан, мақом номи билан юритиладиган бош куй ва унга эргашган таржеъ, гардун ва пешрав ёки тароналар. Шунга эътиборан, мақомнинг таркибий қисмлари одатда иккита қўшалок ном билан юритилади. Сақили Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Талқини Бузрук, Насри Сегоҳ, Сарахбори Ироқ, Сарахбори Дугоҳ таронаси ва ҳ.к. Бу атамаларнинг бири усул, иккинчиси парда тизимиға ишора. Биргаликда эса улар ҳар бир қисмнинг қайси мақом ва усулга мансублигини яққол кўрсатиб беради.

Моҳиятиға кўра усул куй давомида мунтазам такрорланиб турадиган вазн-ийқоъ



қолипи (формуласи). Ўтмиш мусиқа рисолаларида бу ўринда «ийқоъ доиралари», «баҳри усул», «адвори зуруб» ёки оддий тарздаги «доира», «баҳр», «усул» каби атамалар ишлатилган. Бироқ кейинги вақтларда амалиётда кўпроқ «усул» иборасини қўллаш одат тусини олган.

Яхлит усул тузилмасининг ийқоъ (ритм) ва вазн (метр) жиҳатлари мавжуд. Алоҳида олганда ийқоъ товушлар ҳаракати орасида ўтадиган вақт, аниқроғи нағмаларнинг замон муносабати. Ийқоъ — мусиқий оқим. Ийқоънинг маънодоши юнонча «ритм» атамаси ҳам луғатда «оқим» деганни англатади. Вазн эса нағмалар ҳаракатини тартибловчи ўлчов бирликлари. Ийқоъ ва вазн одатда усул таркибига сингиб, муштарак равишда намоён бўлади.

Мусиқий рисолаларда усул доираларининг таркиби ниқра ва зарблар воситасида ифодаланган. Ниқра (луғ. «чертиш») товуш манбаи бўлган тор ёки бошқа жисмга тегиш, бир қимирлатишни билдиради. Ёзувда товушнинг бошланиши одатда «т», охири эса «н» ундошлари билан белгиланади. Демак, бир яхлит зарбда камида икки ниқра бўлиши керак. Ниқралар бир-бирига узлуксиз қўшилиб кетганда биринчисининг охири кейингисининг бошига уланиб бораверади. Бу ҳолат ийқоъ назариясида, «мутахалла» (луғ. «ҳалал бериш», «бирлашиш») дейилади. Шунга кўра тан — икки ниқра бир зарб, танан — уч ниқра бир зарб, танна уч ниқра бир зарб, тананан — тўрт ниқра бир зарб ҳисобланади.

Танбур нотасида куй изми энг ~~сода~~ ~~якка~~


зарб» шаклида ёзилади. Ундаги нуқталарнинг ҳар бири торнинг бир чертилиши, яъни ниқрага баробар. Таъкидлаш лозимки, бунда хатга ёзиш ва ўқиш ўнғай бўлишлиги учун куй судури атайлаб энг оддий якка зарб тарзида олинади. Бироқ, ижрода устозлар оддий якка зарб ўрнига умумий давомати унга мувофиқ «қўш зарб», «гулпар» («пирранг»), «рез» ва бошқа мураккаб зарблар ишлатиб куй зоҳирини бойитиб кетаверадилар.

Хоразм нотасида мақом усуллари дойра (чолғу асбоби) ижросига хос шаклда ёзилади. Усулнинг таркибий бўлаклари шартли (мнематик) товуш бирликлари билан ифодаланади: гул<sup>2</sup>, тақ, тақа, таққо. Улар Бухоро мақомчилари расм қилган бум, бак, бака, бакко аломатларига тўғри келади. Гул — дойранинг ўртарағига, тақ эса чеккароғига уч-тўрт бармоқ билан зарб этилади. Тақа товуши икки ўрта ва номсиз бармоқларни из-изидан тойдириб чертиш йўли билан ҳосил қилинади.

Танбур нотаси ва умуман Шарқ ийқоъ илмини тушунишда тан, танан, гул, тақа каби шартли белгиларни европача мензурал (ўлчовли) нота тизимидаги мутлоқ давоматли бутун, ярим, чорак, саккизталиқ чўзилишларга тенглаш мумкин эмас. Чунки, Шарқ ийқоъ илми ва унга мувофиқ ёзувлар нағмаларнинг аниқ бирликларини эмас, балки уларнинг узун-қисқалик муносабатларини акс эттиришга қаратилган.

Масалан, Нажмиддин Кавкабий рисоласида «Уфар» усули уч зарб ичидаги саккиз ниқрадан иборат деб қуйидагича

кўрсатилади: икки сабаби хафиф орасида бир фосилаи суғро (тан тананан тан). Унинг шаклини ҳарф ёзуви, дойра усули ва нота кўринишларида қиёслаб шундай ифодалаш мумкин.



Хоразм мақомларининг тадрижий ривожланиши чўққига чиқган пайтда, яъни XIX асрнинг сўнги чорагида амалда бўлган мумтоз усулларни ўз вақтида ёзиб олинганлиги классик мусиқамизнинг асл низомларини ўрганиш ва сақлашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, XX асрнинг шиддатли ғалаёнлари остида мақом санъати кўп йўқотишларга дуч келди. Хусусан, уларнинг таркибидаги улғувор чолғу куйларининг мураккаб усулларининг аксарияти истеъмолдан чиқиб кетди. Қолганларини эса асл антиқа усуллари унутилиб, оддий зарблар жўрлигида чалинадиган бўлиб қолди.

Натижада куй измида кўп еврилишлар содир бўлиб, айрим хоналар умуман истеъмолдан қолиб кетди. Буни ҳанузгача амалдаги биргина Мухаммаси Ушшоқ мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Асарнинг асл «Мухаммас» усули унутилиб, иккита зарбли оддийгина «Зарбул қадим» усул жўрлигида ижро этиш анъанани айланиб кетди. Оқибатда унинг кўп лавҳалари емирилиб, мўжазгина чолғу йўлига айланиб қолди. Мухаммас

Ушшоқнинг амалдаги варианты танбур чизигида келтирилган нусхалари билан солиштирилганда бундай тафовутлар яққол назарга ташланади.

Хоразм мақомлари китобидаги куй матнида асар етти хонадан иборат бўлиб, ушунини ҳажми 32 зарб 64 ниқрадан иборат икки мухаммас усулига ҳеч тўғри келмайди.<sup>3</sup> (50-бетга қаранг.)

Худди шу Рост мақомини Мухаммаси Ушшоқдан кейин ёзилган Сақили вазмин ҳам икки тактлик усул билан берилиб, у миқомга хос эмас деб изоҳланган (!!)<sup>4</sup>.

Танбур ёзувларининг афзалликларидан бири шундаки, унда Хоразм устозлари миқомларнинг чолғу йўлларига аъло усуллар битилган. Унинг саҳифаларида кейинги нота китоблари ва амалиётда учрамайдиган Чор усул, Мураббаъ, Мусаддас, Мусаббаъ каби аъло усуллар мавжуд. Сўзимизни мухтасар қилиб, Хоразм нотасидан тикланган 152 ниқра, 76 зарбдан иборат таркибий бўлаклари Мухаммас, Ним Сақил ва Зарафшон деб кўрсатилган мухташам Се усули Панжгоҳнинг бошланғич хонасини мисол келтириш билан кифояланамиз: (51-бетга қаранг.)

**Таснифотлар.** Танбур чизигидаги куйлар миқомларнинг шакл тузилиш масалаларига оид жуда қимматли маълумотлар беради. Шакл — миқом тизимида парда, усул ва бошқа ифода воситаларига нисбатан умумлаштирувчи муштарак бирлик. Парда ва усул ўз ҳолича якка олинганда алоҳида ифода воситаларини биллатади. Уларнинг уйғунлашувидан мусиқий нарсаларнинг муайян шакллари юзага келади. Ана шундай шакли-шамойили таъйин

қилинган асарларга нисбатан мусиқа рисоаларида тасниф ибораси қўлланилади<sup>5</sup>.

Ўтмиш рисоаларида таснифот тамойиллари кўпинча мусиқий нав (жанр)лар масаласи билан боғлиқ равишда баён этилади. Шунга кўра, амалиётда пишиб етилган мусиқий шаклларнинг барқарор турлари, одатда, алоҳида навлар сифатида эътироф этилади. Мусиқий таснифот ва навларга оид масалаларни уламо мусиқашунослар кўпинча парда (нағамот), усул (доира) ва ашъорлар (шеърий матнлар) кесимида тушунтирилганлар.

Бу ҳақда Кавкабий қуйидагиларни баён қилади: — «Билгинки, куй уч навадан иборат: жирмий, боситий, хаттий. Нағамот, ийқоъ ва абёт ўзаро мужассам бўлса жирмий дейилади. Боситий шу учтадан иккитасини ўз ичига олинишини назарда тутлади. Биттасидан иборати хаттий бўлади. Уларнинг дастлабки икки нави (жирмий ва боситий — тадқиқотчилар) мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Нағамот ва ийқоъдан иборат боситий куйнинг усул доираси мусанниф томонидан тайинланиб, таркибий бўлаклари икки сархона, миёнхона ва бозгўй бўлса, бундай асарга бу фан истилоҳида пешрав дейдилар. Агар таснифнинг усул доираси тўлалигича тайинланмасдан, баъзи қисмлари гўянда ва созандалар ихтиёри ва кайфиятига қараб тузилса уни сарбанд деб атайдилар»<sup>6</sup>.

Шу тариқада давом эттирилиб нағамот, ийқоъ ва шеър матнларининг хилма-хил муносабатларда намоён бўлишига қараб жирмий куйларнинг муайян турлари нақш,

савт, амал ва рехталарга таъриф берилади.

Мусиқий шаклларнинг энг катта кўриниши «навбати мураттаб» ҳисобланган<sup>7</sup>. «Мақосид ул-алҳон»да унга шундай таъриф берилади: — «Билгинки, таснифот шаклларининг энг каттаси навбати мураттабдир. Қадимийлар уни тўрт қисмлик қилиб яратганлар. Биринчи қисми қавл дейилган. Унинг шеъри арабий бўлади. Иккинчи қисм ғазал. У форсий шеър билан айтилади. Учинчи қисм тарона. У рубоий баҳрида бўлади. Тўртинчи қисм фурудошт. У қавлга ўхшайди. Агар қавл истасалар, байт ул-васат ясайдилар. У бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо, бозгашт бўлиши шарт. Ғазалда ҳам худди шундай. Таронада миёнхона бўлишлиги ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо ташйиъа бўлиши лозим. Фурудоштда ҳам шундай.

Бу фақир бир Рамазон ойида ўттизта навбати мураттаб яратдим. Шундай қилиб ҳар куни бир навбати мураттаб яратардим. Беш қисмлик: қавл-ғазал-тарона-фурудошт-мустаҳзод. Бешинчи мустаҳзод қисмида шундай шарт қилдимки, тамоми навбат абёт ва ашъорларини жамлаб шу қисмга жойладим»<sup>8</sup>.

Кавкабий эса, навбати мураттаб муносабати билан ўз даврининг мумтоз навларига хос усулларни таъкидлаб ўтади. У масалани қуйидагича баён қилади: — «Билгинки, агар алҳони жирмийдаги ҳар тасниф сақил, хафиф ва ним сақил деб ҳам номланадиган авсат доирасида бўлиб, абёти арабий эрса, уни қавл дейдилар. Агар абёти форсий бўлиб, ба шарти миёнхоналик эрса, у таснифни истилоҳда ғазал деб номлайдилар. Бу нуқтада баъзилар хато

M.M. ♩ = 76

# МУХАММАСИ УШШОҚ

1-хона

tr

2-хона

Бозғүй


M.M. ♩ = 80

# СЕ УСУЛИ ПАНЖГОҲ

1-хона



Мухаммас



Нимсақил



Зарафшон



қилганлар. Аммо, бошқа уч баҳр фохта зарб, чор зарб ва зарбул фатҳ борки, у доираларда пайдо қилинган бўлиб, ҳар тасниф ўз усулининг номи билан юритилади»<sup>9</sup>.

Шундай қилиб, навбати мураттаб, қавл, ғазал, тарона, фурудост, кор-амал, нақш, савт ва пешравлар мумтоз мусиқага хос таснифларнинг яхлит кўринишига оид тушунчалар бўлиб гавдаланади. Мазкур таснифотларнинг ҳар бирининг ички тузилишида асосий «тасниф» бирлиги — синф — хона ҳисобланади.

Мароғий ва Кавкабийларнинг рисола-ларида таснифотларнинг ички тузилиши сархона, иккинчи сархона<sup>10</sup>, миёнхона (байт ул-авсат)<sup>11</sup>, бозгўй<sup>12</sup>, нақарот<sup>13</sup> каби бирликлар воситасида таърифланади. Аслида улар устувор хона шаклининг турли ўрин ва вазифалар(функциялар)даги кўринишидир.

Хоналарнинг ички тузилишига оид маълумотларни Дарвеш Алининг рисола-сидан топиш мумкин. «Пешравнинг тузили-ши амал қоидасига мувофиқ бўлади. Уни бебайтий ҳам дейдилар. У уч сархонадан таркиб топади. Аввалги сархона пастда жойлашади. Миёнхона баландда бўлади. Аммо ранг бўлгани яхши. Биринчи сархона уч қисмдан иборат. Аввалги қисми таркиб, иккинчи қисми овиза, учинчи қисми лозима дейилади. Овиза бир таркибни, бошқа таркибга қўшиб юборади. Лозима ҳамиша сархона, миёнхонада бозгўйга ҳамроҳ бўлиб келади. Ҳар нарсаки сархонани бошлани-шида воқеъ бўлса уни таркиб дейдилар. Ундан кейингисига овиза дейилади. Улардан ортиб қолган ҳар бир нарсани лозима

дейдилар. Лозимани ҳар доим қўллайверишлик яхши эмас» деб кўрсатади Дарвеш Али<sup>14</sup>.

Дарвеш Али вафоти (тахминан XVII асрнинг 20-йиллари)дан — мусиқий баёзлар (XVIII аср охири)гача, ўтган деярлик икки аср мобайнида илми адвор дастурларининг аҳволи қандай кечганлиги ҳақида ва бевосита мумтоз мусиқанинг янги нави Шашмақом шаклланиш вақтига доир ишончли маълумотлар берадиган манбаларга эга эмасмиз. Шундайлигига қарамасдан, Дарвеш Али пайтидан эътиборан олдинги мақом маданиятининг янги кўриниши сифатида юзага келган Шашмақом тизими ва илми адвор анъаналарининг ворисийлик ришталари яққол сезилиб туради.

Умуман олганда, дастлабки таснифот бирлиги хонадан тортиб энг улкан навбати мураттабгача, ҳамда улар мобайнидаги қавл, ғазал, тарона, кор-амал, нақш, савт, пешрав шаклларига хос тамойилларни амалдаги Шашмақом удумларидан топиш мумкин. Бироқ, Шашмақом олдинги мусиқий шаклларнинг бирон-бирининг тўғридан-тўғри кўчирмаси эмас. У Кавкабий ва Дарвеш Алиларнинг шогирдлари, қўпчилигининг номлари бизларга маълум бўлмаган шарафли мусиқашунос ва устоз созандаларнинг ижодий изланишларининг самарасидир.

Шашмақом мусиқий мажмуа сифатида алоҳида кўринишига эга бўлиб тарихга кирган. Шашмақом тизимидаги таснифот бирликлари каттадан кичикка қараб, энг аввало, олтита туркумга ажралади ва

уларнинг ҳар бири таркибидаги етакчи мақом номи билан юритилади: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ<sup>15</sup>.

Ҳар қайси мақом ўз навбатида ва алоҳида чолғу — мушкilot ва ашула — наср бўлимларига бўлинади<sup>16</sup>. Улар нисбатан мустақил ва моҳиятан туркум таркибидаги мақомларнинг (асос куйларининг) чолғу ва ашула шаклидаги кўринишларидан иборат. Чолғу ва наср бўлимларининг умумий андоза тоифаси (типологияси) олти туркумда ҳам бир хил. Мушкilotлар тасниф, таржеъ, гардун, пешрав, мухаммас ва сақиллардан иборат. Наср бўлими сарахбор, талқин, наср ва улар орасидаги тарона ҳамда якуний уфар қисмларидан таркиб топади.

Мушкilot ва Насрлардан ташқари, Шашмақомнинг ашула йўлларининг асосий куйларига назира (ўхшатиш) сифатида ишланган алоҳида қатлами мавжуд. Улар асл (ўзак) Шашмақом қатламига нисбатан «шўъбача»лар деб номланади. Фитрат ёзадики: — «Шашмақомнинг айрича шўъбачалари бор. Бу шўъбача мақомлар билан биргача эмас, айрича ижро этиладир (чалинадир), бироқ булардан ҳар бири бир мақомнинг пардасидан бошланиб, шунга ўхшаб юргани учун, шул мақомнинг шўъбачаси саналадир. Шу шўъбачаларнинг ҳаммаси ашулалидир»<sup>17</sup>.

Бухоро Шашмақомининг амалдаги удумларига кўра, унинг барча чолғу йўллари хона-бозгўй муносабатидаги тузулмалардан таркиб топади. Ашула бўлимидаги йирик шакллардаги таркибий қисмлар эса: сархона, сар намуд, замзама, миёнхона, фурувард,

думча, дунастра, авж, авж-намуд, намуд-нинг деб белгиланувчи унсурлардан иборат.

Умуман олганда, Шашмақом дастлабки мундариж тугал бирлик хонадан тортиб, энг бирик қурилма — мажмуа даражасигача сарфатлам ва улуғвор иншоотни ташкил қилади.

Ибтидоида Шашмақом андозасидан улги олинган Хоразм мақомлари ҳам ўзига хос таснифот концепциясига эга. Хоразм Танбур ва Дутор мақомлари мақомот тизимида икки алоҳида мажмуа тарзида ажралиб туради. Хоразм мақомларининг умумий мундарижиси Шашмақом тарҳига ўхшаб кетади. Фақат, Шашмақомга эргашган шўбачалар таснифотини Хоразмда «Дутор мақомлари» деб номланадиган алоҳида қатлам бажаради.

Хоразм мақомларининг барча қисмлари ички тузилиши танбур ёзувларида хона, бозғўй ва оҳанг бирликларида сарҳисоб этилади. Хоразм устозлари куй таркибини намуд, замзама, миёнхат, дунастра, номли шижралар, намуд ва ранглар билан белгилашни одат этмаганлар.

Шундай қилиб, мақом бадиятида ҳар бир асарларнинг парда, усул ва таснифот асослари буткул жамланган, яхлит шаклда ва бу санъатга хос мувофиқликда ўз ифодасини топади. Мувофиқлик, мутаносиблик эса, азалдан мусиқийнинг туб моҳиятини ифодаловчи омиллардир. Форобий таълимотига кўра «Мусиқий шундай санъат турики, у бир-бирига мувофиқлик натижасида мукаммал ва лаззатлироқ бўлган лаҳнлардан иборат»<sup>18</sup>.

Мароғий бу хикматни амалиётга боғлаб, шундай таъриф беради: — «Зийнат ва лаззатлар учун басоит ва нашиди араб (яъни, оддий ва мураккаб мусиқий шакллар — тадқиқотчилар) пайдо қилдилар»<sup>19</sup>.

Сўнги асрларда Мақом мажмуаларини мукаммаллаштириш устида ишлаган устозлар ҳам айнан шу бадий гўзаллик меъёрларини кўзлаганлар. Бир-бирига узвий мос таснифотларни яхлит аҳволда жамлашдан мақсад эса ушбу гўзаллик мезонларига риоя қилишдир. Шунинг учун, Хоразмда мақом санъати тараққиёт чўққисига чиқиб турган пайтда, уларнинг мукаммал ва тўлақонли ҳолатини хатга туширилиши ва китобат қилиниши ўта муҳим илмий ҳамда тарихий аҳамият касб этади.

Кейинги даврларда пайдо бўлган рисола ва нота тўпламларида мақом мажмуаларининг умумий кўлами танбур ёзувларидагига нисбатан камайиб бораётганлиги назарга ташланади. XX асрнинг 20-йилларида юзага келган «Хоразм мусиқий тарихчаси», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобларидаёқ бу ҳолат сезилиб туради<sup>20</sup>.

Бундай қисқаришлар юзасидан китоб муаллифларига эътироз билдириш ўринсиз, албатта. Аксинча улар ўз даврининг энг етук устозларидан ишончли маълумотларни тўплаб илмий таҳлил қилганлар. Гап бошқа томонда. Мақом мажмуаларининг умумий кўламининг аста-секин камайиб бориши, амалиётнинг ўзида содир бўлаётган эди.

Бундай юксалиш ва пастлашув жараёнлари мақомлар тарихида кўп марта

алмашиб турган. Лекин, бизнинг учун муҳими, мақомларни мумтоз мерос сифатида ўрганиш йўлида уларнинг илмий асослари ва тарихий кечинмалари ҳақидаги далилли маълумотларни ҳозирлаш ва аҳли мақом хизматида қаратишдир. Шу нуқтаи назардан мақомшунослик тарихига оид яқин даврларда яратилган изчил манбалар орасида Хоразм нота ёзуви қўлёзмалари ўзининг илмий ва амалий салоҳиятига кўра юқори ўринда туришлигини яна бир карра эътироф этмоғимиз зарур.

**Сўз матнлари.** Мақом моҳиятан мусиқий тизим. У азалдан куй, мусиқага маънодош тушунча ўрнида ишлатилади. Мақом асарлари парда, усул, таснифот каби мусиқий жиҳатларга қараб сарҳисоб этилади. Айни чоғда мусиқий доим шеърият билан яқин йўлдош. Дастлабки муштарак негизлардан ажралиб чиққач, шеърият ва мусиқа кейинчалик алоҳида санъат сифатида камол топди.

Мақом санъатида эса улар яна қайтадан бирлашади, юксак уйғунликда бири иккинчисини тўлдириб, зийнатлаб, янги ижодий қирраларни очишга хизмат қилади. Мусиқа бағрида, унинг жозибали оҳангларига чулганган нозик сўз туйғули шеърнинг таъсири янада кучлироқ ва лаззатлироқ бўлади.

Мусиқа-ҳиссиёт олами. Қатъий тартиб-лашган ҳар бир мақом куйи муайян руҳий ҳолат. Лекин, бу ҳис-туйғуларни сўз билан таърифлаш амримаҳол. Куйнинг маъноси оҳангларнинг ўзида ва уни фақат эшитиш туйғулари билан идроклаш ва ҳолатига кириб завқ олиш мумкин.

Тилда эса аксинча: маънодан ташқарида сўз йўқ ва сўз ифода эта олмайдиган маъно ҳам йўқ. Аммо нутқ бадиий ифодалар билан бойитилиб шеърга айлантирилганда, у бошқача ўлчамга кўчади ва маъноси янада чуқурлашади. Ана шу услубда, ниқобланган маънолар касб этишда мусиқа ва шеърият яқинлашади. Шунинг учун шеърият, айниқса, ички туйғулар билан суғорилган ғазалиёт руҳан мақом куйларига айнан мос тушади ва жонли ижрода бир-бирига чамбарчас боғланиб кетади.

Мақом ҳофизлари дастурида одат қилинган шеърларнинг миқдори куйларга қараганда кўпроқ бўлади. Мақом йўлларида айтиладиган шеърий вазнлар ўн бештача. Лекин, етук ҳофизлар, куллиётий устозлар юзлаган шеърларни ёд биладилар ва уларни дафтар (дастак)га ёзиб, эсдан чиқармаслик учун эҳтиёт қилиб юрадилар.

Аслини олганда, эшитувчиларнинг кайфияти ва айтувчининг илҳомига қараб, мақом йўли у ёки бу шеър билан ижро этилиши мумкин. Куйга шеър мослаш мақом илмида манзума дейилади. Мақомда куй устувор аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, унинг маъно (руҳий ҳолати) ва мазмунига (усули, оҳангги ва вазнига) қараб шеър мосланади. Шу тариқа амалиёт синовидан ўтиб, одат тарзида айланган мутаориф шеърий матнларни ўз ичига олувчи мусиқий баёзлар туғилади.

Юқорида зикр этилганидек, XIX аср ўрталарида Шашмақом йўлларида ўрнашган мумтоз матнлардан рисоланамо мусиқий баёзлар тартиб этилган. Хоразм мақом

мажмуасининг ўзига хос бадиий қиёфаси шакллангач, нота китоблари билан бир қаторда алоҳида шеърий баёзлар ҳам тузилган. Улар XIX аср охири – XX аср бошларида донг таратган икки буюк ҳофиз Худойберган Махзум ва Матёқуб фозачи дастурлари билан боғлиқ<sup>21</sup>.

Танбур ёзувлари орасида мақомларнинг куй измлари билан бир қаторда бошдан оёқ шеърий матнлар ҳам битилган нусха Матёқуб Харрот ва Комил Девоний томонидан тузилган нодир қўлёзмалардир. Комил Девоний манбасининг беқиёс аҳамияти шундаки, унда Танбур ва Дутор мақомлари тўлалигича сўз матнлари билан келтирилган. Шундай қилиб, Хоразм нотасида биз мақомнавислик ва баёзнавислик удумларини табиий равишда туташганининг гувоҳи бўламиз.

**Улуғ тадбир.** Хоразмда мақомнавозликнинг изчил тараққиёт йўлига чиқиши ҳамда ушбу жараённинг таркибий омили сифатида нота ёзуви ихтиро этилиши ва тарқалиши масалаларига қайтадиган бўлсак, энг аввало, икки сана 1873–1881 йиллар орасида кечган воқеаларни изоҳлаш зарур. 1873–йилда Хоразм воҳаси Чор Россияси томонидан истило қилинади. 1881–йил – Хоразм нотаси қўлёзмаларида кўрсатилган илк сана. Ана шу саккиз йил мобайнида мақом тараққиётига раҳнамолик қилган аллома давлат арбоблари Феруз ҳамда Комил Хоразмийларнинг шахсий ҳаёти ва ижодий фаолиятида кескин бурилишлар рўй беради.

Муқаддам тўққиз йил (1864–1873)

давомида давлатни бошқариб турган навқирон Муҳаммад Раҳимхон, рус истилосидан қаттиқ таъсирланиб, анча вақт руҳий тушкунликка тушиб қолади. Паришонхотирликдан қутилиш учун табиблар маслаҳатига кўра Хонга мусиқий муолажалар, замонавий тил билан айтилганда куйдармон (мусиқатерапия) тавсия этилади<sup>22</sup>. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да бу ҳолат шундай ҳикоя қилинади: – «Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзиндан бошқа кучли ва нуфузли ёт бир қувватни кўргач, бир хийли замонлар муттаассир бўлиб юрди. Ўзгина мутасаллий қилажак ҳеч бир машғулият топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан мусиқийшунос Паҳлавонниёз мирзабоши хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди. Ниҳоят, хонни мусиқий базмларини олиштириб, натижада «Хоразм чизифи» майдона чиқиб, Хоразм мусиқийси хийлигина ривож бўлиб, халқ орасина интишор этмакка бошлади»<sup>23</sup>.

Айнан шу воқеа муносабати билан хон Ферузнинг олдинлари ҳавас даражасидаги машғулотлари чинакам мусиқий таълим жараёнига айланиб кетади. «Генерал Кауфман Хивани истилосидан сўнгра Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғина мувофиқ Муҳаммад Расул мирзабоши ўз отаси Паҳлавон мирзабошидан Шашмақом нағмаларини ўрганиб, ўзининг билган мақомларини кун сайин Муҳаммад Раҳимхон сонийга таълим қилмоққа бошлайдур»<sup>24</sup>. Мунтазам машғулотлар туфайли Феруз етук мақомдон ва мусиқашунос бўлиб етишади.

Шоҳона мусиқий базмларнинг нуфузини ошириш мақсадида Хоразм ўлкасининг энг кўча кўринган ҳофиз ва созандалари сарой хизматига жалб қилинади. Бевосита хоннинг ҳомийлигида сарой қошида мунтазам равишда фаолият кўрсатадиган мақом уюшмаси юзага келади. Сарой созандалари олдидаги эзгу мақсад Хоразм мақомларининг нуфузини ошириб, ифтихор даражасидаги салоҳиятга эришиш. Бошқача айтганда, ўз даврида Бухорода камол топган Шашмақом мажмуаси асосида Хоразм оҳанглари билан суғорилган ва шу билан бирга, бадиий қиммати ундан кам бўлмаган янги улуғвор мусиқий иншоот яратиш эди.

Шу аснода, XIX-аср бошида Ниёзжон Хўжа тамал тошини қўйган Шашмақомни ижодий ўзлаштириш жараёни ўз чўққисига эришди. Натижада, мақомот истилоҳида «Хоразм олти ярим мақоми» деган тушунча юзага келди<sup>25</sup>. Хоразм нотаси эса ана шу меъёрига етилган мукаммал мақом мажмуасининг мусиқий асослари (парда ва усул тизимлари) ҳамда тўла шаклдаги умумий таснифотини муҳофаза қилиш йўлида ўйлаб топилган тадбирдир.

Хон ва аллома мусиқашунос Ферузнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли Шашмақомнинг олти ярим мақомга дўндирилиши ҳамда уни тўла-тўқис китобат шаклида ёзиб олиниши мусиқа тарихида алоҳида эътиборга лойиқ ишлар. Шунингдек, шоир ва мусиқашунос хон ҳамда вазир мусиқий ислоҳотларга раҳнамолик этиши ҳам ноёб воқеълик. Бу ўринда Феруз ва Комил Хоразмий ҳамкор-

лиги маълум жиҳатларига кўра Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларнинг маърифий интилишларини эслатади.

Маълумки, Султон Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар мукаммал мусиқий таълимини олган ва нуфузли мусиқий асарлар яратишга қодир ижодкорлар бўлганлар. Шу билан бирга улар, бири подшо, иккинчиси вазир мартабасида туриб, мусиқий – инсон камолати йўлидаги муҳим восита эканлигини идроклаб, мусиқий-маърифий ишларга катта эътибор қаратганлар. Фитратнинг таъкидлашича: – «Навоий энг буюк мусиқий устодларини, энг истеъдодли мусиқий талабаларини ўз тарбиясига олди. Уларнинг маълумотларини орттирмоқ учун мусиқий рисоалар ёздирди. Навоийнинг ўзи «Хамсату-л-мутаҳаййирийн» деган китобида устод Кулмуҳаммаднинг шогирдлик вақтида жуда истеъдодлик эканини, ҳар нарсани бот ўрганиб, яхши чалганини сўйлайдир-да, мусиқийда унинг назарий маълумотини орттирмоқ учун тўрт буюк устодга тўртта мусиқий рисола ёздирганини, рисоаларни фанн-и таълим ёғидан ярарлиқ топмагани учун, энг сўнг Мулло Жомийдан сўраб, бешинчи рисола ёздирганини хабар берадилар»<sup>26</sup>.

Феруз ва Комил Хоразмий сайъ-ҳаракатларида ҳам мусиқий таълим биринчи ўринга қўйилади. Хоразмда рўй берган жиддий мақомнавозлик жараёнида таълим топган мусиқашунослар ва устоз мактабини ўтган ҳофиз ва созандалар етакчилик қилган. Умуман олганда мусиқий мойиллик фазилат, иқтидор ва салоҳият эса қадрият сифатида эъзозланган.

Мусиқа ва шеър илми соҳибларига саройга йўл очилиб юқори мартабаларга эришиш имконияти яратилган. Комил Хоразмийнинг ҳаёт йўли бунга ёрқин мисолдир.

Паҳлавонниёз, энг аввало, хушхон ҳофизлиги, моҳир танбурнавозлиги, комил мусиқашунослиги ва шоирлиги туфайли элда эътибор топди. Айнан шу фазилатларига кўра Ферузшоҳни ўзига шайдо қилди, мирзабошилиқ, девонбеги(бош вазир)лик мартабаларига сазовор бўлди. Муҳаммад Раҳимхон Паҳлавонниёзнинг маънавий салоҳиятига шу даражада маҳлиё бўлдики, уни шоҳона базмларининг кўрки сифатида эътироф этар эди.

Давлат аҳамиятига молик мақомшунослик ишлари аллома вазир билан бамаслаҳат ва ижодий ҳамкорликда олиб борилди. Манбаларда қайд этилишича, Муҳаммад Раҳимхонга «Феруз» адабий таҳаллусини танлашида Комил Хоразмийнинг ҳиссаси бўлган<sup>27</sup>. Ўз навбатида, Паҳлавонниёзнинг мусиқий ва шеърый салоҳиятига муносиб «Комил» таҳаллусини берилишида Хон Феруз илтифот билдирган. Муҳаммад Раҳимхоннинг мусиқий хизматларини нишонлаш мақсадида, Комил Хоразмий томонидан «Феруз» мақоми ишланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд<sup>28</sup>.

Аммо мақомнавозлик ишлари қизгин паллага чиққан бир пайтда ногаҳонда Феруз билан Комил ўртасига совуқлик туша бошлади. 1878-йилда Матмурод Девонбеги сургундан озод этилиб юртига қайтгач, аввалги лавозимига тикланади. Комил эса мирзабошилиқ вазифасига туширилади. Бир



оз муддатдан сўнг у мансабдан ҳам маҳрум қилиниб, оддий хизматкорликда қолдирилади ва шундан эътиборан улар ўртасидаги аввалги яқин дўстона ҳамкорлик муносабатлари қайта тикланмайди.

Тақдирнинг бундай бурилишидан нозиктаъб ижодкор қаттиқ изтироб чекади. Вазиятни тўғрилашга интилиб, узр ва пушаймонлар ила Хонга мурожаат этиб катта бир мусаддас битади. Унда, жумладан, шундай бандлар ҳам бор:

Эй адлу карамли подшоҳим,  
Эй салтанат авжи узра моҳим,  
Билмам, надурур менинг гуноҳим,  
Етмас санга ҳеч фиғону оҳим,  
Шоҳо, карамингдин айла хушнуд,  
Мақбул қулингни қилма мардуд.

Қўпдур санга сидқи эътиқодим,  
Иқболнинг эрур менинг муродим,  
Бир демадингизким хоназодим,  
Валлоҳки, менинг ёнгилди ёдим,  
Шоҳо, карамингдин айла хушнуд,  
Мақбул қулингни қилма мардуд<sup>29</sup>.

Бу мудҳиш ҳолатнинг эътиборли томони шундаки, Комилнинг саройдан узоқлаштирилиши танбур чизиғи ишларини қизғин бошланиш вақтига тўғри келади. Аллома мусиқашунос эзгу ниятлар билан кўзлаган амални ўз қўли билан ниҳоясига етказишдан маҳрум қилинади. Шундай бўлсада салоҳияти Кавкабий ва Дарвеш Алилардан кам бўлмаган буюк мусиқашунос Комил Хоразмий барҳаёт мерос қолдирди. У Хоразм Олти ярим мақоми ва жаҳоншумул нота ёзувининг улкан ижодкорларидан бири бўлиб тарихга кирди.

Мақомларни нотага олинишининг кейинги ишларига раҳнамолик қилиш Хоннинг буйруғи билан Паҳлавонниёзнинг ўғли ва шогирди, ихтисосли мусиқийшунос ва шоир Муҳаммад Расул мирзабошига топширилади. У катта ва масъулиятли ишга бутун вужуди билан киришиб, Хоразм Олти ярим мақоми ашула ва чолғу йўлларини икки жилдлик китобат шаклига келтириб Ферузга топширди<sup>30</sup>.

**Тушунча ва атамалар хусусида.** Ашула ва чолғу куйларини алоҳида китобларга жойлаштириш аслида мақомларнинг ижрочилик удумларига мувофиқ Шашмақом ва Олти ярим мақом мажмуалари азалдан икки нисбатан мустақил таснифот шаклида жорий этиб келинмоқда. Уларнинг ҳар бирининг Бухоро ва Хоразмда ҳам ўзига хос томонлари мавжуд. Бухорода урф қилинишига кўра чолғу ва ашула куйлари «мушкilot» ва «наsr» дейилади. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да улар «мансур» ва «манзум» деб номланади<sup>31</sup>.

Ўз вақтида Фитрат Шашмақом истилоҳи нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, Хоразм мақомларининг чолғу йўлларини «мансур» дейилишини нотўғри деб топган<sup>32</sup>. Аслида эса бу ўринда хатолик йўқ. Хоразм ва Бухоро устозлари чолғу ва ашула таснифотларига берилган атамалар маълум мантиқий асосларга кўра одат қилинган.

Мушкilot дейилиши оддий кўринишдаги мусиқий таснифотлар йиғиндиси маъносини англатади. Юқорида айтилганидек, мусиқийнинг мукамал навлари муштарак воситалар (парда, усул ва сўз

матни)дан иборат бўлиши лозим. Бундай нав Мароғийда «алфоз» (шакл) дейилади. Кавкабийда икки унсур (масалан, парда ва усул)дан иборат тасниф «боситий» деб таърифланади<sup>33</sup>. «Наср» турли шакллардаги таснифотлар йиғиндисини англатади ва шу маънода ашула ёки чолғу йўлларига нисбатан қўлланилиши мумкин. «Манзум» эса муайян тартибга келтирилган ёки куй вазнига мувофиқ шеърга солинган деган маъноларни билдиради.

Демак, зикр этилган тушунчаларни чолғу ва ашула бўлимларнинг сарлавҳасига чиқарилишида мантиқий зиддият топиш қийин. Мумтоз мусиқа тараққиётининг олдинги даврларида урф этилган қонун-қоидаларга назар ташлайдиган бўлсак, унда ҳам ашула ва чолғу навларининг ўзига хос мустақил шакллари жорий этилганлигининг гувоҳи бўлаемиз.

Мустақил чолғу нави сифатида алоҳида ажралиб чиққан илк мусиқий шакл — пешравдир. Дарвеш Али Чангий пешрав шаклининг келиб чиқиш тарихини бундай ҳикоя қилади: — «Бу фаннинг устозлари пешравни ўн икки мақом, йигирма тўрт шўъба, олти овоз ва уч рангда дарж этиш мақсадида пайдо қилдирдилар. Маълум бўлсинки, пешравни мақом, овоз ё шўъба номига улаб айтадилар. Чунончи, Пешрави Кўчак, Пешрави Ҳисор, Пешрави Шаҳноз, Пешрави Бастанигор номлари шуҳрат топган. Билгинки, амал ва пешрав бир хил. Пешравни устозлар Соҳибқирон Амир Курагон замонида пайдо қилдилар. Ушбу масалада аҳли мусиқий ва шоирлар ўртасида тортишувлар бўлди.

Тоқай бизнинг абётларимиз бўлмагунча бизлар бирон нарса басталай олмайсизлар. Бизларнинг таснифларингизни зийнати бизларнинг абётларимиздир деди шоирлар.

Шунда мусаннифлар жам бўлиб, икки сархона, миёнхона ва бозгўйдан иборат (яъни, абётсиз шаклда — тадқиқотчилар) бир неча таркиб басталадилар»<sup>34</sup>.

Шу тариқа пешрав чолғу таснифотларининг умумий номига айланиб кетган. Темурийлар даврида Самарқанду Ҳиротда, кейинчалик Кавкабий ва Дарвеш Алилар мамоналарида Бухорода ҳам мумтоз мусиқанинг чолғу шакллари пешрав дейишлик расм қилинган.

Бу одат Шашмақом ва Хоразм мақомлари мижмуаларининг шаклланишида ҳам ўз учини сақлаб қолган. Гарчанд Шашмақом ва Хоразм мақомлари бугунги кўринишларида пешрав алоҳида чолғу қисмларининг номи сифатида юритилсада, танбур шевиларининг илк даврига оид 1881-83 йилларда ёзилган нусхаларда, хусусан, Муҳаммад Юсуф Баёний қўлёзмасида Хоразм Олти ярим мақомининг чолғу йўллари умуман «пешравлар» сарлавҳаси билан белгиланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида тилга олинган мушқилот, наср, мансур, манзум ва пешравлардан ташқари мақом куй ва ашулаларини белгилаш учун умумий тарздаги бошқа номлари ҳам амалда бўлган. Масалан, Баёний қўлёзмасида тасниф ва нақш атамалари сарлавҳа сифатида барча чолғу ва ашула куйларига нисбатан ишлатилган ўринлари бор<sup>35</sup>.

Бундай истилоҳий серқатламлик ҳолатларини тўғри изоҳлаш ва англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун икки нарсага эътибор бериш лозим. Биринчиси, мақом тафаккурида анъанавийлик устувор тамойил эканлигини эътироф этиш. Иккинчиси, ана шу устувор тамойилга биноан, турли даврларда умумий жараёнга киритилган ҳамда ҳар хил мактаб вакиллари томонидан урф этилган тушунча ва иборалар бир-бирини инкор этмаслигини инобатга олиш зарур.

Шарқ маънавиятида урф-одатларни эъзозлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ислом маърифатида қадриятнинг аҳамияти шахс манфаатидан устун қўйилади. Бадиий ижодда ҳам авлодлар меросига пайравлик қилиш нуқсон эмас, фазилат тариқасида кўрилади. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғлар расм қилган хамсанавислик суннати бунинг ёрқин мисолидир. Айни воқеъа ва образларни бир асардан иккинчисига ўтиб юриши, уларнинг бадиий салоҳиятига путур етказмайди.

Мутаорифлик (урф-одатларнинг муқаддаслашуви) — мақомлар бадииятининг жавоҳири. Унда устоз етуклик тимсоли. Устоз бисотидаги билим ва кўникмалар мақом ҳуснининг меъёри. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» - дейдиган мақолнинг ҳикмати шуки, устозга эргашмасдан касбу ҳунарда барака топиб бўлмайди.

Мақомлар асрлар давомида муайян рамзий-мажозий мусиқий ғоялар доирасидаги барҳаёт куй ва оҳанглар тизими сифатида сақланиб келишининг ўзи мавжуд воқелик (феномен). Рост, Ушшоқ, Наво,

Ироқ ва бошқа мақомлар минг йил олдин ҳам бўлган ва улар асосида сон-саноқсиз куй ва ашулалар яратилган ва яралмоқда. Уларнинг турли муводиллари ҳозир ҳам кўпчилик халқларда табаррук мерос сифатида эъзозланиб келмоқда.

Шу сабабдан Шарқ мутафаккирлари мутаорифликни мусиқийнинг асосий сарчашмаларидан бири сифатида эътироф этганлар. Мусиқий бобида бу дастурни Абдулқодир Мароғий шундай таърифлайди: - «Мусиқийнинг мавзуи нағмадир. Аммо, мусиқий мабодийларнинг баъзилари ҳисоб илмидан бошланади. Чунки, зул-арбаъ, зул хамс ва бошқа бўёдларнинг оралиғи нисбатлар билан ўлчанади. Баъзилари ҳандаса илмидан. Айтайлик: нағмаларнинг паст-баландлик фарқлари торнинг узун ва қисқалигини ўлчаш йўли билан аниқланади. Баъзилари илми табиийдан келиб чиқади. Яъни, инсон ҳис-туйғуларига хос қувватлардан содир бўлади. Баъзилари эса мутаорифий илмлардан келиб чиқади»<sup>36</sup>.

Мусиқий мабодийларнинг иккитаси аниқ илмлар ҳисоб ва ҳандаса, қолганлари эса ҳис-туйғу йўли билан сарҳисоб этиладиган нисбийликка боғлиқ. Мароғий томонидан ҳисоб ва ҳандаса билан бир қаторда инсон табиати ва жамият расм этган урф-одатларга боғлиқ жиҳат санаб ўтилишидан мақсад, мусиқа ўз негизида муштарак ақл-идрок ҳамда ҳис-туйғу уйғунлигида идрок этилишига ишорадир.

«Мақосид-ул-алҳон»нинг бошқа бир жойида мусиқанинг аниқлик (таҳқиқ) ва нисбийлик (тақриб) жиҳатлари созанданинг

муштарак билим ва маҳоратлари туфайли мувозанатга келтирилиши, мувофиқлаштирилиши таъкидланади. Масаланинг чигал томонларини икки буюк олим мисолида тушунтириб беради. Гап шундаки, Сафиуддин Урмавийнинг араб тилидаги «Шарафия» асарига Қутбиддин Шерозий томонидан форсча «Шарҳи Шарафия» рисоласи ёзилган. Урмавий тузган куй доиралари (мақом, овоз ва шуббалар)нинг тартиб ва таркиби нуқтаи назаридан Шерозий айрим эътирозлар билдиради.

Эътирозларнинг келиб чиқиши сабабини тушунтириш мақсадида Абдулқодир Мароғий Сафиуддин Урмавий риёзиёт илмини мукамал эгаллаган ва айни чоғда забардаст созанда бўлганлиги эслатиб, «соҳиби адвор» бўлишлиги учун мусиқийнинг илмий ва амалий томонларини баробарига ўзлаштириш зарурлигини қайд этади. Мазкур муносабат билан турли илмларда, жумладан, мусиқийнинг назариясида қўли узун бўлган Мавлоно Қутбиддин Шерозийнинг мусиқий амалиётига илтифоти бўлмаганлиги тилга олинади. Масаланинг ечимига хулоса ясаб, Абдулқодир ўзидан олдин ўтган икки йирик олим ўртасидаги илмий мунозаранинг моҳиятини тушунтириш учун қуйидаги фикрни қўндаланг баён этади: — «Мусиқий доиралар махсус номлар ила аталиб тартиблаган. Баъзи қолган доираларга эса ном қўймаганлар. Чунки хоҳиш истаклар борасида низо, истилоҳлар тўғрисида хусумат йўқ.

Балки, ҳар ким хоҳлаган нарсасини истаган нарса билан номлаши мумкин»<sup>37</sup>.

Дарҳақиқат, асрлар давомида «оғзаки илм» — «жонли китоб» тарзида яшаб келаётган Шашмақом ва Хоразм мақомларининг удумлари қаърида хилма-хил тушунча ва ибораларнинг қатма-қат бўлиб қолганлиги муқаддас мерос. Бунинг устига Хоразм нотаси қўлёзмаларида арабий, форсий ва ўзбекча ибораларнинг аралашиб кетганлиги ҳам мавжуд ҳақиқат. Лекин бу тушунча ва иборалар бири иккинчисини инкор қилмайди. Аксинча, акс эттирилаётган маънолар оламини аниқроқ тушунишга ёрдам беради. Уларнинг ўрнини топиб ишлатиш эса, мақом тараққиёти кечирган тарихий жараёнларни янада тўлароқ тасаввур этишга имкон яратади.

Хоразм нота ёзувининг афзаллиги шундаки, унда мутаориф мумтоз мақом куйлари имкон қадар тўлақонли ва мукамал равишда хатга туширилган. Мақом китобатларини ёзиб олинишида икки асосий мактаб намояндалари иштирок этган. Бири муштарак ашула ва чолғучиликдан иборат, иккинчиси фақат чолғучиликка ихтисослашган йўналиш вакиллари.

Бундай бўлиниш аслида мақом тараққиётининг табиий эҳтиёжларидан юзага келган. Мусиқа тарихига назар соладиган бўлсак, ашула ва чолғучиликка ихтисослашув илдизлари қадим замонларга бориб, ҳаёт талабларидан пайдо бўлганлигига ишонч

ҳосил қиламиз. Ашулачилик ва унга уйғун чолғучилик — ҳунар, касб (рўзгор тебратиш манбаи) ва шу туфайли ижтимоий аҳамиятга молик. Созанда қилган иши учун ҳақ олади. Элга ҳалол хизмат қилиб ҳақ олишлик, созандачилик рисоласида белгиланган модда.

Чолғучилик эса кўпроқ якка шахс эҳтиёжлари билан боғлиқ. Хон Феруз, Қози Калон Махсумжон ва бошқа аслзодалар мақомнавозлик қилиб ўз завқ ҳавасларини қониқтирганлар. Уларга созандачилик қилиб маблағ топишнинг ҳожати бўлмаган.

Аммо мухлис шинаванда соз санъатининг олдинга бошловчи ва тараққиётини белгиловчи омил. «Санъат — эҳтиёж фарзанди» — деган гап бор. Эҳтиёж қанча кўпайса, созандаларнинг сони ва сифати шунга қараб ошиб бораверади. Хоразмда XIX асрда рўй берган мақом юксалиши ҳам айнан шу созпарвар давлат арбоблари ва оташин мухлисларнинг кўпайиши туфайли содир бўлган. Шунга кўра ижрочи созандалар ва талабгор мухлис шинавандалар умумий мусиқий жараённинг бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлари дейиш мумкин.

Нота китобларини ҳозирлашда ҳам айтилган икки сулук вакиллари ҳамкорликда иш олиб борганлар. XIX асрда Хоразмда мақом тараққиётининг умумий манзарасини кўз олдига келтирсак, унда иккала мактаб вакилларининг ворисийлик ришталари туташиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

<sup>1</sup> Мусиқийда таваққуф (луғ. «тўхташ») — куй нагмаларининг давоматини тўхтатиш, яъни аниқ ўлчовга келтиришни назарда тутади. Таваққуф илми ийқоъ таълимотининг муҳим амалий нуқтаси. Бухоро шашмақомчилари бу ўринда «ист» (тўхташ) ғамасини ҳам ишлатадилар.

<sup>2</sup> Танбур чизиги нусхаларида бу ном шу тариқа берилган. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да эса бу «туп» тарзида келтирилади.

<sup>3</sup> Хоразм мақомлари. Тошкент, 1958, 22-бет.

<sup>4</sup> Шу китоб, 26-6.

<sup>5</sup> Тасниф — синфланган, яъни таркибий бўлаклари мувофиқлаштирилган мусиқий тузулма.

<sup>6</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎзРФА ШИ. Инв № 46 в.

<sup>7</sup> Навбати мураттаб — тартиблашган навба. Навба хилма-хил куйларнинг, яъни мантиқан тугал таснифотларнинг каторга тизилиши, изма-из келиши. Мураттаб сўзининг замонавий мусиқашунослигида ишлатиладиган «функция» маъноси ҳам бор. Навбати мураттаб-таркибий қисмларнинг вазифаси, даражаси (рутбаси) белгиланган навбани англатади.

<sup>8</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосид ул-алҳон. / Тақий Биниш эҳтимоми билан. — Техрон, 1344. 103-6.

<sup>9</sup> Нажмиддин Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎзРФА ШИ. Инв № 468.

<sup>10</sup> «Иккинчи сархона» дейилиши, бугун, биринчи қарашда, ғалати туюлиши мумкин. Аслида бу мақом таснифларига хос хусусият. Дарҳақиқат иккита сархонанинг бири бошланишда, иккинчиси ливж қисмларига ўтадиган жойда келиши мақомларда кўплаб учрайди. Уни дунасра деб ҳам юритадилар.

<sup>11</sup> Арабча байт ул-авсат форсча миёнхонанинг ғайнан ўзи.

<sup>12</sup> Бозгуй — аслан хона шаклидаги такрорланиб

келувчи тузулма. Бошқача айтганда шакли хона, вазифаси бозгуй.

<sup>13</sup> Нақарот — бунда ашула тарзидаги хоналарнинг орасида келадиган чолғу лавҳалари (интерлюдиялар) назарда тутилади. Уларнинг тузилиши хона андозасидан фарқли бўлиши мумкин. Лекин умумий шакли усул мезонларига мувофиқ бўлиши шарт.

<sup>14</sup> Бунда ранг бирон-бир лавҳасининг ўзгарган, тобланган (рангланган), бошқа тусга кирган ҳолда намоён бўлишини назарда тутилади. Маълумки, Бухоро Шашмақомида «намуд» - (кўриниш) тушунчаси мавжуд. Улар куй ривожланиш жараёнининг қайси бир жойида бошида, охирида ва ўртасида келишига қарамасдан ўз номи билан юритилади. Масалан, Намуди Наво, Намуди Чоргоҳ, Намуди Ушшоқ ва ҳ.к. Намудларнинг ўзгарган шаклига эса «ранг» қўшимчаси қўшилиб айтилади: Намуди Наво ранг, Намуди Ораз ранг ва бошқалар. Бухоро Шашмақомининг Ари Бобохонов ёзувидаги нота тўпламида намуд ва ранг тушунчалари зикр этилган тартибга мувофиқ келтирилган. А.Бобохонов Бухоро Шашмақоми. Қўлёзма нусхаси ЎзДКнинг ИИТМда сақланади.

<sup>15</sup> Сўнгги кузатишлардан маълум бўлишича, Шашмақомнинг мазкур тартиби XX аср бошларида барқарорлашган. Олдинги XIX аср манбаларининг баъзиларида биринчи мақом этиб «Наво» кўрсатилади. Бу ҳақда қаранг: А.Джумаев, Ҳ.Аминовнинг мусиқий баёзлар ҳақидаги мақолалари. Шашмақом сабоқлари иккинчи тўплами. Б.32-50; 167-188.

<sup>16</sup> Мушқилот — «шакл» сўзининг ўзагидан олинган. Баъзилар уни «мушқул» сўзига нисбат бериб «огирликлар» деб таржима қиладилар. Фикримизча, бу атамани шаклга ишора этилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари чолғу куйларини «шакл» дейилишига Шарқ ва Ғарб мусиқий маданияти тарихида эътироф этилган ҳолат.

«Наср» иборасига нисбатан ҳам англашил-мовчиликлар мавжуд. Гап шундаки, «наسر» араб ёзувида икки кўринишга эга. Сод (ص) билан ёзилганда у «қўмак», «ғалаба» маъноларини билдиради. Са (ت) билан ёзилганда эса «наسر» сочма (проза) маъносини англатади. Танбур чизиги нусхаларида бу сўз икки кўринишда келади: «сод»лик наср усул, «са»лик наср ашула бўлимининг умумий номи маъносида. Мушқилот ва наср сўзларининг умумий контекстда яқин қўйишлик ҳам мантиққа тўғри келади. Шунда мушқилот чолғу шакллариининг кўплигини, наср (ش) эса ашула таснифотларининг сочмасини билдиради. Мароғийнинг «Мақосид ул-алҳон»ида «назми нағомот» ёнида «насри нағомот» сарлавҳаси ишлатилади. Тартиб интизомга келтирилган ва эркин, сочма асар-таснифот маъносида.

<sup>17</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993. 22-6.

<sup>18</sup> Абу Наср Форобий. Мусика ҳақида қатта китоб. Қоҳира. 1967-й. 48-49 бетлар.

<sup>19</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосид ал-алҳон. Техрон 1344. 105-6.

<sup>20</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва. 1925-й., Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1923-й.

<sup>21</sup> ЎзРФА ШИ инв.№ 6977.

<sup>22</sup> Эски Шарқ табобатида турли касалликларни даволашда, айниқса, руҳий тушқунликдан қутилишда куйдармон (мусиқатерапия) услубларидан унумли фойдаланилган.

Феруз саройининг ходимларидан бири Бобожон Тарроҳ ўзининг мусиқий илмига кириб келишини куйидагича баён этади: — «Беш илмга эгаман. Биринчидан, шоирлигим бор. Иккинчидан хушхат котибман. Учунчидан, эски мактабни тўлиқ битказганман. Тўртинчидан, Олти ярим мақомни тўлиқ биламан. Бешинчидан, мадраса таълимини тўлиқ олганман.

Созни ўрганишим ҳам бир сабаб билан бўлган. Полвон Утар табиб бир куни бизга, яъни Комил Девоний, Юсуф Харрот ва менга, кўзингизни оқи сарғайибди, тезда сизлар шохлихуё (фёъл шаллиги), жинни бўлиб қоласиз, деди. Мен бунинг иложи нима деб сўрадим. — Иложи шуки, соз машқ этасизлар, - деди у. Шундан кейин ўн беш йил муттасил Комил Девонийнинг боқчасида соз машқ этдик...

Комил Девоний гижжакка ҳаваскор бўлди. Юсуф Харрот гармонга ҳаваскор бўлиб, бизнинг чекимизга усули доира тушиб қолди. Устозимиз подшолик созанда Олти ярим мақомни биладургон Муҳаммад Ёқуб позачи бўлди. Мен ҳам чертар, ҳам айтар эдим. Юсуф Харрот ҳам шундоқ эди. Бироқ Комил Девоний чертар, лекин айта билмас эди». Бобожон Таррох Азизов-Ходим. Хоразм навозандалари. Тошкент, 1994-й. 87-89-бетлар.

<sup>23</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Тошкент, 1998-йи. 12-бет.

<sup>24</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 30-бет.

<sup>25</sup> Хоразм классик мусиқасини «Олти ярим мақом» дейилишга ўз вақтида айрим эътирозлар ҳам бўлган. Бундай англашилмовчиликларнинг боиси Шашмақом тамойиллари бугунги ўзбек ва тожик классик мусиқаси учун яккаю-ягона андоза деган қарашлардан келиб чиқилган. Ҳолбуки, Бухоро Шашмақомига қараб, Хоразм ва Фарғонада ўзгача тартибларга асосланган мақом мажмуалари

ишланганлиги амалиётда юз берган тарихий ҳақиқатлигини инкор этиш қийин. Шунга кўра, «Олти ярим мақом» ва «Чор мақом» (тўрт мақом) каби атамалар ташқаридан келтирилган сунъий тушунчалар эмас. Балки жонли анъаналар заминиди, уларнинг ички эҳтиёжларидан пайдо бўлган иборалардир. Шунинг учун ҳам Мақомот тизимининг тадрижий ривожланиш қонуниятларини тўлароқ тасаввур этиш мақсадида, мазкур атамалардан илмий-амалий муомалада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

<sup>26</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993., 43-б.

<sup>27</sup> Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. 1994., 10-б.

<sup>28</sup> Лаффасий. Тазрикаи шуаро. Урганч. 1992., 20-б.

<sup>29</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч. 1992., 22-23-бетлар.

<sup>30</sup> Кўлёманинг ҳошиялари зарҳаллар билан безалган муҳташам хон нусхасининг бир жилди ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда.

<sup>31</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 14-б.

<sup>32</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993., 11-б.

<sup>33</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосид-ул-алҳон. Техрон, 1344. 105-106-бетлар.

Кавкабий. Рисолаи мусиқий. ЎЗРФА ШИ Инв № 468.

<sup>34</sup> Дарвеш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. ЎЗРФА ШИ инв. № 449.

<sup>35</sup> Кўлёманинг асл нусхаси мусиқашунос Илём Акбаров (1909-2002)нинг шахсий кутубхонасида сақланади. И.Акбаров ҳаётлигида унинг ижозати билан олинган фотокопия ЎЗДК Ихтисослашган илмий-тадқиқот марказида мавжуд.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Боғот туманининг Қармиш қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг невараси Ниёзжон Мадаминова отаси Муҳаммад Амин истеъмолида бўлган икки жилдлик кўлёмна нота китобини кўрсатиб, ҳатто бир жилддан фотонусха олишга ҳам ижозат берган эди. Афсуски, ўша пайтда фотонусха олиш тажрибамиз етарлик бўлмаганлиги сабабли сураатлар жуда хира чиққан. Натижада бу манбадан ҳанузгача унумли фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз.

Ниёзжон Мадаминова авлодларига яқинда мурожаат қилганимизда, кўлёмна китоблар дараксиз йўқолганлиги ҳақида ачинарли хабар олдик.

<sup>36</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосид-ул-алҳон. Техрон, 1344. 11-б.

Бу лавҳадаги мабодий (бирлиги мабда) бошла-ниш ва сарчашма маъноларини англатади.

Мутаориф — «урф қилинган» деганни билди-ради ва шу ўринда ҳозирги истеъмолдаги «анъана» тушунчасига маънодош бўлиб келади.

<sup>37</sup> Абдулқодир Мароғий. Мақосид-ул-алҳон. Техрон, 1344. 68-б.

#### IV БОБ. ЎЗБЕК НОТАСИ ЁЗУВ ВА ИЖРО КЕСИМИДА

Хива ҳукмдорларининг машҳури, маданиятпарвар ва энг санъатсевари Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида, аввалги фаслларда биттафсил сўз юритилганидек, хонликнинг адабий ва мусиқий тарихи ўзгача тус олди.

**Китоб маданияти.** Муҳаммад Юсуф Баёний Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг китобга қанчалик қизиқишини ҳамда бунинг бутун халққа бўлган таъсири ҳақида шундай ёзади: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб китобхонлиқ этдурур эрдилар. Андоғким, Юсуф ҳожи охунд ва Исмоил хўжа охунд ва Худойберган охунд ва олими улуми маъқул ва манқулда Мулло Муҳаммад Расул ва фақир ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳафтада икки мартаба ҳозир бўлуб, китобхонлиқ этар эрдуқ. Гоҳо домла Муҳаммад Расул била иккимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлиқ бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар. Алқисса, «Анносун ало дини мулуқиҳим» («Одамлар подшоҳлар йўлидан юрур»)нинг муқтазосича, тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар. Андоғким, Навойи алайҳир раҳма дебдурлар, байт:

Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор,  
Иккисининг суйиға бир маза бор»<sup>1</sup>.

Муҳаммад Раҳимхон китобхонликни давлат даражасидаги сиёсатга айлантирган. Китобни жуда севадиган, академик А.Самойлович маълумот берганидек, «унинг умуман китобга, ундан нусха кўчиришга бўлган иштиёқи жунун даражасида» бўлган Феруз баёзида давлат ишларидан толиқиб, кутубхонага кирар, ўз амрига кўра хаттотлар кўчирган янги китобларни варақлаб ўтирарди. Умуман, «ул ҳазрат фуқаро ва раоё адл-додидин фориг бўлсалар, аксар авқотларини китобхонлиғ ва нуктадонлиқға сарф қилур эрдилар»<sup>2</sup>.

Дарвоқе, хоннинг ота-боболаридан тўпланиб келаётган, ўзининг амри билан кўпайтирилаётган жуда бой кутубхонаси бор эди. Хива кутубхоналарида қўлёзма матнни ҳуснихат ва гўзал нақшлар билан безаш мақсадида мусаввирлар ҳамда моҳир хаттотлар узок, қунт билан ишлар эдилар. Кутубхонадаги бундай ишлар Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмдорлиги йилларида сезиларли равишда кенгайди. Хоннинг ўзи ҳам илм-фан, шеърят ва хаттотлик машғулотларига кўп вақт ажратар эди.

Шарқшунос А. Н. Самойлович таъбири билан айтганда, «илм-фан ва санъатнинг маърифатпарвар ҳомийси» Муҳаммад Раҳимхон II ўз саройида кутубхона қошидаги устахонага катта эътибор билан қараб, тез-тез буюртмалар берар эди. Бу ерда

тарихий, эсдалик, диний ва бадий асарлар кўчирилди. Хиванинг бу даврдаги қатор қўлёзмаларида улар хон буйруғига кўра бажарилганлиги қайд этилган<sup>3</sup>.

Феруз даврида китобхонлик хону уламо, сипоҳий-у тўралардан ўртак бўлиб, кенг халқ оммасига ёйилди. Баёний таъбирича, «тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар». Жумладан, Баёний Хива шаҳзодаси Носирхон тўра Султонийнинг девонига ёзган сўзбошисида (дебоча) унинг васфида бундай дейди: «Ҳафтада икки навбат уламо била суҳбат тузуб, китобхонлиқ этар эрдилар. Ул мажлиси олийда даҳоннинг дуржи лаолий бениҳоятининг бағоят гуҳари шаҳвор нисор этар эрдиларким, ҳама ғоят ҳайратдин лол ва шикаста мақол бўлур эрдилар. Тузуб олимлар ила суҳбати хос. Аларға кам-кам ортар эрди ихлос. Оғиздин бениҳоят кўп гуҳарлар. Сочарлар эрдилар мажлисга яқсар»<sup>4</sup>. Дарвоқе, бутун халқни, миллатни маърифатли қилиш, маънавий савиясини кўтариш учун талай китоб ва китобхонлик масканлари ҳам қурилган эди.

Китобга, китоб ўқишга, эшитишга иштиёқманд Хоразм халқи китобхонлик кечаларини тез-тез ўтказиб турардилар. Хон иштирокидаги китобхонлик кечалари саройда ёки машҳур мадрасаларнинг бирида (аксар вақт Феруз мадрасасида) ўтказиларди. Бундай кечаларда юртнинг энг машҳур ва

обрўли уламо ва шайхлари, таниқли хонанда ва созандалар ҳам иштирок қиларди. Хоразмнинг энг улуғ олимларидан бири Юсуф Ҳожи Доийнинг Арабхон мадрасасида ўтказадиган бедилхонлик кечаси халқ орасида жуда машхур эди<sup>5</sup>.

Ферузнинг китобга бўлган муҳаббати шу даражада эдики, у мусобақаларда ғолиб бўлган ёки унинг кўнглига хуш ёққан кимсага китоб тақдим этарди. Феруз ҳаётининг охириги йилларида Хива хонлигидаги энг яхши бахшиларни чақириб, туркман-човдур Суяв бахши раҳбарлигида айтишув ўтказган. Айтишувда ёш Хўжаниёз бахши Суяв бахшининг ҳурматига сазовор бўлади. Айтишув охирида Феруз томонидан «Мажмуат аш-шуаро» номли китоб Хўжаниёз бахшига тақдим этилади. Ушбу китоб Хива тошбосмасида чоп этилган. Бу китоб эсдалик сифатида бахшининг авлодларида ҳозиргача сақланади<sup>6</sup>.

**Муסיқий хаттотлик.** Феруз саройидаги девонда қирқдан ортиқ шоиру ёзувчи, тарихчи, хаттот, созандаю хонанда фаолият кўрсатди<sup>7</sup>. Хоразм ва умуман, Марказий Осиё халқлари тарихини мукаммал акс эттирувчи «Шажараи Хоразмшоҳий» солномаси, Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуат аш-шуаро» тазкираси вужудга келди. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи ҳам моҳир шоир, созанда бўлиши билан бирга етук хаттот саналар эди. Унинг қўли билан кўчирилган қўлёзмалар ЎзР ФА ШИ кутубхонаси фондида сақланади. Жумладан, Феруз дасхатида битилган Саъдий, Бедил, Умар Хайём ва Ҳофиз рубоийлари тўпламла-

ридан иборат қўлёзма мавжуд<sup>8</sup>. Унинг девони ва яратган ашъорларида форсийда битилган нафис ғазаллар ҳам мавжуддир. «Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: «Мунга пайравлик этиб ғазал айтинглар». Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдиким, токим, ул ғазалларни маснавий зимнида жамъ қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармон мужиби била амал қилиб, ул ғазалларни жамъ қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлгонда, маснавий била ул ғазални айтгон ким эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жамъ қилиб, тамом этиб, ул китобга «Мажмуат аш-шуаро» от қўюлди»<sup>9</sup>.

Муҳаммад Раҳимхони соний 1874 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта Хивада тошбосма ташкил қилди. Шу давргача барча китоблар моҳир хаттотлар томонидан қўлда кўчирилиб, жуда кам нусхани ташкил этарди. Мамлакатда китобхонликнинг авж олиши, китобга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши натижаси эди бу. Кўҳна Аркда тошбосманинг ишга туширилиши билан имконият чегаралари кенгайди, мумтоз адабиётимизнинг ўлмас намуналарини кўп нусхада чоп этиш, ўқувчиларга етказиб бериш мумкин бўлди. Тошбосмада илк бор эронлик Иброҳим Султон деган киши матбаачилик қилган, бу шўъбанинг бошлиғи шоир Табибий бўлган. Чоп этилган китоблар савдога чиқарилмас, фақат олим, фузалоларга, мадрасаларга бериларди<sup>10</sup>. Тошбосма 1908 йилда Тозабобга кўчирилган.

Унга Отажон Абдолов матбаачилик қиларди. Бу ерда Навоийнинг «Хамса»си, Муниснинг «Девони Мунис», Огаҳийнинг «Девони Огаҳий», Ферузнинг «Девони Феруз», шунингдек, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Рожий, Аҳмад Табибий, Мирзо каби иқтидорли шоирларнинг баёз ва девонлари чоп этилганди<sup>11</sup>.

Россияда чоп қилинган асарлар, Қозонда тошбосма усулида нашр этилган Қуръон китоблари, Эрон ноширларининг девонлари Хоразмга ҳам кўплаб келтирила бошланди. Мадраса толиблари энди янги асарларни ҳам ўқиш бахтига мушарраф бўлдилар. Хиваликлар ҳам Татаристонда, Истанбулда чиқаётган газета ва журналларга обуна бўла бошладилар. Масалан, Россияда чиқадиغان «Улфат» газетасига Хиваликлардан Хон ҳазратлари, шаҳзода Исфандиёр тўра, қушбеги ва девонбеги ҳамда қозикалонлар ҳам обуна бўлганлиги эълон қилинган<sup>12</sup>.

Руслар билан Хивага бирга келган журналист Макгахан «Хива шаҳрида 30 қадар масжиди жомеъ ва араб тилида шаръий илмларни ўқитиладиган 22 мадраса бордир. Бу мадрасаларда Истанбулдаги жомеълар каби бепул ўқитилганлиги учун илм талабида мадрасаларда яшаётганлар ҳаддан ташқари кўп эди», деб ёзади ўз саёҳатномасида<sup>13</sup>. Пойтахт Хива шаҳридан ташқари хонлик ҳудудидаги Марв, Кўҳна Урганч, Тошҳовуз, ҳазорасп, Хонқа, Питнак, Шохобод, Хўжаэли каби ўнлаб шаҳарларда кўплаб мадрасалар мавжуд бўлганлигини кўрамыз. Масалан, Данилевский Ҳазорасп тўғрисида ёзаркан, шаҳарда тўққизта

мактаб, Қутлимурод иноқ даврида 1827 йилда тошдан қурилган бир мадраса бор, дейди. Шунингдек, Манғитда битта, Янги Урганчда иккита мадраса бўлганлигини айтиди<sup>14</sup>. А.Л.Кун эса Хўжаели билан Шовотда биттадан мадраса кўрганлигини ёзиб қолдирган<sup>15</sup>.

1909 йилги маълумотларга сўянадиган бўлсак, Хива шаҳрида бу пайтда 1500 мактаб бўлиб, уларда 45 минг бола таҳсил олгани аён бўлади. Ҳусни хат эса ана шу мактаб вақридаёқ ўргатила бошлаган. Кейинчалик мадрасаларда (XIX аср охири XX аср бошларида Хиванинг ўзида 65 мадраса бўлиб, уларнинг 54 таси шаҳарда, 2 таси эса шаҳар атрофида жойлашган) ўқиётган талабаларга ҳам хаттотлик санъати ўргатилар эди<sup>16</sup>. «Шўро» журнаliga А.Усманийнинг Янги Урганчдан ёзиб юборган «Хива мамлакатинда мадрасалар» номли мақоласида «Хиванинг ўзида ўн мингдан ортиқ муллалар бор!» деб қайд этилган эди<sup>17</sup>. Ҳозирги Туркменистон ҳудудида, С.М.Демидовнинг қайд этишича, 1890-1896 йилларда 161 та мадраса, 265 та мулла, 1911 йилга келиб эса муллалар сони тўрт юздан ошиб кетганлигини қайд этади<sup>18</sup>. Яна унинг ёзишича, 1913 йилда Туркменистон ҳудудида олтмишдан зиёд мадраса бўлган экан<sup>19</sup>.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида девонлик вазифасида ишлаган Бобожон Тарроҳ Ходимнинг хотиралари «Хоразм навозандалари» асарида хон саройидаги бош хаттотлар номлари келтирилади: «Хоннинг саройида китоб ёзиб ўлтирган зарринқалам девонлар тубанда кўрсатилади: Биринчи —

Худойберган Муҳркан девон, иккинчи — Муҳаммад Ёқуб харрот девон, учинчи — Муҳаммад Шариф тарроҳ девонлар ўлтирганлар»<sup>20</sup>. Ходим яна хушхат Аҳмаджон Табибийни саройда хоннинг ўз ёнида ўтиришини зикр қилган.

Юқорида тақрир этилганлардан шу нарса маълум бўладики, Хоразм мақомлари нотасини китобат қилиш ишлари ҳам саройнинг энг моҳир хаттотларига топширилган. Яна уларнинг мусиқий-шунослик, созандалик сир-асрорларидан хабардор бўлиши талаб этилган. Бунинг далили сифатида саройнинг бош хаттотларининг барчаси мусиқадан жуда яхши хабардор эдилар. Зеро, нота китобати ишида битта нуқтанинг ортиқча ёки кам қўйилиши мусиқий куй измининг бузилишига олиб келар эди. Шунинг учун саройда Хоразм танбур чизигини кўчирган, чиройли китобат намуналарини яратган хаттотларнинг барчаси мусиқийни англаган, ундан лаззат олабилган моҳир котиблар эдилар. Уларнинг қўлидан чиққан нусхаларнинг ҳаммаси Хоразм китобат тарихи, хаттотлик санъати ва китоб безагининг энг нодир намуналари сифатида тарихга муҳрланиб қолди. Саройда ёш созанда ва мусиқашунослар тайёрлаш билан бирга уларга баробарига танбур чизиги нусхаларини китобат қилиш ишлари ҳам ўргатила борган. Бу нарса манбаларда алоҳида зикр этилади<sup>21</sup>.

**Нусхалар.** Бугунги кунда Хоразм нотасининг бизга ўн еттита нусхаси маълум. Хоразм нотасининг такомиллаштириш ва

унинг қўлланиш доирасини кенгайтириш борасида мусиқашунослар ва созандалар XX асрнинг 30-йилларнинг охиригача изланишлар олиб борган. Қўлёзма нота китобларида учрайдиган илк сана ҳижрий 1299-йил деб кўрсатилган. Бу мелодий 1881-82 йилларга тўғри келади. Хоразм нотаси хусусидаги изланишлар 1937-38 йилларда содир бўлган қатағон замонда миллий маърифатчилик интилишларига узил-кесил чек қўйилиши муносабати билан эътибор доирасидан чиқарилган эди. Шу тариқа, деярлик 50 йилдан зиёдроқ муддат ичида Хоразм нотаси тараққий этиб, пировардда ўз зотида мукамал тизим даражасига эришди. Хоразм танбур чизигининг ривожланиши, унинг тараққиёти учун унинг бошида Феруз ва Комил Хоразмийлар турган бўлсалар, танбур чизигининг юзага келишида иккита йирик гуруҳ - мактаб фаолият юритган.

Танбур чизиги фаолияти даврини 1881-йилгача бўлган ибтидоий даври, 1881-йилдан 1920-йилгача бўлган мумтоз илм сифатида шаклланган даври ҳамда 1920 йилдан эътиборан кенгайиш ва уйғунлашув даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ<sup>22</sup>. Ҳозирда мавжуд танбур чизиги қўлёзмаларининг бизга маълум илк нусхалари 1881-йилнинг бошларига тўғри келади. Шу давргача Хоразм олти ярим мақоми тўлиқ танбур чизигига олиб бўлинган<sup>23</sup>. Бундан биз бу жараён ушбу вақтдан анча олдин бошланган деб фикр билдира оламиз. Бундан ташқари, Комил Хоразмийнинг ёзган нусха ёки кўрсатиб берган ўша «Рост» мақоми чизиклари ҳалигача топилмаган<sup>24</sup>.



Гап Баёний тартиб этган нусхада учинчи ўринга қўйилган Ироқ мақоми ҳақида борапти. Мазкур мақомга оид бўлаги Хоразм нотасининг зуҳури билан боғлиқ айрим мушоҳадалар туғдиради. Биринчидан, Бухоро ва Хоразмда расм бўлган барча мактабларда Ироқ доимо охириги ўринда туради. Баёний нусхасида унинг санаси эътиборига кўра Ироқ бошроқда берилади. Иккинчи томондан ёзма манбаларда нота ишларининг асосчиси Рост мақомининг чолғу йўлини намуна сифатида кўрсатиб берганлиги қайд этилади. Бундан чиқадиги, мазкур Ироқнинг илк нусхаси дастлаб ёзилган мақом мажмуасининг охири эканлиги эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир мулоҳаза. Ироқ қолган нусхалардан фарқи ўлароқ сулс хатида ёзилган. Маълумки, сулс араб ёзувининг энг мўътабар услуби. Шунга кўра бизга номаълум бўлган Хоразм нотасининг илк нусхаси ҳам сулс хатида ёзилишига тавсия этилган дейишга ҳам асос мавжуд.

Хоразм нотасининг иккинчи даврида эса нотанависликка ихтисослашган мутахассислар томонидан мукаммаллаштирилган, анча тараққий қилиб, фойдаланувчилар учун осонлаштирилган. Бу даврнинг охирини 1920 йил деб белгилашимизга сабаб шу йили Баёний бир неча нусхаларни жамлаб, айтим ва чертим йўларини биргаликда қилиб келажак учун муҳим бир нусха яратиш кетганидир. Зеро, бу пайтгача мақомларнинг айтим ва чертим йўлари алоҳида-алоҳида китоб шаклида берилар эди. 1882-1885 йиллар Танбур чизғиларининг энг кўп кўчирилган

йиллари ҳисобланади. Ҳатто китобфурушлар унинг нусхаларини савдога ҳам чиқаришга маваффақ бўлганлар.

Бу фикрнинг далили сифатида бугунги кунда Юнус Ражабий уй-музейида сақланадиган қадрли нусха мисол бўлиши мумкин. Хатига кўра унда сулсда ёзилган лавҳалар ва арабий атамалар кўпроқ ўрин тутуди. Хуллас, умумий йўналишига кўра бу энг илк даврларга мансуб дейиш мумкин. Афсуски, қўлёзмада сана кўрсатилмаган. Энг эътиборли томони шундаки, манба узок йиллар давомида Бухоро Шашмақомининг пирларидан бири Ота Ғиёс Абдуғани истеъмолида бўлганлигидир.

Учинчи даврида эса Хоразмнинг олти ярим мақоми тўлиқ ўзлаштирилгандан кейин энди дотор мақомлари, сурнай мақом йўллари ҳамда Бухоро Шашмақомининг ҳам танбур чизғига ўтирилишга бўлган хусусий уринишларни кўрсатишимиз мумкин.

Маълумки, нота ишларини китобат аҳволига келтириш Феруз буйруғига биноан Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул мирзабошига топширилган. У дастлаб чолғу ва ашула йўллари бўлакчасига забт этилган икки жилдлик ҳашаматли нусха ишлаб уни Ферузга тақдим қилган. Ана шу Хон нусхасининг чолғу куйларидан иборат бир жилди бугунги кунда Тарих музейида сақланади. Ушбу манба асосида нусхалар яратиш ишига Муҳаммад Расул мирзабошидан ташқари мусиқашунослик илмидан воқиф бўлган Хиванинг энг моҳир хаттотлари Худойберган Мухркан, унинг иниси Мулла Исмоил ҳамда Муҳаммад

Юсуф Баёний, Муҳаммад Ёқуб каби устозлар жалб қилинган.

Қўлёзмаларни қиёслашдан маълум бўладиги, Хоразм нота китобларини асосан икки тоифага ажратиш мумкин. Бири сарой кутубхонасида сақлаш учун мўлжалланган «расмий» нусхалар. Улар одатда хушсурат қора тери муқовага қопланган ва хошиялари тилло суви билан безалган катта ҳажмдаги ҳашаматли китоблардир. Иккинчиси созанда ва мусиқашунослар учун мўлжалланган ҳолда ижодий изланишлар жараёнида таҳрир этилиши мумкин бўлган «шахсий» нусхалар. Уларнинг умумий ҳажми ва ичидаги ёзувлари ҳам расмий китоблардагига қараганда бир мунча оддийроқ. Кузатишлар кўрсатадиги, айнан шу ижодий эркинликка мойил содда нусхалар амалиётга кенгроқ жорий этилган. Китоб савдосига ҳам айнан шу ихчам ва қулай китобчалар чиқарилган. Хоразмнинг чекка жойларида ва Бухорода мақомшунослар қўлида сақланган нота нусхалари ана шундай кичик ҳажмда ва эркинроқ тарзда ишланган намуналари бўлиб чиқмоқда.

Хоразм нотаси китоблари хусусида тўлароқ таассурот пайдо қилиш учун расмий ва шахсий тоифадаги устувор нусхаларнинг муаллифлари ва умумий тузилиши ҳақида маълумот бериб ўтишлик лозим. Шу мақсадда Муҳаммад Расул мирзабоши, Худойберган Мухркан, Муҳаммад Юсуфбек, Матёқуб Харрот, Матюсуф Харрот ва Муҳаммад Комил Девонийлар қаламига мансуб нусхаларнинг мазмунини қисқача изоҳ беришни маъқул кўрдик.

Ва ниҳоят, Хоразм нотасига вобаста яна бир муҳим мақом йўлларини ёзиш тадбири сўусида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли. Гап шундаки, Феруз саройида ўз соҳасининг етук устози даражасига эришган бир қанча созанда ва гўяндлар вояга етишган. Ана шундай забардаст созандалардан бири Каландар Дўнмас эди. У Европадан Хивага инги келтирилган овоз ёзиш ускунаси — «механик фортепиано» ёрдамида Хоразм мақомларининг чолғу йўлларини забт этишга муяссар бўлган. Унинг ижросида ёзилган мақом йўллари Хоразм нотасига таяниб амалга оширилган. Шу боисдан Хоразм нотаси ҳақида сўз боғанда бу манбага ҳам тўхталиб ўтишни зарур деб топдик.

Хоразм танбур чизигининг аввалги даврларида ёзилган нусхаларида атамалар араб тилида ёки нари борса форс тилида баён қилинган. Масалан, Баёний нусхасида хоналар номи сулс хатида «ал-Байт ал-Диввал» ва ҳ.к. тарзида берилган бўлса, ҳаттоки, Юнус Ражабий уй музейида сикланаётган нусхада Рост мақоми араб ва форс тилида: «Мақаам ат-тайаамун, ба-форсий рост» деб ифодаланган. Бундан мусиқашунослар ушбу кашфиётларини соф илмий мусиқий рисолалар деб тасаввур қилганлар. Кейинги даврларда халққа яқинлаштириш мақсадида маҳаллий тилда кўчирила бошланган.

**Муҳаммад Расул Мирзабоши.** Адабий таҳаллуси Мирзо 1921-йилда 83 ёшида вафот қилган. Паҳлавонийез мирзабошининг катта ўли. Ўз замонасининг етук мақомшуноси ва

Хоразм нота ёзуви ишларига мутасаддилик қилган арбоб. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да «Муҳаммад Расул мирзабоши Хоразм мусиқийсининг биринчи ислохотчиси ҳам нигоҳбони ва муҳофиз деб ҳисобланса ўрни бордир» дея баҳо берилади<sup>25</sup>. Бунда «ислохотчи» тушунчаси Феруз замонида урф этила бошлаган Олти ярим мақом тизимининг янги мезонларини амалиётда тадбиқ этилиши назарда тутилади. «Нигоҳбони», яъни назоратчиси мумтоз мусиқанинг ана шу нота ёзуви воситасида расмийлаштирилган қонун-қоидаларига тўғри риоя этилишини кузатувчи мутасадди тушунилади. «Муҳофиз» эса мақомларнинг муштарак илмий ва амалий асосларини сақловчи жонли тимсоли кўзда тутилади. Булар ҳаммаси Муҳаммад Расул мирзабоши фаолиятининг расмий тарафи.

Ижодий жиҳатдан Мирзо ўз замонасининг етук шоир ва шеършуноси, созанда ва мусиқийшуноси сифатида шуҳрат қозонди. У танбур, ғижжак ва дутор чолғуларини етук ижрочиси, мақом вазн асосларини пухта ўзлаштирган олим ҳамда моҳир усулчи доирадаст сифатида ҳам ўз замонасининг пешвози бўлган. Нота ишлари жадал суръатлар билан тараққий топа бошлаганда у тахминан 40 ёшларда бўлган. Умрининг қолган 40 йилини ана шу жаҳоншумул мусиқий тадбирни камол топишига сафарбар этган. Айни чоғда у шеърят илмининг билимдони бўлиб ҳам элга танилди. Феруз саройи атрофидаги кўп шоирлар, айниқса, ижодга дастлабки қадаб қўяётган ёшлар қаламига мансуб шеърларни таҳрир қилиниши кўпроқ Мирзога топширилган.

Муҳаммад Расул Мирзо ёшликда илм таҳсилини Хива қозиси Иноятуллоҳ охунддан олади ва «хаттотликда ҳам анчакли хушхатли бўлганидек», у араб ва форс тилларидан баъзи китобларни таржима ҳам қилади. У мадрасада форс тилидан дарс ҳам беради. Бундан ташқари у «таъаллуқ ва насх хатларини хийлигина гўзал ёзар эрди. Муҳаммад Раҳимхон ва Исфандиёрларнинг амри билан бир неча китобларни ёзуб чиққондур. Тақрибан беш юз кишига хат таълим бергандур»<sup>26</sup>.

Унинг ниҳоятда бой кутубхонаси бўлган. Бу муҳташам китоб даргоҳи авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўша даврнинг сулолавий кутубхоналарининг типик намунаси деса бўлади. Кутубхонада китоблар фақат шу ерда ўқишга бериларди. Уйга олиб кетишга берилмаган. Унинг китоблари сонини Ю.Юсупов 5000 дан ортиқ китоб, деб ёзади<sup>27</sup>. Афсуски, ушбу нодир қўлёзма ҳамда босма китоблар кутубхонаси 1916 йил 10 январь кечаси Хивада қўзғолон кўтарган явмутлар томонидан ёқиб юборилган<sup>28</sup>.

Мусиқашунослик борасида Хоразм Олти ярим мақомининг парда тизимини танбур табулатурасига мувофиқлаштириш ҳамда доира усулларини устозлар амалда қўллайдиган гуп тақ тақа таққа шартли белгиларида ёзиб олиш ва нота китобларига қўшишда устоз Муҳаммад Расул етакчи мутасадди бўлган. Шу нуқтаи назардан отаси бошлаб йўл-йўриқ кўрсатган Хоразм нотасини ўз ўрнида мукамал мусиқий ёзув даражасига етишида унинг хизмати каттадир.

Шашмақом ва Хоразм мақомлари тизими икки асосий ва нисбатан мустақил йўналишларда жорий этилган. Бошқача қилиб айтганда, Шашмақомнинг умумий андозаси (моделли) икки нав кўриниши, чолғу ва ашула йўллари тарзида намоён бўлади. Бизнинг давримизга ҳам Шашмақом ва Олти ярим мақом удумлари айнан шу алфозда етиб келган. Мазкур урф-одатларга кўра мақом устозлари кўпинча чолғучилик ёки ашулачилик соҳаларида ихтисослашган бўлади. ҳаётда танбур ёки бошқа асбобларни меъёрига етказиб чаладиган ашулачилар кўп бўлган. Бироқ бу мақом тараққиётининг икки соҳаси алоҳида ривожланувчи йўналишлар дейдиган тамойилни инкор қилмайди. Мақом илмида ана шундай икки тарафлама мукамалликка эришган саънаткорлар «Устози кулл» ёки «Куллиётий» дейилган. Муҳаммад Расул мирзабоши ўз даврининг ана шундай куллиётий шахси бўлган.

Шунга эътиборан 40 йил мобайнида изчил давом этган нота китобларини ҳозирлаш ишида Муҳаммад Расул мирзо етакчилиги қилган. Унинг бевосита шогирдлари Муҳаммад Юсуф Баёний, Муҳаммад Ёқуб Харротлар битган қўл ёзмада бу иш Домла Муҳаммад Расул қўли остида амалга оширилганлиги қайд қилинади. Муҳаммад Расул ўз қўли билан ёзилган шоҳона ва расмий нусхалар Хоразм нотасининг энг устувор намуналари ҳисобланади. Уларнинг ташқи кўриниши ва ички мазмуни Хоразм нота ёзувчининг мумтоз нусхалари эканлигидан далолат

беради ва хаттотлик ҳамда мусиқашунослик туташувида кашф қилинган мусиқий тадбирнинг юқори илмий ва баъдий салоҳиятидан дарак беради.

Хоразм танбур чизигининг ноёб нусхаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида (кейинчалик у Давлат Тарихи музейига ўтказилган) асраб келинади. Сегоҳ, Бузрук ва Дугоҳ мақомларидан 51 номдаги куйларнинг нотаси сақланиб қолган. Қўл ёзма хонга атаб жуда дабдабали қилиб ишланган, ҳошияларига тилладан жадвал тортилган бўлсада, ҳозирда унинг асл муқоваси йўқолганлиги боис замонавий муқова қилиб қўйилибди. Чиройли настаълиқ хатида араб ва форс тилида ёзилган. Асосан мақомларнинг чолғу қисмлари. Қўл ёзманинг ҳажми катта: 26x57 см. бўлиб, матн 24x55 см. Мақомларнинг ҳар бирига алоҳида саҳифа рақамлари кўрсатилган. Асарда Рост мақомидан ҳам бир варақ аралашиб юрибди. Демак, китоб тўла бўлган ва икки жилдда шу тариқа ишланган. Сегоҳ ва Бузрук мақомлари тамом бўлгандан сўнг куйларнинг мундарижаси берилган ва 1300 ҳ. йил Ражаб ойи санаси (1882 йил Май ойи) қўйилган.

Санъатшунослик институтида Муҳаммад Расул Мирзо нусхаси ҳам бор бўлиб, 342 тартиб рақамида сақланади. Ушбу ноёб қўл ёзмани Бокулик Мирҳамид Юсуф (лақаби Қора махзум бўлган) томонидан 1940-йил 28-июлда Холхўжа Жалиловга ҳадия қилинган. Бу қўл ёзманинг 01а варағига араб ёзувида битиб қўйилган.

Қўл ёзманинг ўлчами 22x35 см. бўлиб, қора настаълиқда рус қоғозига кўчирилган. 165

варақдан (329 бет) иборат бу нусхада Хоразм мақомларининг айтим йўллари нотаси берилган ва ҳар бир мақом «... мақомни кули нақшлари ва уфарийси била чизиги» деган сарлавҳа билан бошланган. Китобнинг бир неча жойида кўчирилган йил ва ой санаси кўрсатиб кетилган. Жумладан, Дугоҳ мақоми тугаганда 1300 ҳ. йилнинг ўн бешинчи Ражаб ойи эканлиги, Сегоҳ мақоми тамом бўлганда эса шу йилнинг Рамазон ойининг 20 си эканлиги қайд этилган. Китоб охирида эса китобат 1300-ҳижрий йилнинг ўн бешинчи Жумодий ал-аввал ойида тугатилганлиги Муҳаммад Расул Мирзо томонидан араб тилида зикр қилинган.

Муҳаммад Расулнинг юқори мақомдаги созанда ва шоир эканлигини исботловчи бошқа бир омил шундан иборатки, унинг ижодига мансуб Мусаббаи Рост ва Уфориси нуфузли мақом ҳайъати томонидан мумтоз асарлар сифатида эътироф этилиб, танбур ёзувлари мундарижасига киритилганлигидир. Айтиб ўтилганидек, Хоразм устозлари томонидан ашула йўлларида урф этилган тартибга кўра ҳар қайси мақом туркуми бошдан охир бир шоир шеърлари билан ижро этиш одатини расм қилиниши шеърлари мақом йўлларида дарж қилинган аллома шоирлар Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Ферузлар билан бир қаторда, Мирзонинг номи ҳам бўлишлиги унинг шоирлик эътиборини тан олиншининг ишончли далилидир.

**Худойберган Муҳркан** (1920-йилда 98 ёшида вафот этган). Ғоят хушхат хаттот сифатида нафақат Хоразмда, балки бошқа

кўшни мамлакатларда ҳам донг чиқарган. У Хини хонининг хусусий муҳркани, тўпчи, соатсоз ва бошқа нафис ҳунарларда ҳам тўпбор қозонган. Бундан ташқари мусиқий шашеърият илмларининг соҳиби, моҳир тўпбор, гижжак ва дутор ижрочиси бўлган. Қиёсий манбаларга кўра, унинг пиру устози, отаси Муҳаммад Паноҳ тўпчи Хива хонларининг бош қуролсози ва нафосатли илмларининг дилнавози бўлган. Ниёзхон Хўжанинг чолғучилик илмига ихтисослашган шогирди Маҳсумжон қози мактабига алоқадор. Худойберган Муҳркан ҳам ўз талафлари тутган чолғучилик соҳасига ихтисослашган мусиқийшуносдир. Худойберган Муҳркан ҳақида бошқаларга нисбатан тўлароқ маълумотни «Хоразм мусиқий тарихчаси»да ўқиймиз: «Бу киши Саййид Муҳаммадхон замонидан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхони соний ва Исфандиёр ва Саййид Абдуллоҳхон замонларида муҳркан ва котиб бўлиб келгандур. Ўзи ғоят хушхат бўлиб, насх ва таъаллуқ (таълиқ) хатларини гўзал ёзар эрди. Муҳрканликда Хоразм ва Туркистоннинг бошқа ерларина қорағонда замонини яктоси эрди. Танбур чертмоқни ҳам билур эрди. Едди мақом нағмаларини бир мартаба чизуб чиқғондур. «Сақили Муҳркан» одида Рост мақомина боғлағон бир нағмаси бордур. 1338 чи ҳижрий йили (1920 й.) Рабиъ ал-аввал ойининг 20 чи жумъа гуни ўз уйи Сангар деган мавзуьда 98 ёшида бўлғон ҳолида вафот бўлғондур»<sup>29</sup>. Худойберган муҳркан қўлёмалар хотимасида ўзининг касбу ҳунарларини мана бундай санайди: «Ал-фақир у ҳақир, хоксори

зарравор бал-ғубори осор муҳркан, тўпрез, соатсоз Худойберган девон ибн устод Муҳаммад Паноҳ Хоразмий»<sup>30</sup>.

Худойберган бошланғич мактабни битиргандан кейин, отаси уни Хивада Эрмон халифа исмли хаттотга шогирд қилиб топширади. У кишида Худойберган бир қанча вақт хат машқ қилиб, хатини камолга етказди. Устозининг таълимига қаноатланмай, настаълиқ устози Мир Имодининг қитъаларини топиб, унинг хатига тақлид қилиб машқ қилади<sup>31</sup>.

Худойберган Муҳркан Шарқнинг буюк даҳолари яратган ноёб қўлёмаларни кўчириб, сарой кутубхонасини бойитган ҳамда, энг асосийси, ўзининг услубий мактабини яратган машҳур хаттотлардан биридир. У битта «Ё» ҳарфини чиройли ёзиш учун олтмиш кун ҳаракат қилган экан<sup>32</sup>. Худойберган Муҳркан қариган чоғида хон уни сарой кутубхонасининг бир хонасига таклиф қилади. Ўша хонада жавонларга, токчаларга дид билан тахлаб қўйилган китобларни машҳур хаттотга кўрсатиб, «Бир инсон узоқ умр кўрсаю, ушбу китобларни кўчириб чиқишга уринса, унинг умри етадими?» деб сўраганида, Худойберган Муҳркан: «Шунча китобни қўлда кўчиришга ўн хаттотнинг умри ҳам етмаса керак» дейди. Шунда хон машҳур хаттотни ҳайратга солиб, «Ушбу асарларнинг бариси сизнинг муборак қўлларингиз билан кўчирилган» деган экан<sup>33</sup>.

Мақомшуносликнинг икки нисбатан мустақил тармоғининг жорий этилиши муносабати билан яна бир қизиқарли жиҳат.

Ашулачиликка бел боғлаган мақомчиларга бу касби-кор, яъни кун кечириниш, рўзғор эҳтиёжи. ҳофиз ашулачи учун чолғу асбоби унинг таянчи, ўзига хос ҳамнафаси, қисқаси, ашулачи эл хизматини қилиб кун кўради.

Чолғучиликка ихтисослашган мақомшунослик эса кўпроқ қалб амри, инсоннинг ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш учун қулай омил. Шу тариқа чолғу ижрочилигига бўлган ишқ-ҳавас кўпроқ аслзода ва зиёлиларга хос амал бўлиб келган. Хива тарихида соз санъатига меҳр қўйган хонлар кўп бўлган. Улар қаторида Муҳаммад Аминхон, Саид Муҳаммадхон ва Муҳаммад Раҳимхон Ферузларни номларини тилга олиш мумкин.

Феруз саройининг хушхат хаттоти Худойберган Муҳркан ҳам етук мусиқийшунос сифатида Хоразм мақомларини тартиб ва низомларини расмийлаштириш ва нота китобларини ҳозирлаш ишига жалб қилинган. Худойберган муҳркан тузган нота китобининг ажойиб нусхаси бизгача етиб келган. Санъатшунослик институтида 343 рақами билан сақланадиган яна бир қўлёмлада Хоразм мақомларининг чертим йўллари мавжуд ва унда 75 та куй ўз ифодасини топган. Бу нусха ҳам 1301 ҳ. йилда настаълиқ хатда қора сиёҳда кўчирилган. Китоб ўлчови 21x26 см. бўлиб, зангори ва қирмизи рангда ҳошияланган.

Унда еттита Хоразм мақомининг чолғу йўллари мукамал ва муфассал равишда хатга туширилган. Айнан шу нусха туфайли Хоразм мақом йўлларини етти туркум Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Бузрук, Ироқ ва

Панжгоҳ сифатида тартиб этиш одати юзага келган. Бундай тушунчага асос берувчи омил шундан иборатки, Ниёзжон хўжа мактабида таълим топган чолғучи мусиқийшунослар Бухорода урф этилган дастурлардан фарқли зикр этилган еттита мақомни ҳам ягона чолғу нави андозасида ишлаганлар.

Шарқшунослик институтида сақланаётган 1199 тартиб рақамли нусхада Хоразм танбур мақомларининг чертим йўлларига мансуб 69 та куй битилган. Қўлёзма 375 варақдан иборат, 22,5x35 см. ўлчамдадир. Нусха 1299 ҳ. санада кўчирилганлиги олтига ўринда кўрсатилган.

Мазкур институт фондида 7406 тартиб рақами билан сақланаётган нусха жуда муҳим. Асарнинг муҳим томони шундаки, кўчирилган ҳар бир куйнинг усули муфассал кўрсатиб кетилган. Шундай қилиб, Хоразм мақомларининг чертим йўлига мансуб 31 та куйнинг дойра усуллари батафсил ўз ифодасини топган. Нусха 1301 ҳ. йилда кўчирилган. Шарқшунослик институтида сақланаётган мазкур иккита нусхани ҳам Худойберган муҳркан нусхаси деб тахмин қилинади. Чунки, дастхат ва китобат услуби Худойберган Муҳрканникига жуда яқин.

Шашмақом ва Хоразм мақомларининг чертим йўлларининг ўзига хос томони шундаки, бошқа мақом навларидан фарқли ўлароқ чолғу шакллари ашула йўлларидан фарқ қилувчи таснифотлар туркуми бўлиб гавдаланади. Чолғу навининг ўзига яраша томонларидан бири шундаки, улар таркибида мураккаб ва катта ҳажмдаги усулларга асосланган мураббаъ, мухаммас,

мусаддас, сақил ва се усул каби улкан таснифотларнинг жой олишидир. Масалан: сақил 48 зарбдан иборат йирик усул тузилмасига асосланган бўлса, се усул деб номланувчи уч қисмлиқ усул тузилмаси 76 зарбдан иборат.

Юқорида қайд этилганидек мақом мафкуриси парда ва усул асослари қатъий сарҳисоб этилган ҳамда мутаносиб уйғунлашган тизимга асосланади. Муайян куй жадвали асосига 76 зарблиқ усул тузулмасини жойлаш ижрочининг юксак даражадаги илм ва маҳорат уйғунлигини талаб қилади. Бундай мураккаб куй ва усул андозаларини моҳиятини тушуниб ижро эта билишлиқ мусиқий ихтисоснинг олий даражасида бўлишлиқ тақозо этади.

Худойберган Муҳркан қаламига мансуб нота китобида ана шундай мураккаб усул тузулмалари муфассал белгиланиб нота ёзувларига олинган. Бу эса ўз навбатида нота китобининг муаллифи нафақат беназир хаттот, балки забардаст мусиқашунос бўлганлигидан ҳам далолат беради. Устоз санъаткорнинг Хоразм мақомлари таркибига киритилган Сақили Муҳркан куйи унинг олий мақомдаги созанда ва мусиқашунос сифатида эътироф этилганлигини далиллайди.

**Муҳаммад Юсуф Бобожонбек Баёний.** Ижтимоий келиб чиқиши Хива хонлари авлодига мансуб. Буюк тарихнавис мутахассисларнинг фикрига кўра, унинг йирик тарихий асарлари Мунис ва Огаҳийдан кейин нафақат Хоразм, балки бутун минтақа ўтмишига оид шончли манба

тарзида тан олинади. Баёний — унинг шоирлик тахаллуси. Бу соҳада ҳам салоҳиятли ижод эгаси. Мусиқашунослик борасида ҳам Хоразм мақом ва нота илми соҳасида ўз устози Муҳаммад Расул мирзонинг муносиб шогирди бўлиб майдонга чиқди.

Хоразмнинг энг машҳур хаттотларидан бири бўлиб етишган Баёний ўз даврининг етук олими Яхшимуродбекда таълим олади. Араб ҳамда форс тилларини мукамал эгаллайди. Шу тиллардан Феруз фармони билан таржималар қилади. Баёний девон ҳам тартиб қилган. Шунингдек, Дарवेश Муҳаммад (1681 й.)нинг «Саҳойиф ал-ахбор», Биноий (1512 й.)нинг «Шайбонийнома», Жарир Табарийнинг «Тарих ат-Табарий», Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Равзан ал-аҳбоб» асарларини таржима қилган. 1910 йилда «Шажараи Хоразмшоҳий» номли йирик тарихий асарини ёзади. Сўнгра «Хоразм тарихи» деб аталадиган алоҳида тарихий асар ҳам битди.

Кейинчалик тошбосмада «Девони ҳафти шуаро» асарига ноширлик ҳам қилади. У араб ҳамда форс тилларидан ташқари рус ва ҳинд тилларини ҳам биларди. Баёний Хиванинги бетакрор хаттотларидан бири ҳисобланган. «Аммо Баёний хушхатлиқ илмида ҳам жуду маърифатлиқ бўлганидек, хатти кўфий, хатти сулс, хатти шикаст, хатти райҳоний, хатти инжил, хатти ҳиндийга ҳам анча маълумотли бўлиб, ўқиб ёза билур эрди», деб хабар беради Лаффасий<sup>34</sup>. Баёний 1910–21 йилларда Хива маориф ҳузуридаги вақф шуъбасининг мудири вазифасида ишлаб, 1923 йилда вафот қилган<sup>35</sup>.

Баёнийнинг бизга нота ёзуви Хива хонлари тарихи тугаши арафасида 1338 ҳижрий, 1919 мелодий йилга мувофиқ санада жамлаб китобат акролика келтирилган антиқа нусха мерос қолган. Бундан ташқари ўтган асрнинг 70-йилларида Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани Қармиш қишлоғида истиқомат қилувчи Юсуфбек Баёнийнинг набираси Ниёзжон Мадаминова қўлида ота-бобларидан қолган Хоразм мақомларининг чолғу ва ашула йўллари битилган икки жилд нота қўлёзмаси мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар томонидан ўша пайтда тажрибасизлик қилиб китобнинг бир қўлёзмасидан чала-чулпа фото нусха ҳам олинган эди. Бу кўчирма дала шароитида ва тажрибасиз суратчи томонидан амалга оширилганлиги ҳамда саҳифаланмаганлиги тўғрисида фото нусхадан натижа чиқариш амри мўҳол бўлди. Шундай бўлсада, ўша вақтларда Хоразм нотаси мавзусида изланишлар олиб бораётган кекса мусиқашунос Илёс Акбаровга қўлёзма тақдим қилинган эди. Профессор Илёс Акбаров ўз қиёсий тадқиқотларида қўлланилган манабалар қаторида бу нусхани ҳам эътиборга олишни мақсадга мувофиқ топгандилар.

Кейинчалик замонавий ускуналарни ҳозирлаб, қўлёзмалардан нусха кўчириш мақсадида Ниёзжон Мадаминова илодларига мурожаат этганимизда нота китоблар кимнинг қўлида қолганлиги ҳақида аниқ маълумот беролмадилар. Ўз вақтида ишни пухта қилиб Баёний қўли теккан ва ижодий изланишлар олиб бориб таҳрир этган нусхаларидан илмий ишга яроқли копиялар олинмаганидан ҳанузгача нафус қилишдан ўзга чорамиз йўқ.

Хоразм нота ёзувларининг мумтоз нусхаларини ҳозирлаган Муҳаммад Расул мирзо, Худойберган Муҳркан ва Муҳаммад Юсуф Баёнийлар етук олим ва санъаткор сифатида ўз ишига қатъий масъулият билан ёндашганлигини гувоҳи бўламиз. Тилга олинган бедарак нусхаларда қайта ёзилган, чизиб-ўчириб таҳрир қилинган лавҳалар кўп эди. Ана шундай таҳририй ёндашуви бизгача етиб келган Баёний нусхасида ҳам яққол сезилиб туради.

Антиқа нусханинг ички мазмуни хусусида сўз юритишдан олдин, нота китобларини ҳозирлаган мўътабар устозлар одобига оид бир ҳикмат хусусида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ топдик. Гап шундаки, Баёний китоби юқорида айтганимиздек, Хива хонларининг даври тугаб янги ғалаёнли замонларнинг нафаси сезила бошлаган бир пайтда амалга оширилган. Нота китоби билан деярлик бир даврда яратилган Баёнийнинг даврон ғамидан ҳасратларга тўла мухаммасидан мисол келтирамиз:

Чун ҳукумат аҳли тобдилар жаҳонда иззу шон,  
Айладилар даҳр аро фақр аҳлининг бағрини қон,  
Кибр ила кинга ясаб қонуни ғадр айлаб аён,  
Не шариатга, не законга амал айлаб ул он,  
Мустабидлар жавридан бехонумон ўлди жаҳон.

Ана шундай мушкул пайтларда буюк аждодлар иймон таянчи ва руҳ озуқи деб қараган мусиқий мерос намуналарини тўплаб авлодлар ихтиёрига ҳавола этишни мақсад қилади.

Баёний нусхаси<sup>36</sup> деб аталадиган мазкур танбур чизиги қўлёзмаси мусиқашуносларимизга анча таниш. Ушбу қўлёзмани ўз даврининг етук мусиқашуноси Муҳаммад Юсуф Баёний тартиб берганлиги учун шундай дейилади. Асар бир қарашдаёқ, бир нечта хат услубида кўчирилганлиги билинади. Нусханинг муҳим томонларидан бири, унда айтим ва чертим йўллари биргаликда берилган бўлса, у турли даврларда ҳар хил савиядаги хаттотлар томонидан кўчирилиб, кейинчалик тартиб қилинганлиги танбур чизигининг кўчирилиш тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ҳақида тасаввур уйғотади.

Баёний нусхаси 234 варақдан иборат бўлиб, 17x22 ўлчамга эга. Матн эса 14,5x18 ўлчамда битилган. Баъзи варақлар китобга нисбатан горизантал қилиб чизилган бўлса, баъзиси вертикал қилиб ёзилган. Китобга рус қоғози ва Қўқон шалдиरोқ қоғози ишлатилган. Қора сиёҳ ишлатилган бўлса ҳам баъзи ўринларда тўқ қора, баъзисида қирмизи ранг ишлатилган. Параллел чизиклар гоҳида қирмизи сиёҳда чизилган. Сарлавҳалар Хоразм хаттотлари кўп қўллаганларидек, қизил сиёҳда ҳам кўчирилган. Умуман, танбур чизиги нусхаларида бу ҳолат кузатилади, айрим ҳолларда усуллар қирмизи сиёҳда чиройли настаълиқда ёзилади.

Ушбу нусха турли котиблар томонидан китобат қилинганлиги ҳамда махсус китоб қилиш мақсадида кўчирилмаганлиги сабабли Баёний тартиб бериши ва жамлаши чоғида мақомлар ўринлари, мақомлардаги куйларнинг жойлашиши ўзгариб, бошқа-

бошқа варақларга ўтиб қолган. Китобнинг баъзи бетлари ва варақлари очиқ қолган, ҳеч нарса ёзилмаган. Ана шу жойлардан хат услуби ҳам ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Баёний нусхасида 136 та куй нотаси берилган. Наво ҳамда Сегоҳнинг таронала-рида сўз матнлари тўла келтирилган. Наво мақомининг тани мақомида «анга» радифли Огаҳийнинг 7 байтли ғазали, Талқини мақоми

Навода эса Ферузнинг «базм» радифли ғазали тўла кўчирилган. Рост мақомида Сайри гулшан таронасида битта байт бор холос, бошқа мақомларда умуман сўзлари кўчирилмаган.

Қўлёманинг хотимаси куйидаги дуо билан тамом этилиши ҳам эътиборга лойиқ. Хотима аслида арабий ва форсий аралаш муламмаъ шаклида битилган. Ўзбекчага ўгирилганда унинг мазмуни куйидагича: «Фақир ва камтар Муҳаммад Юсуф ибн Бобожонбек, Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини ёпсин, қўли билан 1338 тарих Жумодиял аввал ойида тамом бўлди.

Эй раб, бу илми билиб, менга дуо қилган кишининг иймонини сақла!».

Дуонинг маъносини бизга тушунарли бўлган тилга ўтирадиган бўлсак, уни шундай изҳор этиш мумкин. Мақом илмига қанчадан-қанча улуғ устозларнинг руҳияти синган муқаддас маънавий мерос. Ҳали ундан кўп авлод баҳраманд бўлгуси. Пок ниятлар билан китобни қўлга олганлар, ўтган устозлар ҳаққига дуолар қилсинлар.

Дарҳақиқат, қўлёманинг тақдири унинг муаллифи битган дуоларнинг ижобат бўлаётганлигини исботлайди. Гап шундаки, Баёний тузган нота китоби аслида сарой кутубхонасида сақлаш учун мўлжалланган. Орадан кўп вақт ўтмай, хонлик тарқатилгандан сўнг нусха Хоразм шўролар жумҳу-

риятининг маориф нозирлиги ихтиёрига ўтган ва бошқа расмий нота китоблари қаторида мусиқий таълим соҳасида истеъмол қилинган<sup>37</sup>. 1924-йилда Хоразм шўролар жумҳурияти тарқатилгандан кейин китоб шу вақтларда мусиқий таълим ишларига мутасаддийлик қилиб юрган арбоб ва устоз Матюсуф Харратов қўлида қолган. Маълумки, кейинги пайтларда Матюсуф Харратов Самарқанд мусиқа ва рақс институтида мураббий ва Тошкентдаги мусиқий таълим ва тарғибот ташкилотларда хизмат қилган. Пировардда бизга номаълум сабабларга кўра қўлёмна М.Харратовнинг шогирдларидан бири атоқли арбоб ва композитор Мухтор Ашрафий мулкига айланган. Нусхада М.Ашрафийнинг шахсий кутубхонаси муҳрининг излари сақланган.

Илёс Акбаровнинг айтишларига кўра, 1972-йилда Мухтор Ашрафий иккинчи марта консерваторияга ректор бўлиб келгач, шу вақтда эски нота ёзувлари билан шуғулланиб юргани учун нусхани унга берган. Шу пайтларда домла Илёс Акбаров қўлидаги ноёб нусха тўғрисида расмий матбуотда хабар тарқатмаслик шарти билан мусиқашунос Отаназар Матёкубовга фойдаланиш учун берган эдилар. 80-йилларга келиб, ўтмиш меросига бўлган сиёсат бир оз юмшагандан кейин, кекса устоз, ҳаттоки, унга қўлёмнадан нусхалар олиб мавзуга қизиқувчи мусиқашунос ва созандаларга тарқатиб беришни илтимос қиладилар. Ана шундай турли ҳаёт гирдобларидан эсон-омон ўтиб муборак қўлёмна яна мақом илми хизматига қайтди.

Handwritten musical notation on a page titled "حضرته سيد محمد حسين بهادر خان ناني". The page contains 13 numbered staves of music. The notation is a form of Persian or Uzbek musical notation, likely using the "Sema" system. The text on the page includes the title and several lines of handwritten text, possibly lyrics or a dedication. The page is numbered 136 in the bottom left corner.

Баёний тузган нота китобининг энг ноёб хусусияти шундаки, унда мақом ва нота илмининг пири устозлари турли вақт ва шароитларда ва хилма-хил услубларда ёзилган матнлар жамланган. Китобнинг энг бошида кекса одам қўли билан ёзилган хуснихатдан ташқаридаги бир мўжаз варақ мавжуд. Мутахассисларнинг тахмин қилишига кўра, бу аллома Комил Хоразмий қўли билан битилган намуна деб топилмоқда.

Бундан ташқари мазкур ноёб китоб ичида нота ёзуви ишлари энг авжига чиққан 1300 ҳижрий (1882 мелодий) йилда Домла Муҳаммад Расул қўли билан ёзилган. Бузрук мақомининг нусхаси ҳам бор. Хотима (колофон) Унвон тарзида битилган бу давҳанинг маъно мазмунини ўрганиш, ҳамда Хоразм нотасини ундан олдинги мақом манбаларига оид ришталарни тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга:

«Муаллифидан: Замон султони Хоқон ўғли Хоқон ўғли Хоқон Абул Музаффар ва Абулфатҳ (китобнинг тепасида ҳазрат Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон соний сўзлари бор), Аллоҳ унинг мулкани ва султонлигини абадий қилсин, амри билан ушбу Бузрук деб аталадиган мақомнинг қораламасини яхши кун, йил, фаслларда тароналар, муқаддималар, талқин ва насрлар, суворийлар, нашқлар, уфар ва усуллар билан бирга зеҳн ва ақл, ато этувчи зот ёрдами билан ёшу қарига атаб, бандаларнинг камтарроғи рад ва қабулга кўз тутувчи (бўйсинувчи) Домла Муҳаммад Расул 1300 санада тамом қилди».

Бу қисқа баёнот нота илмининг тарихига оид жуда муҳим ҳужжат. Биринчидан унда илк бор мақомларни нотага олиниши подшо амри билан қилинган иш эканлиги расман тасдиқланади. Мақомларни нотага олиш Феруз буйруғи билан бажарилганлиги кўп жойларда қайд этилсада, ёзма битилганлигининг эндигина гувоҳи бўлиб турибмиз. Лавҳа мақом ишларининг расмий мутасаддийси Домла Муҳаммад Расул томонидан қайд этилганлиги бу ҳужжатнинг аҳамиятини янада оширади.

Иккинчи муҳим нуқта шундан иборатки, матнда мақом тафсилоти худди Бухорода ёзилган Шашмақом баёзларидаги таърифларга ўхшаб кетади. Унда ҳар бир мақом туркумининг таркибий қисмлари ва уларни нав хусусиятларини белгиловчи усуллар тилга олиниб «зеҳн ва ақл, ато этувчи зот ёрдамида» идрок этилганлиги таъкидланади. Мусиқий баёзларда ҳам мақом туркумлари худди шу тарзда таъриф этилади. Бу эса, ўз навбатида, Хоразм нотаси мақомот илмининг олдинги манбалари билан бевосита боғлиқ эканлигини яна бир карра кўрсатиб беради.

Баёний нусхасида эътироф этилган яна бир муҳим масала мавжуд. У ҳам бўлса мақом йўллари, айниқса, унинг таркибидаги катта ҳажмдаги чолғу қисмлари шароитга қараб сал ихчамроқ тарзда ҳам ижро этилиши мумкинлиги тўғрисидаги кўрсатмадир. Шу масалага оид форсий тилда ёзилган изоҳномани ўзбек тилида қуйидагича изҳор этиш мумкин: — «Баъзи ўринларда куй хоналари ва парда тузулмаларини қисқар-

тириш осон бўлишлиги учун кифоя қилин- гандир». Бундан маълум бўладики, мақом куйлари мухлис ва эшитувчиларнинг таъбига қараб парда ва усул низомлари бузилмаган ҳолда қисқартирилиши мумкин бўлишлиги амалда урф этилган одатлардан бири бўлган.

Ниҳоят, мазкур нусхадан эътиборга лойиқ томонларидан яна бири унда мақомларнинг тартиб этилишидир. Унда биринчи ўринда 1301 ҳижрий йилда ёзиб тугатилган Дугоҳ мақоми (қўлёманинг 77 бети), иккинчи қилиб 1299 йил тугалланган Ироқ мақоми (253 бет) ва 1300 йилда тамом қилинган Сегоҳ (283 бет) ва Бузрук (321 бет) мақомлари муносабати билан тўрт жойда сана кўрсатилган. Демак, қўлёмна мақом ижросида барқарор тартиб этилган дастурларга мувофиқ эмас, балки китобат қилиш учун ўнғай тарзда жойлаштирилган мақом тўпламидан иборатдир.

**Қаландар Дўнмас.** Қаландар унинг исми, Дўнмас эса лақаби. Дўнмас Хоразм тилида ўз йўлидан қайтмайдиган, дадил деган маъноларни англатади. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да «Қаландар Дўнмас Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг хусусий мусиқашу- носларидан бўлиб, шундан едди йил бурун (мувофиқ 1917 й. — тадқиқотчилар) Кўшанда мавзёсинда хотини сабабли ўз деҳқони тарафидан ўлтурулди. Бу киши танбур, фижжак, дутор, сурнай, буламон, пуртапиён (фортепиано), гармон, рубоб, камон (танбурни камон билан чалиниши назарда тутилади), искрипка, самтур, қовуз



созларини чертмоққа мутахассис бўлғони каби, бу созларни кўписини тузатмоқни ҳам мукамал билур эрди»<sup>38</sup>.

Кекса санъаткорлар, хусусан устоз Бола бахшининг ҳикоя қилишича, Хоразмда тор чолғусининг жорий этилишига айнан шу Қаландар Дўнмас асос солган. Айтишларича, бир озорий турк созандасининг қўлидаги асбоб хон Феруз таъбига жуда маъқул тушган. Тез орада Феруз кўрсатмасига биноан мазкур чолғудан ўлчаб олиб ўзи тор ясаган. Торнинг парда-бандларини дутор, танбурларга мослаб унинг эски Хоразм удумларига кўра рубоб деб атаганлар. Бу чолғу Хоразмда ҳанузгача ана шу ном билан юритилади. Қаландар Дўнмаснинг улуғлиги шундаки, у торни Хоразмда урф этилинган мақом ижрочилигига мослаб, танбур ва дуторларга хос зарблар билан чалишни одат қилган. Қаландар Дўнмасдан кейин Хоразм рубоби нафақат мақом ижрочилиги, балки дostonчи бахшилар, эл созандалари, суворийхон гўяндалар ва ҳаттоки аёл созандалар орасида ҳам кенг тарқалиб кетди.

Бизнинг нота ёзуви мавзуимизга яқин бир тadbир ҳам Қаландар Дўнмас томонидан амалга оширилган. «Хоразм мусиқий тарихчаси»да мазкур масала юзасидан қуйидагилар баён этилади: «Мунинг мусиқадаги заковат ва иқтидорина бутун Хоразм мусиқашунослари таслим этган эдилар. Едди мақом нағмаларини қоғозда ўйиб орган одли созда беками-кўст чиртмоққа муваффақ бўлгандур»<sup>39</sup>.

Гап шундаки, XIX асрда Европа мамлакатларида ишланган овоз ёзиш ускунаси савдога чиқарила бошлаган. Сарой ана

шундай овоз ёзиш ускунаси – механик фортепиано келтирилган. Механик фортепианода овоз ёзиш услуби жуда оддий. Фортепиано чолғусига филдирак (валик)дан иборат қўшимча ускуна мосла-нади. Филдиракда фортепиано товуш қаторига мувофиқ тишлар ўрнатилади. Улар ўз навбатида фортепиано торларини садоланти-радиган болғачаларга уланган бўлади. Бундан ташқари, филдирак андозасига мос перфокарта (яъни қаттиқ тасма) ҳам бўлади. Ушбу қоғоз тасмага (перфокартага) ижро этиладиган куй товушларига мувофиқ тешикчалар қилинади. Филдирак айлан-тирилганда унинг тишлари тегишли тешикларга кириб болғачаларни ҳаракатга келтиради. Уларни торларга урилишидан эса кўзланган куй товушлари янграйди. Шундай қилиб, созанданинг иштирокисиз механик фортепианода ёзилган куй садоларини эшитиш имконияти яратилади.

Бу жуда оддий овоз ёзиш воситаси. Унинг бадий сифати ҳам ўзига яраша, албатта. Аммо шу йўл билан етти Хоразм мақомининг чолғу куйлари ёзиб олинганлиги ва энг муҳими, бу иш Хоразм нотаси юзасидан амалга оширилганлиги жуда катта тарихий аҳамият касб этади. Бугунги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида (№8849-56) Қаландар Дўнмас томонидан 1906 йилда амалга оширилган Хоразм мақомларининг тўққизта китоб шаклидаги перфокарта овоз ёзувлари сақланади. Ҳар бир мақом ва унга тааллуқли куйлар номи биринчи бетига настаълиқ

хатида ёзиб қўйилган. Ҳажми 16x26 дир. Яъни, ушбу ҳажмда картон қоғоз букилиб-букилиб китоб-китоб қилинаверган. Муқоваси йўқ. Ушбу нусха бир пайтлар амалиётда бевосита ижро этилган<sup>40</sup>. Уларни жонлантириш ва илмий муомалага қайтариш бўлғуси авлод тадқиқотчиларига ҳавола.

**Матёқуб Харрот (1865-1939).** Бу зот Хоразм мақомлари ва унга вобаста нота илми соҳасида етук устоз ва мураббий сифатида намоён бўлади. Унинг ҳаёти ва ижоди Феруз замонидан шаклланган. Хоразм мумтоз мақом мактабини бизнинг даврларгача етиб келишида юз берган қийинчиликлар, тўсқинликлар ва иймони бутун санъаткорларни фидокорона интилишларини ўрганиш нуқтаи назаридан жуда муҳим.

Ўша даврнинг кўзга кўринган хатто-ларидан бири бўлмиш Муҳаммад Ёқуб харрот Қурбонниёз харротнинг ўғли бўлиб, Комил Хоразмийнинг энг яхши шоғир-дларидан биридир. Матёқуб Харрот<sup>41</sup> Комил Хоразмий олдида хат ва саводини чиқаргандан кейин мусиқий таълим олиш ишига киришади. У Хоразм мақомларини мукамал ўргангандан кейин ўғли Чокарнинг айтишига қараганда, мақом-ларни ўша даврда яратилган Хоразм танбур-чизиги асосида кўчириб чиқади. Матёқуб Харротнинг кўчирган чиройли бетакрор хат намуналари нусхаси Шарқшунослик институтида сақланади<sup>42</sup>.

Матёқуб Харротнинг отаси Қурбон Харрот нафис санъаткор, хусусан мусиқий зиёлилардан бўлган. Матёқуб Харротнинг

қўли, созанда, мусиқашунос ва хаттот бўлиб танишишлигининг салафининг боши Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул мирзоларга бериб тақалади. Мазкур илмларда у бевосита Муҳаммад Расул мирзо шогирди. Феруз даврида Матёқуб Харрот расман сарой хаттоти ва созандаси бўлиб хизмат қилган.

Санъаткор умрининг сўнгги 20 йили шўролар замонида тўғри келди. Ўтган асрнинг 20-йилларида у Хивада ташкил этилган мусиқа мактабида мураббийлик қилиб Хоразм нотаси асосида мақом илмини ўқувчиларга ўргатишда жонбозлик кўрсатди. Кейинчалик у Хива ва Урганч театрларида созанда бўлиб ишлади.

1934-йилда Санъатшунослик илмий-текшириш институти томонидан Хоразмга экспедиция ҳозирланди. Шунда Елена Романовская ва Илёс Акбаровлар томонидан атоқли санъаткор ижросида Хоразм мақомлари фонографга ёзиб олинди.

Бу ёзувлар чидамсиз мулк валикларига ёзиб олинганлиги туфайли улар тезда йиритилган аҳволга келиб йўқолиб кетган. Бироқ шундан шу манбадан Елена Романовская ноталаштирган мақом йўллари «Хоразм классик мусиқаси» номи остида 1939 йилда нашр қилинган.

1935-йилда Ўзбекистоннинг мусиқий устозлари қаторида ундан мақом йўллари нотаси потефон пластинкаларига ёзиб олиш учун Хоразмдан атоқли санъаткор сифатида Матёқуб Харрот ҳам даъват қилинган.

Матёқуб Харрот Тошкентда бўлган пайтида Бухоро ва Фарғона-Тошкент водийларидан тўпланган мақом устозлари

билан танишишга муяссар бўлади. Сафар вақтида у таниқли шоир Абдулҳамид Чўлпонга ўз ижодий фаолияти ва Хоразм мусиқаси тарихига оид маълумотларни гапириб берган. Ана шу фикр ва мулоҳазаларга асосланиб Чўлпон «Ота-бола санъаткорлар» мақоласини эълон қилган. Унда 70 ёшни қоралаган Матёқуб Харрот том маънодаги устоз санъаткор ва мақом илмини жонли китоби сифатида гавдаланиши Чўлпон томонидан алоҳида таъкидланади. Улуғ санъаткордан бизга мерос қолган икки жилдлик Хоразм мақомларининг нота китоби музкур соҳага тегишли энг нодир манбалардан биридир. Улар ниҳоятда пухта ишланган нусхалар. Китобатнинг 1301 ҳижрий (1883)йилда тугалланган биринчи жилди урф этилган мумтоз удумларга кўра тўла-тўқис чолғу қисмларига бағишланган. Кейинги 1302 (1884)-йилда тамомланган иккинчи нусхасида ашула йўллари сўз матнлари билан берилган\*.

Танбур чизиги нусхаларининг мазкур икки жилди Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида (№ Р-2705 ф. 1 оп. 17-18 Д. рақамлари билан) сақланади. Уларни Чокар тахаллусли Муҳаммад Юсуф Харротнинг ўғли Фозил Харротов адашиб, «Чанг созига ишланган ноталар» деб топширган. Ушбу нусхани Муҳаммад Юсуф Харротнинг отаси моҳир созанда ва хаттот Муҳаммад Ёқуб Харрот ишлаган деб тахмин қилинади. Мақомларнинг айтими ва чертими йўллари алоҳида жилдларда. Сегоҳ мақоми охирида 1301 йил санаси қўйилган бўлса, Наво ва Дугоҳ мақомларида 1302 йил санаси

кўрсатилган. Қўлёзманинг икки жилди ҳам бир хил ҳажмда 18x22 см. бўлиб, зангори ранг ҳошияга олинган. Жуда чиройли қора настаълиқ хатида кўчирилган. Куй усуллари кейинчалик бошқа хаттот томонидан қизил сиёҳда ёзиб чиқилган. Қўлёзманинг муҳим томони шундаки, мақомларнинг айтими йўлларида барча сўз матнлари берилганлигидир. Илмий текширишлар шуни кўрсатдики, Консерватория нусхасидаги сўз матнлари билан айнан бир хил. Демак, кейинчалик Комил Девоний Танбур мақомларининг айтими йўлларига мансуб сўз матнларини мана шу нусхадан олган ва ўз нусхасига Дутор мақомларини ҳам илова қилган.

Ашула йўллари битилган бошқа қўлёзмалардан фарқли равишда Матёқуб Харрот нусхасида беш мақом Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Бузрук бошдан-охир сўз матнлари билан ёзилган. Нота китоблари ҳозирланаётган пайтда Матёқуб Харрот навқирон 19-20 ёшларида бўлган. Шундай бўлсада китоблар мазмунидаги куй ва сўз матнларининг пухта хатга туширилганлиги унинг мусиқашунослик илмини яхши ўзлаштирганлигидан далолат беради. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тўпламдан жой олган усул тузулмалари эҳтимол XX асрнинг 30-йилларида ёзилган бўлиши мумкин. Чунки айнан шу пайтда Матёқуб Харротнинг ўғли йирик тадқиқотчи ва мақом устози Матюсуф Харрот Хоразм мумтоз мусиқасининг муфассал усул тизимини жамлаш ва ёзиб олиш билан шуғулланганлиги маълум.

**Матюсуф Харрот (1881-1952).** Феруз даврининг яна бир кўзга кўринган хаттотларидан бири Муҳаммад Юсуф Чокардир. Чокар 1981 йилда Хива шаҳрига яқин Шомахулум қишлоғида туғилган<sup>43</sup>. У машҳур хаттот ва созанда Муҳаммад Ёқуб Харротнинг ўғли бўлиб, ҳусни хатни отасидан ўрганади. Чокар ўз таржимаи ҳолида аввал қишлоғидаги Мулла Рўзмат мактабида ўқиганлигини, кейинчалик эса Муҳаммад Расул Мирзо қўлида таълим олганлигини ёзади<sup>44</sup>. У Мирзонинг олдида хаттотлик сирларини, форс тили, илму аруз ва мусиқийни ўрганади. У гўзал настаълиқ хати билан кўп китобатлар қилган<sup>45</sup>. Чокар мадраса таълимини ўз замонасининг етук алломаси Муҳаммад Юсуф Доийдан олган. 150 дан ошиқ ғазалларни ўз ичига олган Чокар тахаллусида девон тартиб қилган. Йигитлик пайтида тузилган «Девони Чокарий»<sup>46</sup> Матюсуфнинг ноёб шоирлик иқтидоридан дарак беради. Илми мусиқий борасида Муҳаммад Юсуф моҳир хонанда, танбур, дутор ва чанг чолғуларини етук ижрочиси сифатида элга танилди.

Чокар олти ярим мақомнинг айтим-чертим йўлларини тўлиқ билган. У Хиванинг ўша даврдаги моҳир созандалари Қаландар Дўнмасдан ғижжакни, Мулло Машарип Қанбардан дуторни, Қурбон созчидан гармонни ўрганади. У отаси билан Хивада ташкил этилган мусиқа билим юртида дарс берган. Кейинчалик уни 1928 йилда Самарқандда ташкил этилган «Мусиқа ва рақс илмий текшириш институти»да «Хоразм услуби»дан дарс бериш учун

таклиф этилган. Сўнгра марказ Тошкентга кўчиши муносабати билан у пойтахт радиосида созандалик вазифасини бажарган. Навоий номли опера театри ва Санъатшунослик институтида ишлаган.

У 1923 йилда Хивада ташкил қилинган мусиқа мактабнинг раҳбари сифатида янгича тартибдаги ўқув ишларини йўлга солишда жонбозлик кўрсатди. Мусиқа таълими соҳасида мумтоз мақом йўлларини ўргатиш учун салоҳиятли устозларни жалб қилди. Шу билан бир қаторда мусиқий таълим ва тарбия ишларини мувофиқлаштириш ва ўқув қўлланмалари эҳтиёжини инобатга олиб ўз даврининг йирик маърифатчиси Бекжон Раҳмон ўғли билан ҳамкорликда «Хоразм мусиқий тарихчаси» номи остида ўз соҳасида дастлабки жиддий тадқиқот ўрнидаги китобни ёзди.

«Хоразм мусиқий тарихчаси»нинг илмий ва маърифий аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин. Асар дебочасида баён этилган тамойилларга кўра китобча том маънодаги илмий тадқиқот сифатида намоён бўлади. Унинг негизидаги тарихий ва назарий қарашлар ишончли манба ва маълумотлар ҳамда, энг муҳими, амалдаги мусиқий намуналар билан далилланганлиги беқиёс илмий аҳамиятга эга. Бу хусусида асар муаллифлари қуйидаги фикрларни очиқ-ойдин баён этадилар: - «Кўҳна Урганч дўғрисидаги тарихий ҳикоят ва қарри мусиқийшунослардан олинган маълумотларимиз ҳамда ўзларимизнинг кўпдан буён йиғган шаҳодатимиз билан «Хоразм чизғилари»на суянган ушбу китобча

қораладик»<sup>47</sup>. Айнан шу чинакам илмий сифатларига кўра бу асар мана қарийиб бир аср давомида ўзининг аҳамиятини пасайтирмай келмоқда.

Кейинчалик Матюсуф Харрот ўз илмий-амалий фаолиятини 1928-йилда Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти Самарқандда ташкил этилган «Мусиқа ва рақс институти» давом эттирди. Бор йўғи тўрт йил фаолият кўрсатган бу ўқув ва илмий даргоҳи ўзбек мусиқасини назарий ва амалий ўрганиш соҳасида кўп хайрли ишларни бажарди. Институт мураббий ва тадқиқотчилари қаторида алоҳида нуфузга эга бўлган шахслардан бири Матюсуф Харрот эди. Айнан шу йилларда у тажрибали созанда ва тадқиқотчи сифатида ўзбек мусиқа маданиятининг мукаммал тафсилотини ишлаб чиқиш ҳамда Хоразм нотаси воситасида нафақат мақом йўллари, балки маъмулий куй ва ашулаларни ёзиб олиш, шунингдек уларни кенгроқ илмий ва амалий муомалага жорий этиш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида Хоразм нотасининг устоз Матюсуф Харрот томонидан битилган ноёб қўлёзмаси сақланади. Чокар китобат қилган бу қўлёзма (ўлчами 18x22,5) Бухоро Шашмақоми чизиғи ҳисобланади. №8000 рақамида сақланаётган ушбу нусха (шахсий кутубхонаси бўлган) Бекжон Раҳмон ўғли қўлида сақланган.

Унда мумтоз Шашмақом таркибий қисмлари билан бир қаторда Бухоро ва

Хоразмда расм этилган «Сурнай йўллари» ногага олинган.

Сурнай мақом йўллари куйидагича:

1. Ийфорий – 28 хонадан иборат (аввалидан 7 хона тушиб қолган);
2. Ийфорий Ироқ – 34 хонадан иборат;
3. Зангбозий – 57 хонадан иборат;
4. Забоний (Зувоний) – 21 хонадан иборат;
5. Марвий – 16 хонадан иборат;
6. Марвий II (дигар) – 9 хонадан иборат;
7. Гулҳо гулим – 6 хонадан иборат;
8. Аламинг ёмон – 8 хонадан иборат;
9. Ёр-ёр – 4 хонадан иборат;
10. Қорақўз – 3 хонадан иборат;
11. Пухтаро гийр – 4 хонадан иборат.

Юқорида айтганимиздек, ушбу ноёб манбанинг иккинчи қисмида Бухоро Шашмақомининг таркибидан жой олган Баёт, Суворий, Чоргоҳ, Муҳайяри Насри Ироқ, Мухаммаси Ҳожи Хўжа, Мухаммаси Чорсархона, Мухаммаси Мирзо Ҳаким, Сақили Бастанигор, Сақили Ракрак, Таснифи Ироқ каби 125 номдаги мумтоз куйларнинг Хоразм танбур чизигидаги ифодаси ўз аксини топган. Бухоро Шашмақомининг Хоразм нотаси воситасида хатга олишга уриниш бўлганлигини бошқа манба ҳам тасдиқлайди. Юнус Ражабий уй музейида 122 инвентар рақами билан сақланадиган нусханинг кўзга кўринадиган томонлари – атамалар араб тилида берилганлиги ҳамда, Бухоро Шашмақомига хос баъзи куйлар умумий мундарижадан ўрин олинганлигидир. 17,5x21 см. ҳажмли бу нусхада 72 та куй номлари мавжуд. Қўлёзманинг охириги варақларида

Домла Одина, Мулла Муҳаммад Шароф ҳофиз, Домла Ҳазратқул ибн Али каби шахсларнинг номлари қайд этилган. Ушбу нусхадан мана шу зотлар ҳам истифода этганлигини тахмин қилиш мумкин.

Тилга олинган «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобидаги нота ёзуви хусусидаги илмий маълумотлар ҳамда зикр этилган қўлёзмани умумлаштириб оладиган бўлсак, Матюсуф Харрот Хоразм танбур чизиги борасида йирик мутахассислардан бири эканлиги маълум бўлади. Ўтган асрнинг 30-йиллар матбуотида эълон қилинган мақола ва маълумотларда ҳам Матюсуф Харрот Хоразм нотаси илмида ўз замонасининг энг кўзга кўринган мутахассиси сифатида эътироф этилади. Дарҳақиқат, ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб чиққан устоз санъаткор ва пухта билимларга эга бўлган Матюсуф Харрот Хоразм нотасининг нуфуз эътиборини янада кўтариш ҳамда кенгроқ миқёсда жорий этишга салмоқли ҳисса қўшган маърифатпарварлардан бири сифатида намоён бўлади.

Яқинда Матюсуф Харрот мусиқий тадқиқотчи сифатида олиб борган кенг кўламли изланишларидан дарак берувчи яна бир муҳим ҳужжат сақланганлиги аён бўлди. У ҳам бўлса, устознинг Самарқандга келган вақтидан, яъни 1928-йилнинг апрелидан эътиборан 40-йилларнинг охиригача қўллаган ён дафтариidir. Бу кўп варақлари ўчиб ўқувга деярлик яровсиз бўлиб қолган қўлёзмада ниҳоятда қимматли маълумотлар мавжуд. Унда ўнлаган Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Тошкент воқаларининг куй ва

ашулаларининг номлари, нав хусусиятлари, ижро этилиш ўрни ва шароитлари, сўз матнлари ва усул асосларига оид ноёб маълумотлар мавжуд. Улардан маълум бўладики, Матюсуф Харрот нафақат Хоразм мусиқаси, балки Ўзбекистоннинг ўзга воҳа услублари борасида ҳам билимдонлардан бири бўлган. Жамланган маълумотлар мундарижасидан кўринадики, устоз Матюсуф Харрот истиқболда ўзбек мусиқасининг асосларига оид йирикроқ тадқиқотни ҳам кўзлаган.

Кундалик дафтардан яна бир нохуш нарсанинг ҳам асорати сезилиб туради. 30-йилларнинг охирига келиб миллий кадриятлар ғайритабиий услублар гирдобига тортилиши устувор ўринга чиқа бошлайди. Миллий мусиқанинг асослари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўрнига янги инқилобий мафкура, Ленин, партия ва колхоз тизимини тараннум этувчи куй ва кўшиқларга кўпроқ эътибор берилиб, мақом ва унга вобаста нота ёзуви масалалари сояда қолиб бораётганлиги ҳам кўзга ташланади.

**Комил Девоний (1887-1938).** Муҳаммад Комил Мулло Исмоил ўғли адабий тахаллуси Девоний. Унинг бобоси Муҳаммад Паноҳ ўғли Хиванинг атоқли тўп қуювчиси, қурол аслаҳа устаси, наққош, хаттот, мусиқий ва адабиёт илмларига ҳавасли маърифатли киши бўлган. Муҳаммад Паноҳнинг икки ўғли Худойберган Муҳркан ва Мулло Исмоиллар моҳир хаттот, наққош ва айни чоғда мақомшунослик ва

нота ишларига пешқадам устозлар сифатида донг таратганлар.

Муҳаммад Комил ёшлигидан ана шу ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган амалий санъатлар, адабиёт ва мусиқа муҳитида тарбия топган. Ундаги адабиёт ва мусиқийга бўлган ёрқин истеъдодни ҳис қилган отаси Мулло Исмоил ўғлига мунтазам савод таълими ҳамда мусиқий-адабий кўникмаларни ўргата бошлаган. 1900-йил 13 ёшида отасидан етим қолгандан кейин у амакиси Худойберган Мухркан қўли остида тарбияланган ва тилга олинган амалий ва бадий санъатларни илдам ўзлаштира бошлаган.

Комилнинг ноёб адабий ва мусиқий иқтидорига Хон Ферузнинг назари тушган ва болалигидан девонхона хизматида жалб қилинган. Айни чоғда Ферузнинг кўрсатмасига мувофиқ ўз даврининг етук алломаси Юсуф ҳожи тарбиясига Арабхон мадрасасига даъват қилинган. Тез орада унинг билим ва маҳорати ошиб 16-17 ёшлигидан мустақил ҳаттотлик ишларини бажариш зиммасига юклана бошланган. 18 ёшга етганда хоннинг ижозати билан унинг «Девони Девоний» номли шеърлар тўплами тошбосмада нашр қилинган.

Комил Девоний ёшлигидан иқтидорли шоир, закий мусиқашунос, танбур, дутор ва ғижжак асбобларининг моҳир ижрочиси, ҳуснкор наққош, муҳркан, қуролсоз, заргар, мусиқий асбоблар ясайдиган уста бўлиб элга танилди.

XX-аср биринчи ярмида шоир битган ғазал ва мухаммаслар эл орасида катта эътибор топди. Оташин шоир кейинчалик қатағонга учраб номи

ва ижоди таъқиб остига олинган бўлишига қарамасдан унинг шеърлари ашулачилар дастурида оғиз-оғизга ўтиб ҳанузгача сақланиб келди. Девонийга замондош адабиёт аҳли унинг шоирлигини тан олиб, ҳаттоки «иккинчи Навоий» деб ардоқлаганлар<sup>48</sup>.

Комил Девоний иймон эътиқоди бутун бадият қонунларини устувор тутадиган оташқалб шоир ва мусиқийшунос бўлиб фаолият юргизган. Давр ғалаёнларига, енгил-елпи замонасозлик мавзуларига кўнгил боғламаган. Айнан шу эркпарвар ва бадият қонунларига тобе бўлганлиги учун шўро ҳукумати яловбардорлари уни унча хуш кўрмаганлар. 20-йилларнинг охиридаёқ у «намунали» суд қилиниб эски замон тарафдори сифатида ноҳақ қораланди. Нозиктаъб шоир тақдирнинг бундай нохуш бурилишларидан изтироб чекди. Эл-юрт орасида бош кўтариб юришдан орият қилган қалби дарё шоир Тошҳовузда истиқомат қилувчи қавму-қариндошлари томонга кўчиб кетди.

30-йилларнинг бошида миллий адабиёт ва мусиқага бироз ижобий эътибор қаратила бошлагач, бунинг устига оилада узоқ йиллар орзиқиб кутилган фарзанд дунёга келиши муносабати билан у сеvimли диёри Хивага қайтди. 1932-йилда Комил Девоний иккинчи хотини Қурбонбикадан ўғил фарзанд кўрди ва аҳди паймонга мувофиқ сеvimли дўсти шаънига унга Ҳамза деб исм қўйди<sup>49</sup>. Ана шундай ҳаёт қувончларидан илҳомланган санъаткор бутун куч-ғайратини янада адабий ва мусиқий соҳасида ижодий изланишларга сафарбар қила бошлади.

Айни шу чоғда матбуотда Хоразм нотаси

хусусида хушxabарлар тарқала бошладию, пешқадам маърифатчилар танбур ёзувида катта умид боғлаб, уни бутун мусиқий таълим тизимига жорий этиш масаласини ўртага ташладилар. Ниёзий, Фулом Зафарий, Чўлпон, Фитрат каби маърифатпарварлар Хоразм нотасини тарихий ва назарий тамойилларини ўрганиш ва уни илмий доирада тарқатиш йўл-йўриқларини изладилар<sup>50</sup>. Мазкур маърифий эҳтиёжларни чуқур ҳис қилган устоз ва мураббий Комил Девоний салафлари Худойберган Мухркан ва Муҳаммад Расул Мирзо бошлаб берган нота таълимини янги шароитларда кенгроқ истеъмолга жалб этиш устида бош қотирди. Уддабурон ва закий санъаткор олдинги устозлар еча олмаган муаммога қўл уриб, Хоразм Дутор мақомларини хатга тушуришга бел боғлади.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, дутор нағмаларини нотага олишда ўнг қўл ҳаракатлари – зарбларини ифодалаш чигал тўсиқ бўлганлигини тилга оладилар. Хусусан, Хиванинг бош дуторчиси Мулло Муҳаммад Шариф - Қамбар бобо Дутор мақомларини Танбур мақомларига ўхшатиб китобат қилишга анча уринган бўлсада, айнан шу зарбларни белгилаш йўлини тополмасдан масалани очиқ қолдирган эди.

Комил Девоний эса баробарига моҳир танбурчи ва дуторчи, шунингдек, Танбур ва Дутор мақомларини пухта ўзлаштирган мусиқашунос бўлганлиги учун дутор нағмаларини ҳам яқка зарб йўлида тасаввур этиш мумкин, деган қарорга келди. Натижада урф этилган Дутор мақомларининг куй измини

мазкур аҳволда фараз қилиб, куй тузилишини танбур пардаларига мувофиқлаб ёзиб чиқди.

Олти ярим мақом билан баробар маъмулий Дутор мақомларининг хатга ёзиб тартиб этилиши Хоразм созандаларини танбур нотаси ихтиросидан кейинги муҳим ижодий ютуғи бўлди.

Комил Девоний Дутор мақомларининг куй изми, сўз матнлари, усул асослари, мусиқий тузулмаларини белгилаб икки марта ёзиб олди. Биринчи сафар ўзига хос қоралама ва нома шаклида Комил Девоний дастхати билан битилган Дутор мақомларининг ўрама-нома шаклидаги ёзуви иккинчи Матюсуф Харратов архив қоғозлари орасидан чиқди.

Иккинчи марта Комил Девоний Хоразм Танбур ва Дутор мақомларини бир бутун китобат аҳволида мукамал нусха қилиб ишлади. Бу Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Давлат Консерваториясига тақдим қилган ҳамда мазкур тадқиқотимизнинг асосини ташкил қилувчи нодир қўлзмадир.

Хоразм танбур чизигининг ушбу энг янги нусхаси 84 (168 саҳифа) варақдан иборат бўлиб, сариқ-оқиш Кўқон қоғозига қора сиёҳ билан ёзилган. Настаълиқ хатида кўчирилган ушбу нусха ўлчами 17,5x20 бўлиб, матн ўлчами 14,5x17,5. Қўлзма ХХ-аср бошларида ишланган, хаттот номи кўрсатилмаган. 876-варағида Фозилжон номли шахснинг исми учрайди. Биз дастхатни текшириш мақсадида Хоразмда мусиқашунослар кўчирган баёз, девон ва бошқа манбаларни кўриб чиқдик. Бу нусха Комил Девоний дастхати билан яратилган-

лиги ойдинлашди. Бундан ташқари Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик институтида Хоразм мусиқашуносларининг кенжа вакили Матюсуф Харратовнинг архиви (№571-1-5) сақланади. Ушбу архивда эни 20 см., узунлиги 13,30 м. бўлган қоғозга кўчирилган Дутор мақомлари нусхаси мавжуд. Нусха қадимий хон фармонларига ўхшатиб, қамишга ўраб қўйилган. Ундан ташқари яна 5 та узук-юлуқ (энг узун 4,50 см.) Қоғозларда ушбу дутор мақомларидан парчалар учрайди. Буларда Дутор мақомларига мансуб Раҳовий, Садри Ироқ, Охёр ва Чоки Гирибон мақомлари тўлалигича кўрсатилган. Бу нусхаларни ҳам текширганимизда Комил Девоний дастхати намунаси эканлиги аниқланди. Демак, Дутор мақомларини ушбу мусиқий чизикда кўчирган шахс Комил Девонийдир.

Дутор мақомлари мақомот тафаккурининг бир мунча кенгроқ ва маъмулий қатламига тегишли. Шу сабабдан Дутор мақомлари ва унга ўхшаш тоифадаги мусиқий навлар илмда камроқ ўрганилган. Ҳаттоки, замона зайли билан Дутор мақомлари дейиладиган мусиқамизнинг мумтоз нави йўқолиш ёқасига келиб, ХХ-асрда юз берган янги мусиқий урф-одатлар шиддати остида бу жараён янада кучайиб, ҳатто Дутор мақомлари деган тушунчанинг ўзи муомаладан ташқарига чиқиб қолган эди.

Шундай қилиб Хоразм Танбур ва Дутор мақомларини ўз ичига олувчи Комил Девоний нусхаси мақомларнинг тарихи ҳамда амалиётини ўрганишда бебаҳо манба. Нота китобининг ўзи мақомшунослик ва

хаттотлик санъатининг ўта нодир намунаси. Қўлзмада мужассамланган мусиқий ва сўз матнларига оид маълумотлар мақомот тизими ва унинг муайян нав кўринишлари ҳақидаги таассуротларимизни кенгайтиришга имкон беради. Ушбу нусхада айтгим йўлларининг барча сўзлари келтирилгани унинг аҳамиятини янада оширади. Унда жами 97 та ашула мавжуд. Шундан 70 таси танбур мақомлари, 27 таси эса дутор мақомларига тегишли. Янги нусхадан бошқа нусхаларда Матёқуб Харрот нусхасини истисно қилганда ғазал ва мухаммаслар тўлиқ келтирилмаган. Баъзи нусхаларда (масалан, Санъатшунослик институтида №342 рақамли нусхада) ғазалнинг бошланғич мисралари келтириб кетилаверган холос. Санъаткорлар ушбу мисраларга қараб ғазалнинг давомини эсларига солиб олишган.

Мазкур нусхадаги шоирларнинг байтлари сони қуйидагича:

1. Халқ сўзлари (такрорсиз) – 123 байт;
2. Мунис Хоразмий – танбур-48 байт, дутор-31 байт;
3. Огаҳий – танбур-104 байт, дутор-29 байт;
4. Навоий – танбур-60 байт, дутор-28 байт;
5. Феруз – танбур-28 байт, дутор-7 байт (битта ғазал);
6. Комил Хоразмий – танбур-45 байт, дутор-10 байт;
7. Ҳофиз Шерозий – танбурда 8 байт (битта ғазал);
8. Муҳаммад Расул Мирзо – дуторда 42 байт;
9. Фузулий – дуторда 7 байт (битта ғазал);
10. Холис Хоразмий – дуторда 7 байт (битта ғазал);
11. Равнақ Хоразмий – дуторда 7 байт (битта ғазал).

Жами байтлар сони такрорсиз 584 та.

Шунингдек, Бухоро Шашмақоми ва Хоразм мақомлари каби услублар эҳтиёж-

ларга қараб турли шаклда ҳаётга тадбиқ этилганлиги маълум бўлади. Хусусан, Хоразмга хос Олти ярим мақом мажмуаси ва маъмулий тарздаги Дутор мақомларининг расм этилганлигини Комил Девоний ёзувлари исботлаб беради. Мазкур маънода Комил Девоний ишлаган тўла ва мукамал нота китоби нафақат ўзбек, балки бутун Шарқ оламида мусиқий тарихига оид ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Нота ишлари маълум меъёрга етганда Комил Девоний 1935-йилда Хоразм адабиёти тарихини ёзиш учун Тошкентга даъват этилади. Ўз даврининг кўзга кўринган шоир ва адабиёт билимдонларидан бири бўлган устоз Девоний бундай масъулиятли вазифани шараф билан амалга оширишга журъат қилиб, адабиёт қаррига бутун вужуди билан шўнғиб кетади. Аммо илм ва ижодга ташна фидоий саъткорнинг қувончлари узоққа бормади. 1937-йилнинг куз ойларида бўлмағур айблар билан қамоққа олинди ва 1938-йилнинг 10-февралида учлик(тройка) қарори билан қатл қилинди.

Беназир шоир ва санъаткорнинг жўшқин фаолияти ана шу тарзда фожеали тўхтатилди. Комил Девоний адабиёт ва мусиқа соҳасида жуда бой мерос қолдирди. Унинг кўплаб шеърлари халқ оғзига тушиб ҳофиз ва гўяндалар дастурида яшаб келмоқда. Талай қисми эса пароканда лавҳалар сифатида маҳаллий матбуотда нашр қилинган. Уларнинг барчасини жамлаб шоир ижоди ҳақида тўлароқ маълумот ҳосил қилиш, бўлгуси тадқиқотчилар ихтиёрига ҳавола.

**Успенский В.А. (1879-1949).** Хоразм нотасига мақом манбаи сифатида илк бор ташқаридан мурожаат қилган олимлардан бири В.А.Успенский бўлади. Бу фавқулодда воқеа қуйидагича содир бўлган эди. Бухоро Халқ шўролар жумхуриятининг буюртмасига биноан ўз даврининг таниқли мусиқий-шунос этнографи В.Успенский Шашмақомни нотага олиш учун 1923-йилда Бухорога келади ва ўша пайтлари ҳаёт бўлган Шашмақом пирлари Ота Жалол ва Ота Фиёслар оғзидан Шашмақомни бевосита тўғридан-тўғри нотага ола бошлайди. Бу қизғин ижодий жараён қоқ ўртасига келганда Дугоҳ мақомининг Сақили Ашкулло қисмини устозлар ҳеч эслай олмайди. Ана шундай чигал шароитда Ота Фиёс қўлидаги Хоразм нотасига қараб Сақили Ашкуллони чалиб берганида ҳамма ҳайратга келади.

Мақомлар буткул ёзиб олинган манбани кўрган рус олими ниҳоятда қувониб, бу нодир китоб ҳақида ўзининг яқин дўсти ва маслакдоши Москва Консерваториясининг профессори Виктор Михайлович Беляевга мактуб йўллайди ва ажойиб топилма тўғрисидаги хушxabар мутахассислар орасида тарқалиб қизиқиш уйғотади.

Бухорода Шашмақомни нотага олиш ишларини нозирлик қилаётган таниқли олим Абдурауф Фитрат Ота Фиёс қўлидаги қўлёманинг тартиб ва қоидаларини Успенскийга тушунтириб беради. Фитратдан олган маълумотларни қўлёмма билан солиштириб, В.М.Беляевга бу ҳақда мактублар йўллайди. Тажрибали олим

мавжуд маълумотларни тартибга келтириб ҳамкасби мусиқий шарқшунослик борасида қалам тебратиб юрган Оксфордлик олим, Генри Джордж Фармер тавсияси билан «The Sackbut» журналида В.М.Беляевнинг «Хоразмий нота» («Khorezmian notation») мақоласи эълон қилинади<sup>51</sup>.

Кейинчалик В.Успенский ўзининг ўзбек классик мусиқасига оид дастлабки йирик мақоласида яна ушбу мавзуга қайтиб, Хоразм нотаси мақомларнинг яқин тарихи ва амалдаги илмий асосларини ўрганиш йўлидаги таянч манба эканлигини эътироф этади. Шашмақомнинг нотага олишда орттирган тажрибасига таяниб, Фитрат ёрдамида Успенский танбур нотасидаги усулларни идроклаб олади. Кейинчалик ушбу усул асоси ва танбурнинг парда тузилиш тартибига суяниб, Хоразм нотасида битилган Бузрук мақомининг Мухаммаси Ферузшоҳий қисмини ўқиб олишга ва европача нотага табдил қилишга муяссар бўлади. Ана шу ишдан бир кичик лавҳани ўз мақоласида намуна сифатида келтиради<sup>52</sup>. Успенский Беляевга йўллаган мактубларидан бирида Хоразм нотасидан табдил қилинган мазкур куйни Ота Фиёсга ҳиргоя қилиб берганлиги ва кекса устоз ушбу амалга ижобий муносабат билдирганлиги хусусида хабар беради.

В.Успенский ва В.Беляевлар Хоразм нотаси масалаларига кейинчалик ҳам жуда қизғин киришадилар. Хоразмдаги ҳамкасблари, хусусан Матюсуф Харроговга мактуб йўллаб, танбур нотаси китобидан нусха харид қилиш нияти борлигини изхор қиладилар.

Бухоро Шашмақоми нашр қилингандан кейин В.Успенский умуман Хивага этнографик экспедиция уюштириш ва Хоразм нотасини бевосита ўз жойида устозлар ёрдамида ўрганиш иштиёқи билан ишлайди. У Ўзбекистон ҳукуматига бир неча марта мурожаат қилиб экспедиция учун лозим бўлган маблағ ажратишни илтимос қилади. Узоқ йиллар орзиқиб кутилган Хоразм экспедицияси учун 1934-йилда маблағ ажратилади. Лекин бу пайтда В.Успенский қаттиқ бетоб бўлиб қолганлиги сабабли сафарга шогирдлари Е.Е.Романовская ва И.Акбаровларни ҳозирлашга тўғри келади. Е.Романовская ва И.Акбаровлар Хоразмда атоқли мақом устози Матёкуб Ҳаррот талқинида Хоразм мақомларини танбур ижро вариантини фонограф виликларига ёзиб оладилар. Кейинчалик ана шу овоз ёзувларини Елена Романовская ноталаштиради ва «Хоразм классик мусиқа»си номи билан нашрга тайёрлайди<sup>53</sup>.

**Беляев В.М. (1886-1968).** 30-йилларнинг бошида В.Успенский ва В.Беляевларнинг узоқ изланишлари туфайли «Хоразм нотаси» китобининг чолғу ва ашула йўллари ёзилган нусхаларни қўлга киритишга муяссар бўладилар. Бу топилмадан В.Беляев бениҳоят хурсанд бўлиб, Москвалик шарқшунослар ёрдамида қўлёзмада берилган куйларнинг номлари ва мусиқий атамаларни изчил ўрганишига киришади. В.Успенскийга йўллаган мактубларидан маълум бўладики, айнан шу даврда В.Беляев Шашмақомга бағишланган йирик тадқиқотни яратиш

иштиёқида ҳужжат ва маълумотлар тўплай бошлайди. Бу тадқиқотни юзага келишида Беляев Хоразм нотасини устувор манбалардан бири деб кўради. Аммо 30-йилларнинг охирида юзага келган сиёсий вазият миллий мусиқий меросга бағишланган илмий изланишларни амалга оширишга имкон бермади.

Ҳаётнинг бурилишлари ва миллий мусиқага бўлган муносабат қай даражада ўзгарганлигига қарамасдан, урушнинг шиддатли воқеалари бошга тушиб турган бир пайтда фидойи олим Хоразм нотасини Европача тизимдаги нота ёзувига ўгириб чиқди ва бу қўлёзмани Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-текшириш институтига тақдим қилди. Шу билан бир вақтлар режалаштирган эзгу ишни ниҳоясига етказди.

**Илёс Акбаров (1909-2003).** Ўтган асрнинг ўрталарига келиб Ўзбекистонда миллий мусиқа меросига нисбатан янгидан ижобий муносабатларнинг илиқ шабадалари эса бошлади. Ана шу жараён тўлқинида «Ўзбек халқ мусиқаси» байроғи остида 9 томлик тўплам юзага келди. Улкан мажмуанинг 5-китобида кекса-устоз Юнус Ражабий ёзиб олган Бухоро мақомлари, 6-жилдида эса Матниёз Юсупов ноталаштирган Хоразм мақомлари ўз ифодасини топди<sup>54</sup>. Мазкур тўпламларга муҳаррирлик қилган Илёс Акбаров ва Юзеф Конларнинг ташаббуси билан 6-томга Хоразм табулатурасидан Рост мақоми чолғу йўллариининг асл ва Европача нотага ўгирилган вариантлари илова этилди.

Илёс Акбаров Европа тизимида таълим топган биринчи ўзбек мусиқашуносларидан. У 30-йилларнинг бошида ҳали Тошкент мусиқа техникумида ўқиб юрган пайтларида устози Виктор Успенскийга дастёрлик қилиб, илмий тадқиқот ва экспедиция ишларида ёрдам бериб юрарди. Илёс Акбаровнинг эслатишича, устози унга биринчи мустақил иш сифатида ўша пайтлар Турон кутубхонасида сақланадиган Хоразм нотаси китобидан нусха кўчиришни топширган экан<sup>55</sup>.

Эски ўзбек ёзувидан саводи бўлганлиги ва бир вақтлар танбур синфида таҳсил кўрганлиги сабабли Хоразм нота ёзуви бир умрга унинг илмий мавзуга айланди. Кейинчалик 1934-йилда экспедиция иштирокчиси сифатида у Хоразм мақомларини фонографга ёзиб олиш пайтида устоз Матёкуб Ҳаррот танбур нотасига қараб чалиб берганлигини кўриб, бу манбага бўлган қизиқиши янада ошади.

Уруш йиллари В.Беляев Хоразм нотасини Европача тизимга ўгирганлиги ёш мусиқашунос учун катта ибрат бўлди. 1948-йилда В.Успенский тавсияси билан Санъатшунослик илмий-текшириш институти режасига мувофиқ Хоразм нотаси билимдони Матюсуф Харратов билан савол-жавоблар олиб бориб устоз оғзидан манбанинг юзага келиш тарихи ва ички тузилишига оид мулоҳазаларни ёзиб олди<sup>56</sup>.

Илёс Акбаровнинг Хоразм нотаси борасида қилган ишларининг нашр этилган қисми юқорида тилга олинган «Ўзбек халқ музикаси»нинг 6-томига илова қилинган



маълумотлар мавзуга оид яккаю-ягона нашр бўлиб, Хоразм танбур нотасини кенгроқ истеъмолга киритилиши ва мазкур ёзув тизими ҳақидаги тушунчаларни мусиқа аҳлига тақдим этувчи дастлабки расмий маълумотдир.

Профессор Илёс Акбаровнинг Хоразм нотаси хусусида узоқ йил олиб борган изланишлари ҳақида тўлароқ тасаввур пайдо қилиш учун шуни ҳам айтиш керакки, кекса мусиқашунос умрининг охирларигача ёшликда бошлаган мавзуга оид муфассалроқ тадқиқот яратиш орзуси билан яшади. Айниқса 80-йилларда мақом санъатига бўлаётган халқаро миқёсдаги анжуманлар шукуҳидан таъсирланиб, мўътабар нота ёзувларини қўлдан келганча халқ назарига қаратишга ҳаракат қилди. У пайтларда Консерваториянинг мусиқа назарияси кафедрасининг мудири профессор Илёс Акбаров Республикамизнинг кўзга кўринган арбобларидан бири эди. Ана шу обрў-этибор ва ташкилотчилик салоҳиятини сафарбар этиб, турли кутубхона ва шахсий истеъмолдаги нусхаларни жамлаб, танбур чизигида битилган Хоразм мақомларининг йиғма матнини ҳозирлашга киришди ва бу эзгу йўлда талайгина ишларни қилишга улгурди<sup>57</sup>.

**Абдушариф Отажонов (1924-1987).** В.А.Успенский, В.М.Беляев, И.Аkbаровларнинг Хоразм нотаси ҳақидаги тадқиқотлари асосан илмий-назарий йўналишда олиб борилган. Шу соҳада қилинган ишлар чуқурлашган сайин Хоразм нотасини тадбиқ этиш истиқболи амалий муаммоларга,

аниқроғи, назарий қарашларни ижродаги мақом йўллари билан мувофиқлашга тақалиб қолганлиги аён бўла бошлади. Муаммо эътироф этилса-да, унинг ҳал қилиниши учун ижрочиларни сафарбар этишга рағбат топилмаётган эди.

1980-йилга келиб ногаҳонда ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш фурсати туғилди. Воқеанинг тарихи бундай: 1978-йилда қадимий Самарқанднинг жаҳоншумул меъморий обидалари бағрида «Оғзаки анъанадаги профессионал музика ва замонавийлик» мавзуида Биринчи Халқаро мусиқашунослар симпозиуми бўлиб ўтганди. ЮНЕСКО қошидаги нуфузли Халқаро мусиқа кенгаши (ISM) ва Халқаро анъанавий мусиқа кенгаши (ISTM) ташкилотлари ташаббускорлигида ўтказилган бу анжуман мақом санъати борасида Ўзбекистоннинг салоҳиятини жаҳонга намойиш этиб, халқаро мусиқа ҳамжамиятини ҳайратга солган эди.

Одатга мувофиқ 1983-йилга режаланган 2-симпозиумнинг бадиий савияси биринчисидан кам бўлмаслиги керак эди. Хуллас, бўлғуси анжуманга янги қойилмақом ижро услублари ва теша тегмаган тарихий маълумот ҳамда ахборотларни ҳозирлаш кун тартибига кўндаланг қўйилди. Шунда ташкилий қўмита аъзоларида икки симпозиум орасида 1980-йилда Хива шаҳрида Бутуниттифоқ илмий-амалий семинари ўтказиш ва унинг доирасида Хоразм нотасида ёзилган мақом куйларини тиклаш ҳамда уни мусиқа аҳли диққатига ҳавола этиш ғояси юзага келди.

Устоз санъаткорларнинг маслаҳати билан бу ишга Урганч мусиқа билим юртининг директори, таниқли арбоб Абдушариф Отажонов масъул этиб белгиланди.

Ота-боболари Хиванинг машҳур созандалари авлодидан бўлган Абдушариф Отажонов ўз замонасида композитор ва бастакорликда баробарига эътибор топган санъаткор бўлиб элга танилган эди. У ёшлигидан миллий мусиқа муҳитида тарбия кўриб Хоразм мақомлари, маҳаллий куй ва ашулалар мағзини қалбига жойлаган етук созанда бўлиши билан бир қаторда композиторлик соҳасида изчил малака оширган ва консерваторияни аъло баҳолар билан тамомлаган ижодкор бўлиб шаклланган эди. Хоразм ва умуман республика мусиқа аҳли орасида Абдушариф Отажонов энг обрўли устоз бўлиб танилишга улгурди. ҳар бир ижод маҳсулига ўта талабчанлик билан қарашни одат қилган устоз Хоразм нотаси асосида эски мақом ижроларини тиклаш ишига ҳам катта масъулият билан киришди ва бутун билим ҳамда маҳоратини сафарбар этди.

Натижада Урганч мусиқа билим юрти ўқитувчи ва талабалари ижросида давомати рота 18 дақиқани ташкил этган (!) Рост мақомининг бошланғич қисми семинар иштирокчиларида кўзлагандан ҳам зиёдрок даражада таассурот уйғотди. Абдушариф Отажонов тиклаган мақом ижроларининг асосий муваффақиятини тоза ва зилол миллий оҳанглар таровати ва ижро услубига ҳош салобат ташкил қилган эди. Шу давргача ҳали кўпчиликнинг қулоғига етмаган улуғвор

Хоразм мақомлари алоҳида бир мусиқий олам бўлишиги эътироф этила бошланди. Бундай натижани кутмаган Абдушариф Отажонов ўширидан қалбида ўрнашиб қолган куй ва оҳангликлар ҳаётга қайтиб, устозлар руҳини шод бўлишигидан ўзи ҳам бениҳоят мамнун эди. Муваффақиятдан илҳомланиб, Хоразм мақомларининг қолган қисмларининг ижроларини ҳам яратишни режалаштира бошлади. Бироқ афсуски, устознинг бетоблиги туфайли унинг гуруҳи 2-Самарқанд симпониумида иштирок эта олмади ва эзгу режалар ҳам амалга ошмай қолди.

**Озод Бобоназаров (1947).** Ўткир истеъдод ҳоҳиби, режаллаган мақсаддан қайтмайдиган индидил ва шижоатли инсон. У ёшлигида Урганч маданият уйи қошида ҳожихон Болтаев раҳбарлигидаги мақом ансамблида созанда сифатида иштирок этиб катта мактаб ўташга муяссар бўлди. Шундан сўнг узоқ йиллар вилоят театрида созанда бўлиб ишлади. У пайтларда таниқли мақом устозлари Ҳожихон Болтаев, Нурмуҳаммад Болтаев, Оллоназар Ҳасанов, Саттор Абдуллаев, Ҳайитбой Бобожонов каби устозлар билан ёнма-ён хизмат қилиб иккинчи ҳаёт мактабини ўтади. Кейин ёши бир жойга бориб қолганлигига қарамасдан консерваторияга ўқишга кириб Сулаймон Тахалов синфида танбур ихтисослиги бўйича таълим олди. Талабалик чоғларида табиатан синчков ва чигал муаммолар устида бош қотиришни хуш кўрадиган тажрибали ва уддабурон созанда Озод Бобоназаров устози Сулаймон Тахаловга пайравлик қилиб, эски

танбур ёзувида битилган мақом ижроларини яратиш ишига қизиқиб қолди.

Озод Бобоназаров консерваторияни тугаллаб, Урганч мусиқа билим юртига ишга қайтган пайти Абдушариф Отажонов раҳбарлигида мақом ижрочилари гуруҳини тиклаш вақтига тўғри келди. У устози Абдушариф Отажонов ёнида туриб эски нота ёзувларини ўқиш ва замонавий ижроларни ҳозирлашда фаол иштирок этди.

Абдушариф Отажонов оламдан ўтгандан кейин унинг ишларини давом эттиришда мутасадди бўлиб майдонга чиқди. Бу сафар ўзбек халқ мусиқасининг 6-жилдида илова этилган нусхаларга қаноат қилмасдан Илём Акбаров қўлидаги Баёний қўлёммасидан олинган фотокопия асосида иш бошлади. Қўлёмзани мутолаа қилиб тиклаган ашула йўллари Урганч тумани Маданият уйи қошидаги ансамбл ижрочиларига ўргата бошлади. Сўнгра унинг ёнига ўз вақтида Ҳожихон Болтаев раҳбарлигидаги ансамблда унинг билан бирга қатнашган фидоий ҳамкасблари Аҳмаджон Машарипов ва Озод (Икромхўжа) Иброҳимовлар қўшилди. Улар ҳамкорлигида Баёний нусхасидан тикланган мақом йўллари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мунаввара Омонбоева ижроларида элга тарқала бошлади.

**Рустам Болтаев (1957).** Янги авлод мақом устозларидан бири. У давлат мусиқа таълимининг барча босқичларини муваффақиятли ўтаб амалиётда катта тажриба орттирган созанда. Бугунги кунда Рустам Болтаев қашқар рубоби, тор, дотор,

танбур ва дойра чолғуларининг етук ижрочиси, ҳамнафас ашулачи ва Хоразм мумтоз рақс санъатининг билимдони сифатида элда эътибор топган устоз.

Рустам Болтаев мусиқа мактаби ва билим юртини қашқар рубоби, консерваторияда эса танбур ихтисослиги бўйича тугаллаган. Консерваториянинг Шарқ мусиқаси кафедрасида у 90 ёшларни чамалаётган атоқли танбурчи Ризқи Ражабийда таҳсил кўрди. Мактаб ва билим юртини кўрган талаба учун бегона бўлган оғзаки услубда мақом ўрганишга тўғри келди. Эшитиш қобилияти яхши бўлишига қарамасдан кекса устоз чалиб берган катта ҳамждаги мақом йўллари бирданга эса сақлаб қолишга қийналар эди. Шунда вазиятни бартараф этиш учун тадбиркор талаба устози ижро этиб берган куйларни аввало нотага ёзиб олиш ва кейин унга қараб хотирага жойлашга одатланди. Эшитган куйни тез нотага ёзиш малакаси кейинчалик унинг ўқитувчилик ва ёшларга мақом ўргатиш ишларида анча қўл келди.

Консерваторияни тамомлагач, Рустам Болтаев узоқ йиллар давомида Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов раҳбарлигидаги Хоразм телевиденияси қошидаги мақом ансамблида жўрнавот танбурчи ва ҳамнафас ашулачи бўлиб ишлади. Айни чоғда Хоразм мақомларини бошқа бир йирик устози Оллоназар Ҳасановга қўшилиб танбур, дотор чалиб эл хизматида эрди. Ана шу икки устоз бағрида консерваторияда олган билим ва малакаларини янада оширди.

Консерваторияда ўқиб юрган пайтлари ва кейинги ўқитувчилик ва ижрочилик фаолияти билан бир қаторда Рустам Болтаев Хоразм нотаси устида ўзи мустақил равишда изланишлар қилишни ҳам одат этди. У ўзидаги билим ва тажрибага ҳамда амалдаги чолғу йўлларига таяниб, танбур нотасидаги куйларнинг ичига киришга ҳаракат қилди. Ўша пайтларда Хоразмда мақом йўлларидан тўрт-бешта куй ижро этилиб юриларди. Булар асосан Пешрави Дугоҳ, Ҳафифи Сегоҳ, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси Баёт ва Сақили Наво қисмларини халқ созандалари хотирасидаги оддийгина «гул-тақ» усулига мослашиб кетган вариантлари эди. Рустам Болтаев Мухаммаси Баёт ва Мухаммаси Ушшоқ куйларини асл усулига тушуриб, Хоразм нотасидан тикланган намуналарини тажриба тариқасида ўз талабаларига ўргата бошлади.

Қисқаси, Хоразм нотасининг Девоний нухаси устида муттасил изланишлар бошлаган пайтда Рустам Болтаев мақом ва унга боғлиқ нота ишларида анчагина тажриба орттирган санъаткор бўлиб етишган эди. Унинг фаол иштирокида Хоразм нотасини қайта тиклаш борасида амалга оширилган тадбирларнинг асосий қисмини куйидагича тавсифлаш мумкин.

Аввало Хоразм нота ёзувининг тарихий ва илмий аҳамиятини **намоён** этиш мақсадида мазкур манбада **келтирилган** мусиқий ва сўз матнларига **қараб**, Рост мақомининг ашула **қисми** ва Дутор мақомларидан Зиҳий **Наззора**-Урганжий туркуми тўла силсима **тарзида**ги ижролари

ҳозирланди. Рустам Болтаев раҳбарлигида Урганч Давлат университети ва Санъат коллежи ўқитувчи ва талабалари томонидан тайёрланган концерт дастурининг Ўзбекистон Давлат консерваторияси катта залида 2002 йил 22-декабрида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Кейинчалик ушбу дастур Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг жамоасига ҳавола этилди. Республика оммавий ахборот воситаларида янги кашф этилган нота ёзуви ҳақида маълумотлар тарқатилди. Сўнгра Ўзбекистон давлат консерваториясида уюштирилган давра суҳбатида тажрибали созандалар ва соҳа мутахассислари фикр алмашдилар.

Ана шундан эътиборан мавжуд тушунча ва тажрибаларни инобатга олган ҳолда Рустам Болтаев Хоразм нота ёзувини изчил ўрганишга, Хоразм нота тизимининг илмий асосларини етарли даражада ўзлаштириб, мақом йўлларининг мусиқий матнларини замонавий нота ёзувига ўгиришга бел боғлади. Натижада мусиқа жамоатчилигига тушунарли изоҳлар бериш мақсад қилинди. Бунинг учун мақомларнинг танбур нотасида ифодаланган парда ва усул тизимларини кўпчиликка таниш бўлган мусиқий тилда изоҳлаш зарур эди.

Мақомларнинг парда ва усул асослари ўтмиш мусиқа рисоаларида, устозлар жорий этадиган оғзаки қарашларда бошқача услуб ва истилоҳда ифодаланади. Масалан, мусиқий рисоаларда куй жадваллари чолғу асбобларининг очиқ (мутлоқ) торидан сарҳисоб этилади. Танбур товушқатори эса унинг дастасидаги пардабандлардан келиб

чиқади. Танбур товушқаторига асосланган Хоразм нотаси ҳам илмий-назарий қоидаларга мувофиқ мутлоқ (яъни, очиқ тор кичик октава «соль» товушига тенг) пардадан бошланади. Шунда танбурнинг биринчи пардабанди (дастадаги белбоғи) «ля» товушига тўғри келади. Масаланинг чигал томони шундан иборатки, олдинги амалиётчи ва назариётчилар танбур пардабандларини турлича сарҳисоб этиб келганлар. Натижада умумий маҳраж икки нуқта — кичик октава «соль» ва «ля» товушларидан чиқарилиб, чалкашликлар юзага келган.

Рустам Болтаевнинг дастлабки муваффақиятлари шу бўлдики, у Хоразм нота назариясига мувофиқ мутлоқ (танбурнинг очиқ торига тенг кичик октава «соль») товушидан ҳисоблади ва ашулалар амалдаги парда низомларига мувофиқлаб олинадиган бўлди. Бу қараш оддийгина туюлсада, олдинги мусиқашунос ва амалиётчилар йўл қўйган англашилмовчиликни бартараф этиш имконини берди.

Хоразм нотасини ўрганиш тарихи ҳақида сўз борар экан, бу ишнинг бошида турган улуғ санъаткор В.А.Успенский ўз вақтида мақом куйларини қандай эшитган бўлса, таҳрир қилмасдан тўғридан-тўғри ёзиб олган. В.Успенскийнинг мутлақ эшитиш қобилияти (абсолют слухи) бўлган. Шунинг учун танбур садолари унинг қулоғига қандай эшитилган бўлса, шундай ёзиб олинган. Бугунги кун мусиқа саводи ва танбурнинг асл товушқатори нуқтаи назаридан В.Успенский ёзувлари биров ғалати туюлади. Танбурнинг учинчи пардаси биринчи октава «до»

товушидан бошланадиган Рост мақоми «ре-бемоль» товушидан бошланган беш бемоллик тонликда ёзилган<sup>58</sup>. Илёс Акбаров табдилотларида эса Рост мақоми «ре» товушидан бошланиб, «фа» ва «до-диез»лар қўйиб ёзилган. Танбурнинг диатоник товушқаторидан келиб чиқадиган бўлсак, унда «фа-диез» ва «до-диез» пардаларини ҳосил қилиш амри маҳол эканлигига амин бўламиз.

Номлари зикр этилган тадқиқотчилар оқида юзага келган бу қийинчиликларнинг моҳиятини тушуниш учун икки нарсага эътибор бериш зарур. Биринчиси, Хоразм нотаси табулатура тоифасига мансуб ёзув, яъни унда товушларнинг баландлиги эмас, балки улар ҳосил қилинадиган пардабандлар ўрни белгиланади. Шунинг учун танбурнинг учинчи ёки бошқа пардаларини Европа тизимидаги нота бирликларининг баландлигига («до», «ре», ёки «ре-бемоль» товушлари) тенглашда эҳтиёткорлик қилиш зарур. Акс ҳолда танбурга мосланган табулатурада бу чолғунинг товушқаторига ёт бўлган «диез» ва «бемоль» аломатлари билан белгиланадиган пардаларни кўрсатиб чалкашликка йўл қўйилиши турган гап.

Иккинчи чигал нуқта шундан иборатки, танбур табулатурасида 18 чизиқ чизилиб, умумий товушқаторнинг сарҳисоб нуқтаси бўлган очиқ парда ёзилмайди. Агар уни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, танбурда ҳосил қилинадиган пардаларнинг умумий сони 19 та бўлади. Айтиб ўтилганидек танбурнинг очиқ тори одатда кичик октава соль товушига сохланади. Ана шунда Хоразм табулатурасида учинчи деб кўрсатилган пардабанд «ре» товушига

эмас «до» товушига тўғри келади ва Европа нотасига табдил этилганда «фа-диез» ва «до-диез» белгиларига эҳтиёж қолмайди. Ёзув ҳам, ижро ҳам ўзининг табиий ҳолатида қолади.

Мақомларнинг усул масалаларида ҳам Рустам Болтаев кўп нарсаларнинг тагига етишга ва амалиётдан ташқарида қолиб кетган усулларни қайта тиклашга муяссар бўлди. Матниёз Юсупов Хоразм мақомларини нотага олаётган пайтда чолғу йўллари-нинг асл усулларини биладиган устозлар деярлик қолмаган пайтда барча чолғу қисмлари оддий «зарбул қадим» вазнида чалиниши одатга айланган эди. Бу эса мураккаб куй таснифотларининг таркибини бузилишига олиб келди. Натижада мухаммас, сақил ва бошқа йирик куйлар оддий усулда чалиниб, кўп лавҳалари унитила бошлади.

Рустам Болтаев эришган муҳим ижодий ютуқлардан яна бири шу бўлдики, у Хоразм нотасида келтирилган барча усуллар, жумладан Мухаммас ва Сақиллар, ҳаттоки 76 (!) зарбли улуғвор «Се усул» вазнида ижро этиладиган ўта мураккаб таснифотларни ҳам қайта тиклашга ва уларнинг намунали ижроларини ҳозирлашга муяссар бўлди.

<sup>1</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр. 1994. 95-б.

<sup>2</sup> ЎЗР ФА ШИ Қўлёзмаси, инв.№8758. 26-варақ.

<sup>3</sup> Исмоилова Э. Қўлёзма китобат санъати. «Хива минг гумбаз шаҳри». Тошкент: «Шарқ», 1997. 91-б.

<sup>4</sup> «Девони ҳафт шуаро». Хива-1324 ҳ. 31-32 бетлар. ЎЗР ФА ШИ инв.№40.

<sup>5</sup> Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр. 1994. 58-б.

<sup>6</sup> Камалов С. К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. 261-стр.

<sup>7</sup> Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: Фан, 1995. 9-б.

<sup>8</sup> ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмаси, № 3869.

<sup>9</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1994. 93-94 бетлар.

<sup>10</sup> Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). Ўзбекистон. 1997. 97-б.

<sup>11</sup> Чабров Г.Н. У истоков узбекской полиграфии (хивинская придворная литография 1874-1910 г.г.) Книга. Исследования и материалы». Сборник IV. Изд.всесоюзной книжной палаты. —Москва: 1961. 317-329 стр.

<sup>12</sup> «Улфат» газетаси, 1906 йил, 9-февраль, 10-сон, 1-саҳифа.

<sup>13</sup> «Хива саёҳатномаси ва тарихи». Тарж. Мустафо Саъдибек ва Али Афанди. Истанбул: «Басират» матбааси, 1875-йил. 270-271 бетлар. ЎЗР ФА ШИ инв.№2281.

<sup>14</sup> Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент: 2005. 74-б.

<sup>15</sup> Кун А.Л. Культурный оазис Хивинского ханства. /Туркестанские ведомости. 1874, № 6 и № 12.

<sup>16</sup> Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). Тошкент: «Ўзбекистон», 1997 й., 44-45 бетлар.

<sup>17</sup> Усманий А. Хива мамлакатинда мадрасалар. «Шўро» журнали, 1912 йил, 15 сентябр. 559-561 бетлар.

<sup>18</sup> Демидов С.М. Суфизм в Туркмении. Ашхабад, 1978. 103-стр.

<sup>19</sup> Ўша асар. 131-б.

<sup>20</sup> Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. Тошкент: Фафур Фулом номидаги адаб.санъат.нашр. 1994. 70-б.

<sup>21</sup> Хива хонлари архивида саройда мусиқийга ўргатилаётган талабаларнинг рўйхати келтирилган

хужжат мавжуд. Шунингдек, Хоразмнинг моҳир хаттоти ва айни пайтда энг етук мусиқашуноси Муҳаммад Расул Мирзо беш юз нафар болага хаттотлик сирларидан сабоқ берганлиги маълум. Қаранг: Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ет эгаллиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959. 208-бет; Муҳаммад Юсуф Девонзода, Мулла Бекчон Раҳмон ўғли. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, 1925. 42-43 бетлар.

<sup>22</sup> Бу ҳақда қаранг: Аминов Ҳ. Танбур чизиғи нусхалари. Шашмақом сабоқлари, 1 т. 122-б.

<sup>23</sup> Чунки, Танбур чизиғининг «Баёний нухаси» деб аталадиган қўлёзмаси (253-бет)да 1299 ҳ. сана Ироқ мақоми охирига қўйилган. Мақомот тизимидан маълумки, Ироқ энг охирги мақомдир.

<sup>24</sup> Зеро, Комил Хоразмий танбур чизиғи ихтиросида энг аввал Рост мақомининг чертимидан кўрсатиб берган эди. Қаранг: «Хоразм мусиқий тарихчаси», Тошкент, 1998, 13-б.

<sup>25</sup> Хоразм мусиқа тарихчаси. 32-б.

<sup>26</sup> Мулло Бекчон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, «Нашриёт» хусусий матбааси, 1925. 42-43 бетлар.

<sup>27</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари Тошкент, 1961, 74-б.

<sup>28</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч, 1992, 47-б.

<sup>29</sup> Мулло Бекчон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, «Нашриёт» хусусий матбааси, 1925. 48-б.

<sup>30</sup> ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмаси, инв.№1135. 163 а-варақ.

<sup>31</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. Тошкент, 1961. 110-б.

<sup>32</sup> Каримов И. Искусство оформления Хорезмской рукописной книги. //Краткие тезисы докладов IV искусствоведческой научно-теоретической конференции молодых ученых (21-24 апреля 1981 г.). Ташкент:1981. 120-стр.

<sup>33</sup> Худойберганов К. Ёзувларга яширинган тарих. -Хива-1996. 37-б.

<sup>34</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч шаҳри, 1992. 41-б.

<sup>35</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан, Тошкент, 1961. 119-б.

<sup>36</sup> Нухса мусиқашунос И.Ақбаровнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

<sup>37</sup> Ёзма маълумотлар ва кекса устозларнинг гувоҳлик беришича 1923-йилда ташкил қилинган Хива мусиқа мактабида миллий мусиқа саводи танбур нота ёзувлари асосида амалга оширилган.

<sup>38</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 37-б.

<sup>39</sup> «Хоразм мусиқий тарихчаси», Москва, 1925 йил, 49-бет.

<sup>40</sup> 1938-йилда бу асбоб сарой созандаси Раззоқ ота Омонов қўлида бўлганлиги ҳақида матбуотда хабар берилган. Қаранг: Хоразмские макомы. Правда Востока, 1938. 2-август.

<sup>41</sup> Хоразмда Муҳаммад Ёқубни Матёқуб дейдилар.

<sup>42</sup> Масалан, ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмалари, Инв.№№7122;1129;2029;6942;6706 ва б. Умуман, фондда унинг қалами билан кўчирилган 20 зиёд қўлёзмалар мавжуд.

\* Чўлпонинг юқориди номи тилга олинган мақоласини мусиқашунос Б.Муҳаммедова тадқиқ қилган. Матёқуб Ҳарротнинг қўли билан кўчирилган, ҳозирда Ўзбекистон Давлат архивида сақланаётган танбур чизиғи нусхаларини ҳам илк бора Б.Муҳаммедова 2005 йил топган эди. Ушбу маълумотларни бизга тақдим этганлари учун Б.Муҳаммедовага ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

<sup>43</sup> Юнусов Ю. Хоразм шоирлари. 105-б.

<sup>44</sup> Матюсуф Ҳарротов архиви. Архив Санъатшунослик институти кутубхонасида № 571/5 рақама билан сақланади.

<sup>45</sup> Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. 118-б.

<sup>46</sup> Муҳаммад Юсуф Харрот Чокарнинг дастак дафтари. ЎЗРФА ШИ Инв № 9579.

<sup>47</sup> Хоразм мусиқий тарихчаси. 6-бет.

<sup>48</sup> Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. Тошкент. 1994 й. 69-бет.

<sup>49</sup> 1922-йилда Ҳамза Ҳакимзода маориф ишлари юзасидан Хивага келганида у Комил Девоний билан яқин дўстлашади. Девоний кариндошларига ҳикоя қилишича, улар адабиёт ва мусиқий масалалари билан тонготар суҳбатлар қилиб, бири-бирини дийдорига тўймаган. Девоний иқтидоридан таъсирланган Ҳ.Ҳ.Ниёзий ўз фарзандига эзгу ниятлар билан Комилжон деб ном қўйган. Дўсти Ҳамза бевақт вафот этгандан сўнг ана шу илтифотга жавобан Комил Девоний ўғлини Ҳамза деб атаган.

<sup>50</sup> Икромов И. Ер юзи журнали. 1928-й.

<sup>51</sup> Belyaev V. Khorezmian notation. The sackbut. 1924. № 1.

<sup>52</sup> Успенский В.А. Классическая музыка узбеков. Тошкент. 1927.

<sup>53</sup> Романовская Е.Е. Хорезмская классическая музыка. Ташкент, 1939.

